



USAID
AMERIKA XALQIDAN



**МИГРАЦИЯНИНГ
ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРИ:
ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА**



USAID
AMERIKA XALQIDAN



**МИГРАЦИЯНИНГ
ГЕНДЕР ЖИХАТЛАРИ:
ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА**

Тошкент – 2024

Хамдамова Ф. ва бошқ.

Миграциянинг гендер жиҳатлари: халқаро ва миллий тажриба / Ф.Хамдамова, Е.Бурмицкая, Л.Исоқов, С.Жолдасова, С.Алимов, М.Рахимова. – Т.: “Dimal” нашриёти, 2024. – 332 б.

Ушбу нашр миграция масалалари ва миграция сиёсатининг гендер жиҳатлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган материаллар тўпламидан иборат. Мазкур тадқиқот доирасида жаҳондаги миграция жараёнлари, миграция масалалари бўйича халқаро ҳуқуқий база ўрганилиши баробарида Ўзбекистоннинг миграция қонунчилиги таҳлил қилиниб, миграция сиёсатини такомиллаштириш истиқболлари кўриб чиқилди ва гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда мигрантларни ҳимоя қилиш бўйича амалий тавсиялар берилди, шунингдек, шу мавзуда ижтимоий сўровлар ўтказилди.

Ушбу тадқиқот қатор ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги меvasидир. Муаллифлар «Юсак салоҳият» (Тошкент), “Истиқболли авлод” (Наманган), “Ойдин нур” (Бухоро), “Истиқлол авлоди” (Жиззах), “Меҳржон” (Фарғона), “Барқарор ҳаёт” (Термиз) нодавлат нотижорат ташкилотларига бу тадқиқотга тайёргарлик кўришда берган ёрдамлари учун ўз миннатдорлигини билдиради.

Мазкур нашр АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Маҳсулот мазмуни бўйича масъулият Tetra Tech DPKга юклатилади ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

Муаллифлар:

Фируза Хамдамова	Гендер тенглик бўйича эксперт, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори
Елена Бурмицкая	“Green Light for Civil Initiatives” ННТ (Болгария) директори
Луқмонжон Исоқов	Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ҳалқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори
Саҳижджамал Жолдасова	Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлар доктори
Сардор Алимов	“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти бўлим мудирини, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори
Минавар Рахимова	АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислоҳотлар дастурининг Гендер тенглик ва ижтимоий интеграция бўйича менежери

Тақризчилар:

Иса Хамедов	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Давлат қурилиши ва оммавий ҳуқуқ маркази раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор
Жаҳонгир Юлдашев	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси кафедра бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

Нашр USAIDнинг Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислоҳотлар дастури кўмагида тайёрланди.

ISBN 978-9910-664-67-0

© Ф.Хамдамова, Е.Бурмицкая, Л.Исоқов,
С.Жолдасова, С.Алимов, М.Рахимова, 2024
© “Lesson Press” нашриёти, 2024

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	5
КИРИШ	7
1-БОБ. МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ДУНЁДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР, ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА	11
1.1. Замонавий дунёда миграция жараёнлари: айрим мамлакатлардаги ривожланиш тенденциялари ва ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси	12
1.2. Миграция сиёсатида гендер жиҳатларни жорий этишнинг халқаро стандартлари	17
1.3. Миграция жараёнларини феминизация қилиш ёки аёллар миграциясининг ўзига хос хусусиятлари миграция жараёнларини ривожланиш омилларидан бири сифатида	28
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МИГРАЦИЯ СИЁСАТИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА МЕХАНИЗМЛАР	35
2.1. Ўзбекистоннинг мигрантларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро мажбуриятлари: гендер жиҳатлар	36
2.2. Ўзбекистоннинг мигрантларни ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилиги: гендер жиҳатлар	43
3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИГРАЦИЯ СИЁСАТИНИНГ АЛОҲИДА ЙўНАЛИШЛАРИ: ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР	47
3.1. Меҳнат миграциясининг гендер жиҳатлари	48
3.2. Таълим миграциясининг гендер жиҳатлари.....	55
3.3. Экологик миграциянинг гендер жиҳатлари.....	65
4-БОБ. МИГРАЦИЯ СИЁСАТИ МОНИТОРИНГИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА	69
4.1. Гендер жиҳатларни ҳисобга олиш тамойили асосида Ўзбекистоннинг миграция сиёсатини мониторинг қилиш механизми.....	70
4.2. Хотин-қизлар миграциясини мониторинг қилиш соҳасида давлат муассасалари ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги: илғор тажрибалар.....	75
4.3. Миграция сиёсатини баҳолаш учун гендер кўрсаткичлари.....	90

5-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МИГРАЦИЯ СИЁСАТИНИ ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	94
5.1. Ўзбекистоннинг миграция масалалари бўйича халқаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш	95
5.2. Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида миграция сиёсатида гендер жиҳатларни ҳисобга олиш миграция сиёсатини такомиллаштиришнинг янги тенденцияларидан бири сифатида.....	97
ХУЛОСА	104
ГЛОССАРИЙ	108
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	112
ИЛОВАЛАР	118
1-илова. Миграция сиёсатида гендер жиҳатларни ҳисобга олиш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси	119
2-илова. Ижтимоий сўровлар натижалари	124

МУҚАДДИМА

Миграция – бугунги глобал дунёнинг энг характерли ҳодисаларидан бири бўлиб, унинг таъсирини Ер юзидаги ҳар бир минтақа, ҳар бир мамлакат, ҳаттоки ҳар бир инсон ҳаётида кўришимиз мумкин. Бутун дунёда мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли миграциясини тартибга солиш каби вазифалари билан шуғулланувчи БМТнинг Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, 1970 йилдан 2020 йилгача мигрантлар сони сайёра аҳолисининг 2,3 фоизидан 3,6 фоизигача ошиб, 84 миллион нафардан 280 миллион нафарга етган. Ўз навбатида, мигрантлар сонининг бундай катта тезликда ўсиб бориши Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ҳам таъсир қилмай қолмайди.

Миграция жараёни бир вақтнинг ўзида мигрантларни етказиб берувчи донор давлатлар ҳамда уларни қабул қилувчи мамлакатлар ҳаётига таъсир қилади, ва албатта, мазкур жараёнда мигрантларнинг ўзи бевосита иштирок этади. Мазкур жараённинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг ҳар бир босқичида гендер хусусияти юзага чиқади. Миграция жараёнида гендер баланси таъминлаш, хотин-қизларга нисбатан тенгсизлик ёки тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, миграциянинг ҳар бир турида, миграциянинг ҳар бир босқичида аёлларнинг манфаатини инобатга олиш талаб этилади. Чунки аёллар нафақат миграция жараёнининг бевосита иштирокчиси, балки миграция таъсирини ўзида энг кўп сезувчи қатлам ҳам ҳисобланади.

Бугунги кунда миграциянинг барча турларида, таълим миграцияси, меҳнат миграцияси, ҳаттоки иқлим ўзгаришлари туфайли содир бўладиган миграция жараёнларининг таъсири ҳам эркаларга нисбатан аёлларда кўпроқ сезилади. Шу сабабли ҳам миграция сиёсатининг гендер жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш, миграцияга оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер сезувчанлигини таъминлаш, миграция жараёнининг барча босқичларида гендер сезувчан миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш меъзонлари ва кўрсаткичларини жорий этиш, мигрантлар, хусусан мигрант аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби масалалар долзарб аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам миграция сиёсатининг инсонпарварлик моҳиятига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бугунги кунда мамлакатимизда миграция жараёнини фуқаролар учун хавфсиз, қонуний, қулай кўринишда бўлишини таъминлаш мақсадида ўзига хос механизм ишлаб чиқилган бўлиб, у учта асосий йўналишни ўз ичига олади:

1) Фуқароларнинг вақтинча чет давлатга меҳнат мигранти сифатида кетганига қадар уларни тайёрлаш, тил ва касбий маҳорат бўйича ўқитиш;

2) Меҳнат мигранти сифатида хорижда бўлиб турган ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш;

3) Меҳнат миграциясидан ортга қайтиб келган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий реинтеграцияси, хусусан, ижтимоий муҳитга қайта мослашуви учун шароит яратиш.

Ушбу тизимдан англашимиз мумкинки, мамлакатимизда фуқароларнинг мигрант сифатида хорижга чиқишга қарор қилишидан тортиб, чет элда бўлган вақтида ҳамда Ватанга қайтиб жамиятга, ижтимоий ахлоқий муҳитга қайтадан мослашунига қадар бўлган барча жараёнларни эътибордан четда қолдирмайди, халқаро миқёсда, ҳар қандай шароитда ўз фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Мазкур инсонпарвар ёндашувнинг давоми ўлароқ миграция жараёнига гендер нуқтаи назардан ёндашиш ҳамда миграцияда гендер баланси таъминлаш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Мазкур қўлланма икки феномен – миграция ва гендернинг ўзаро алоқадор жиҳатларини, миграция сиёсатида гендер жиҳатларни жорий этишнинг халқаро стандартлари, хориж мамлакатларининг ушбу йўналишдаги илғор тажрибаси, меҳнат, таълим ва экологик миграциянинг гендер аспекти, миграция сиёсатини баҳолаш учун гендер индикаторларини ва миграциянинг гендер жиҳатларини инновацион ёндашув асосида ёритиб бера олганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўз навбатида, миграцион сиёсатнинг гендер хусусиятлари билан боғлиқ ҳали ечимини кутаётган кўплаб муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, мазкур йўналишда илмий тадқиқот олиб бораётган экспертлар, илмий изланувчилар, тадқиқотчиларнинг кейинги илмий изланишларида муваффақият тилайман.

Нодира Эгамбердиева,
«Оила ва гендер» илмий-тадқиқот
институти директори, педагогика
фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Замонавий воқелик ва глобаллашув шароитида давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири миграция сиёсати ҳисобланади. Миграция, айниқса, тўғри бошқарилган шароитда, ижобий ривожланиш натижаларига ва 2030 йилгача Барқарор ривожланиш бўйича кун тартибига эришишга ёрдам беради¹.

БМТнинг миграция масалалари бўйича махсус маърузачиси таъкидлаганидек, **мигрантлар ўз ватанларига катта фойда келтиради:** улар зарур ишларни бажарадилар, солиқларни тўлайдилар ва акцсарият ҳолларда, жамиятни янада ранг-баранг ва жадал ривожланишига туртки бўлувчи янги ғояларни олиб келадилар. **Шунингдек, халқаро мигрантлар ўз мамлакатларига даромад келтиради.** Одатда улар ишлайдиган мамлакатларига келибоқ, ўз оилаларига пул жўнатишни бошлайдилар ва бу маблағлар инсон капиталини яратишга ёрдам берибгина қолмай, агар оқилона сармоя қилинса, қўшимча бойлик яратади. Чет элда қолиб, муваффақият қозонган мигрантларнинг баъзилари ўз мамлакатларига инвестиция қилишни бошлайдилар, бу эса, нафақат капитал оқими ва савдонинг фаоллашуви, балки ғоялар, кўникмалар ва технологияларнинг ривожланишига сабаб бўлиши баробарида ушбу мамлакатларнинг глобал ҳамжамиятга интеграциялашув имкониятларини оширади².

Ривожланаётган мамлакатлар учун миграция биринчи навбатда иш топиш ва ишсизлик даражасини камайтириш имкониятидир. Бундан ташқари, мигрантларнинг пул ўтказмалари иқтисодий ўсишга кўмаклашади. Марказий Осиё мамлакатларидаги валюта тушумларининг асосий қисми мигрантларнинг пул ўтказмалари ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун меҳнат миграцияси алоҳида ва энг катта амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш миграция сиёсатининг самарадорлиги, хусусан, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган ривожланаётган мамлакатларидаги аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига чамбарчас боғлиқдир. Бироқ миграция турли шаклларга эга ва миграция жараёнлари комплекс ёндашувни талаб қилувчи қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Миграция мигрантларни қабул қилувчи ривожланган мамлакатлар учун ҳам, мигрантлар оқими чиқиб келувчи ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам муаммолардан холи эмас.

Ривожланган давлатлар ўз ҳудудида мигрантларнинг хавфсизлигини таъминлаши зарур. Миграция одатда қабул қилувчи мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва самарадорлигини яхшилайдиган³. Шу билан бирга, кўп

¹ Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартнома (A/RES/73/195)// <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N18/452/02/PDF/N1845202.pdf?OpenElement>

² БМТ Бош котибининг миграция масалалари бўйича махсус вакили маърузаси. 2017 йил.// <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N17/002/22/PDF/N1700222.pdf?OpenElement>

³ Миграция иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ўсишни ошириши мумкин. 2020 йил 19 июнь [Электрон ресурс]URL: <https://www.imf.org/ru/Blogs/Articles/2020/06/19/blog-weo-chapter4-migration-to-advanced-economies-can-i-raise-growth>

ҳолларда, мигрантлар оқимининг кўпайиши миллатлараро низоларни кучайтириш хавфини келтириб чиқаради. Қолаверса, ноқонуний миграция ҳолатлари тез-тез учраб туради ва бу ўша мамлакатда жиноятчиликнинг кучайишига олиб келади.

Ривожланаётган давлатлар ўз фуқароларини бошқа давлатга мигрант сифатида жўнаб кетишидан олдин уларнинг ўша давлатга мослашишига кўмаклашиши ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, эҳтимолий хавф ва таҳдидлар тўғрисида уларнинг хабардорлигини ошириши, одам савдосидан жабр кўриш хавфининг олдини олиш орқали уларни тайёрлаш лозим.

Шу тарзда, миграция ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ миграция сиёсати ривожланаётган мамлакатларни иш билан таъминлаш, шунингдек, ривожланган мамлакатлар учун етишмаётган ишчи кучини тўлдириш масаласини ҳал қилиш билан бирга, мигрантларнинг ўзлари учун хавф туғдирмаслиги ҳам керак. Шу билан бирга, миграция сиёсатида гендер жиҳатларини ҳисобга олиш энг муҳим тенденция ҳисобланади.

Бу масала миграция жараёнлари жадал кенгайиб бораётган ва бошқа давлатларга меҳнат мигрантлари оқими босқичма-босқич кенгайиб бораётган Марказий Осиёдаги аҳоли энг зич жойлашган давлатларидан бири бўлган, аҳолиси таркибида ёшлар кўпчиликини ташкил қилувчи Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, миграция жараёнлари ривожланишининг энг муҳим тенденцияларидан бири миграция жараёнларини феминизация қилишдир. Мигрантлар орасида аёллар улуши йил сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш бўйича Миллий стратегиясида⁴ миграция сиёсатининг гендер жиҳатлари бўйича тадқиқотлар етарли эмаслиги қайд этилган. Бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам етарли эмас. Бу ҳам ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Бундан ташқари, мамлакатнинг миграция сиёсатини янада такомиллаштиришда халқаро ва хорижий тажриба, шунингдек, глобал миграция жараёнлари тенденцияларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, давлат сиёсатининг барча соҳаларини такомиллаштиришда гендер жиҳатларининг роли ортиб бормоқда. Миграция сиёсати ҳам бундан мустасно эмас. Миграция сиёсатида гендер истиқболларини ҳисобга олиш унинг сифати ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин.

Бу борадаги давлат ва жамиятнинг вазифалари, бир томондан, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, уларга мамлакатда хавфсиз ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун имкониятлар яратишдан иборат бўлса, бошқа томондан, хотин-қизларнинг танлаш ҳуқуқи ва уларнинг чет

⁴ СҚ-297-IV-сон 28.05.2021. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида (lex.uz)

элда меҳнат фаолияти давомида ўз оиласини боқишга қўшаётган ҳиссасини муносиб ҳурмат қилган ҳолда, шунингдек, давлат ва жамиятнинг хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизларнинг миграцияси ва ҳаракатланишининг тартибли, хавфсиз, мунтазам ва масъулиятли жараёнига кўмаклашишни ҳам англатади.

Ўзбекистонда хотин-қизлар миграцияси соҳасидаги вазиятни яхшилаш бўйича тегишли сиёсат ва амалий воситаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, хотин-қизларга нисбатан инсоннинг фундаментал ҳуқуқларининг бузилишига тегишлича жавоб бериш учун, биринчи навбатда, миграция жараёнлари контекстида ўзбек хотин-қизларининг аҳволи, мамлакатда аёллар миграциясининг ўсишига хизмат қилаётган мавжуд муаммолар ва тўсиқлар, хотин-қизларнинг миграция жараёнининг турли босқичларида – йўлда, чегараларни кесиб ўтишда ва кўзланган мамлакатга етиб боришдаги ҳолатлар ҳақида ишончли маълумотларни тўплаш зарур.

Ушбу тадқиқот миграция сиёсати соҳасидаги барча масалаларни қамраб олмаслиги, бундай масалалар битта тадқиқот доирасида тўлиқ ёритиб бўлмаслигини ҳам таъкидламоқчимиз. Мазкур **тадқиқотнинг асосий йўналиши миграция сиёсатининг гендер жиҳатларини таҳлил қилишга қаратилган.**

Китобнинг **биринчи бобда** миграция масалалари бўйича ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий асослари ва механизмлари кўриб чиқилиб, ушбу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари ҳақида умумий маълумот берилган. Ушбу бобнинг аҳамияли жиҳати, миллий миграция сиёсатини такомиллаштиришда бутун дунёдаги тенденцияларни ҳисобга олиш муҳимлигидир.

Иккинчи боб Ўзбекистоннинг миграция сиёсати таҳлилига бағишланган. Бу бобда Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятлари таҳлил қилиниб, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида умумий маълумот берилади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда миграция сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида, асосан, меҳнат миграциясига эътибор қаратилган бўлса-да, **тадқиқотда таълим миграциясининг гендер жиҳатларини таҳлил қилишга ҳам урғу берилган.** Бундан ташқари, **тадқиқот экологик миграциянинг гендер жиҳатларини ҳам қамраб олди.**

Учинчи бобда миграция сиёсатини такомиллаштириш истиқболлари ҳақида сўз юритилиб, гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда мигрантларни ҳимоя қилиш бўйича амалий тавсиялар тақдим этилади. Ушбу бобда **рақамлаштиришнинг миграция жараёнларига таъсирига алоҳида эътибор қаратилган.** Бундан ташқари, унда миграция сиёсатини аниқ белгиланган кўрсаткичлар асосида мониторинг қилиш муҳимлигига ҳам эътироф этилади.

Бу тадқиқот нафақат халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, балки халқаро ташкилотлар ҳисоботлари, илмий мақолалар таҳлили, статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида ҳам олиб борилган. Бундан ташқари, ушбу бобда **Ўзбекистоннинг миграция**

сиёсатига гендер жиҳатларини ҳисобга олиш бўйича ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳам келтирилган, бу эса ушбу тадқиқотнинг амалий аҳамиятини оширади.

Китоб миграция сиёсатини такомиллаштириш бўйича ғоялар ва тавсияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи амалиётчилар ва тадқиқотчилар учун фойдали бўлади.



1-БОБ.

**МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ДУНЁДАГИ
ТЕНДЕНЦИЯЛАР, ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР
ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

1.1. ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: АЙРИМ МАМЛАКАТЛАРДАГИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЖРИБАСИ

БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда **281 миллионга яқин халқаро мигрант бор** – бу дунё аҳолисининг 3,6 фоизини ташкил қилади⁵.




Халқаро миграция ташкилоти (ХМГТ) маълумотларига кўра, мигрант – бу халқаро чегарадан ўтган ёки бошқа давлатга кўчиб ўтаётган ёки кўчиб ўтиб бўлган ҳамда, шахснинг юридик мақоми, ҳаракатларининг ихтиёрий ёки ихтиёрий эмаслиги, кўчиб ўтиш сабаблари ёхуд у ёки бу давлатда бўлиб туриш муддати қанчалигидан қатъи назар, одатдаги яшаш жойини тарк этган ҳар қандай шахсдир⁶.

Сўнги ўн йилликларда мигрантлар учун энг жозибадор давлатлар сифатида Америка Қўшма Штатлари ва Германияни қайд этиш мумкин. 1970 йилда Америка Қўшма Штатларида 12 миллион халқаро мигрант бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 51 миллиондан ошади. Германияда сўнги 10 йилнинг ўзида халқаро мигрантлар сони 8,9 миллиондан 16 миллион нафарга кўпайган. Франция, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистони ҳам мигрантлар учун жозибадор давлатлардир. Бирлашган Араб Амирликларида аҳолининг 88% халқаро меҳнат мигрантларидир.


Умуман олганда, **жами мигрантларнинг 60% дан ортиғи иш ва яхши ҳаёт излаб Европа ва Осиё мамлакатларини танлашади.** Европада 87 миллион, Осиё мамлакатларида эса 86 миллион хорижий ишчи истиқомат қилади. Улардан кейинги ўринларда, Шимолий Америка бўлиб, у ерда 59 миллион халқаро мигрант ишлайди, бу кўрсаткич глобал миграция оқимининг 21 фоизини ташкил қилади. Мигрантларнинг 9 фоизи Африкада, 3 фоизи Океанияда фаолият юритади.

⁵ Дунёда қарийб 281 миллионга халқаро мигрант бор. 14.02.2022 й. [Электрон ресурс] URL: <https://news.un.org/ru/story/2022/02/1418252>

⁶ Мигрантлар: маргиналлашув эмас, ҳимоя. [Электрон ресурс] URL: <https://www.un.org/ru/fight-racism/vulnerable-groups/migrants>



Бунда, жами 281 миллион нафар халқаро мигрантнинг, 15 фоизи – 20 ёшгача бўлган шахслар, 73 фоизи – меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, 12 фоизи – 65 ёшдан юқори шахсларни ташкил қилади⁷. Мамлакатимиздаги мигрантлар орасида ҳам деярли шунга яқин тенденцияни кузатишимиз мумкин (2-иловага қаранг).



Мамлакатлар нуқтаи назаридан, халқаро мигрантларнинг 40 фоизи қуйидаги Ҳиндистон, Хитой, Бангладеш, Покистон, Филиппин ва Афғонистон каби олтита Осиё давлатидан келганлардир. Халқаро мигрантлар сони бўйича Ҳиндистондан кейин Мексика турса, Россия учинчи ўринни эгаллайди⁸.

⁷ Мигрантлар: маргиналлашув эмас, ҳимоя. [Электрон ресурс] URL: <https://www.un.org/ru/fight-racism/vulnerable-groups/migrants>

⁸ Дунё бўйлаб тахминан 281 миллион нафар халқаро мигрант бор. 14.02.2022 й. [Электрон ресурс] URL: <https://news.un.org/ru/story/2022/02/1418252>

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда иммигрантларнинг умумий аҳоли сонига улуши **7% дан 12% гача** ошган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 2% фоиз атрофида қолмоқда⁹.

Кейинги йилларда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда мигрантларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Пандемия ва у билан боғлиқ барча чекловчи чораларга қарамай, 2020 йилда меҳнат мигрантлари уйларига қарийб 702 миллиард АҚШ доллари юборишган. Бу 2019 йилга нисбатан атиги 2,4 фоизга кам холос. 2020 йилда Ҳиндистон, Хитой, Мексика, Филиппин ва Миср фуқаролари ўз қариндошларига энг кўп миқдорда пул ўтказган. Ўтган йили ҳиндистонлик мигрантлар пул ўтказмалари 83 миллиард АҚШ доллари, хитойлик мигрантларники эса 59 миллиард АҚШ долларига етган¹⁰.

Таъкидлаш зарурки, пул ўтказмалари ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу тарзда, 1950-йилларда **Япония ва Жанубий Кореяда** ҳам оммавий миграция жараёнлари кузатилган. Пул ўтказмалари ва янги технологияларнинг ривожланиши натижасида бу мамлакатлар иқтисодиёти жадал ривожланган.

Ҳозирги вақтда **Филиппин** миграция юқори даражада ташкил этилган мамлакат ҳисобланади. Ташқи меҳнат миграцияси бу мамлакат иқтисодиёти учун донор ҳисобланади. Бу ердан ҳар йили ўртача 1,6 миллион киши хорижга ишлаш учун кетади. Жами 10 миллионга яқин фуқаро меҳнат мигранти ҳисобланади. Ҳар йили улар 21,3 миллиард АҚШ долларгача ёки мамлакат ЯИМнинг ўртача 11 фоизини мамлакатига юбордилар¹¹.

Миграция бандлик ва ишга жойлаш масалаларини ҳал этишга ёрдам берувчи, ишчи кучи ҳам ортиқча бўлган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим. Бу мамлакатларнинг меҳнат қилиш мақсадида бошқа давлатларга кўчиб ўтаётган фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш ва бу орқали иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиш борасидаги тажрибаси амалий аҳамиятга эга.

Аммо бу бир нечта тенденциялардан бири холос. Бундан ташқари, ноқонуний миграция оқими йил сайин ортиб бормоқда, мажбурий миграция улуши кўтарилмоқда, миграциянинг демографик аҳамияти ҳам ошмоқда, қолаверса, мигрантлар учун анъанавий бўлган эмигрант, транзит ва иммигрант мамлакатлар ўртасидаги фарқлар камайиб, мигрантлар таркиби сифат жиҳатидан ўзгармоқда, бу, шубҳасиз, мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатади.

Мигрантлар сонининг ортиши ва миграция қўлами ошиши билан бу масалани ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти ҳам ортиб бориши табиий, албатта. **Буюк Британия, Германия, АҚШ ва Франция** каби мамлакатлар

⁹ Миграция иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ўсишни ошириши мумкин. 19.06.2020 й. [Электрон ресурс] URL: <https://www.imf.org/ru/Blogs/Articles/2020/06/19/blog-weo-chapter4-migration-to-advanced-economies-can%20raise-growth>

¹⁰ Дунёда қарийб 281 миллионга халқаро мигрант бор. 14.02.2022 й. [Электрон ресурс] URL: <https://news.un.org/ru/story/2022/02/1418252>

¹¹ Меҳнат миграцияси: Ўзбекистонни Япония ёки Жанубий Кореянинг келажаги кутяптими? 17.11.2020. [Электрон ресурс] URL: <https://uz.sputniknews.ru/20201117/Trudovaya-migratsiya-zhdt-li-Uzbekistan-buduschee-Yaponii-ili-Yuzhnoy-Korei-15423658.html>

ташқи меҳнат миграцияси оқимини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича катта тажрибага эга. Буюк Британия ва АҚШ англо-саксон оиласига, ёки умумий ҳуқуқий оилага, Франция ва Германия эса роман-герман ҳуқуқий оиласига тегишли эканини таъкидлаш зарур.

Шундай қилиб, **Буюк Британияда** 1971 ва 1988 йилларда қабул қилинган “Иммиграция тўғрисида”ги қонунлар амал қилиб, улар мамлакатга кириш ва унда қолиш қоидаларини ўз ичига олади. Шахс ўз мақоми ёки ишдан четлатилганлиги сабабли бундай қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда ишлаган бўлса, жиноят содир этган ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар **АҚШ** Халқаро меҳнат ташкилотининг (кейинги ўринларда – ХМТ) атиги 14 та конвенциясини ратификация қилган. Улардан фақат биттаси барча меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу ХМТнинг мажбурий меҳнатни тақиқлашга бағишланган 105-сон (1957) Конвенциясидир. Америка Қўшма Штатлари ҳамон мигрантлар меҳнатига оид конвенцияларни ратификация қилмаган, чунки бу давлат мазкур соҳада ўз стандартларини белгилашга қарор қилган. Шу тарзда, миграция тўғрисидаги қонун ҳужжатлари АҚШ қонунлар тўпламининг миграцияга бағишланган бобларига киритилган.

Францияда ички қонунчилик мавжуд, масалан, 1945 йил 2 ноябрдаги 45-2658-сонли “Чет элликларнинг Францияга кириши ва мамлакатда қолиш шартлари тўғрисида”ги фармонни олиш мумкин, лекин у ҳужжат қонун ҳужжатларини кодификация қилиш сабабли ҳозирда бекор қилинган. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарият қисми “Чет элликларнинг мамлакатга кириши, у ерда бўлиши ва бошпана олиш ҳуқуқи тўғрисида”ги кодексда жамланган. Мамлакатда, шунингдек, 2006 йил 24 июлдаги 2006-911-сонли “Имиграция ва интеграция тўғрисида”ги қонун ҳам мавжуд. Эътиборли жиҳати шундаки, кодификацияланган бундай ҳужжатнинг амалда бўлиши, нафақат чет эл фуқаролари учун меҳнат стандартларини жамлайди ва бирлаштиради, балки ҳуқуқни қўллашни ҳам осонлаштиради.

Германияда чет эл фуқароларини ишга жойлаштириш бўйича тартиб-қоидаларнинг аксар қисми “Чет элликларнинг Германия Федератив Республикаси ҳудудига кириши ва у ерда бўлиши тўғрисида”ги қонунда мустаҳкамланган. Баъзи тушунтиришлар ҳукуматнинг 1971 йилдаги “Германия Федератив Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ишлаш учун рухсатномалар бериш тўғрисида”ги қарорда, шунингдек, 1990 йилдаги “Чет элликлар тўғрисидаги қонунни амалга ошириш тўғрисида”ги ҳукумат қарорида мавжуд. Шу тарзда, чет элликларнинг меҳнати қонуний воситалар билан тартибга солинади.

Ҳуқуқий чоралар билан бир қаторда, мигрантларни интеграциялаш чоралари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу борада **Дания тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ**, у ерда **кўп функцияли интеграция марказлари амалиёти кенг тарқалган бўлиб, улар мигрантлар учун** бандлик бўйича маслаҳатлар, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болаларни парвариш қилиш, маданий дастурлар каби **бир қатор хизматларни тақдим этадилар**. Иккинчидан, бу

марказлар ва бошқа ташкилотлар барча мигрантларни қамраб олишдан кўра, аниқ мақсадли аудиторияга эътибор қаратишади. Мигрантларнинг интеграциялашуви билан шуғулланувчи кўплаб ташкилотларнинг фаолияти ана шу тамойил асосида ташкил этилган. Масалан, уларнинг ихтисослиги болали ёш аёллар, руҳий зарбага учраган аёллар ёки меҳнат бозорида ўз мавқеини мустақамлаши керак бўлган умумий интеграциялашган аёллар бўлиши мумкин. Учинчидан, нетворкинг ёки таниш-билишлар тизимини яратиш интеграция амалиётида муҳим роль ўйнайди: мигрантлар билан ишловчи мутахассислар маҳаллий ҳамжамиятлар яратишни қўллаб-қуватлайдилар¹². Шунингдек, у ерда мигрант хотин-қизларни бирлаштирувчи “Даниядаги дунё аёллари” (Verdens kvinder i Danmark) ташкилоти фаолият кўрсатиб, унинг асосий фаолияти Дания жамиятида интеграцияга ёрдам бериш ва мигрант аёлларнинг ижобий қиёфасини яратишдан иборат. “Alma” мукофоти (Alma Prize) – мигрант аёллар учун “Даниядаги дунё аёллари” (Verdens kvinder i Danmark) ташкилоти томонидан таъсис этилган мукофот саналади. Бу мукофот Дания жамиятига катта ҳисса қўшган хорижлик аёлларга берилади. Бундай танловлар мигрант аёлларнинг ижобий қиёфасини яратишга ёрдам бериши баробарида уларнинг мезбон жамиятга қўшган ҳиссасини таъкидлаб, бошқа аёлларни илҳомлантирувчи муваффақият ҳикояларини намойиш этади. Бу ерда, шунингдек, “Ақлли душанба” лойиҳаси амалга оширилиб, унда бир қатор очик учрашувлар ўтказилади, уларда иқтисодиёт ва молия, бандлик, соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ҳуқуқлари, камситиш ва бошқа долзарб мавзулар муҳокама қилинади¹³. Дания тилини билиш даражасини ошириш, шунингдек, Дания жамияти, маданияти ва тарихи ҳақидаги билимларни яхшилаш учун китобхонлик клуби ҳамда ва тил клуби ташкил этилган. Худди шундай чоралар Эстония ва Финляндияда ҳам амалга оширилган¹⁴.

Ғарбий Европанинг барча ривожланган давлатлари ва АҚШ сўнгги йилларда малакали мигрантларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрмоқда, бу уларнинг қонунчилигида ўз аксини топган ва бу ана шундай мигрантлар учун айтиш мумкин.

Умумий хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, барча давлатлар миграция масалаларини турли ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солишга интиладилар, уларни танлаш бандлик масалаларида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ ва меҳнат бозоридаги вазиятга боғлиқ бўлади. ХМТ конвенциялари миграция билан боғлиқ қонунчиликни

¹² Мигрантларнинг ижтимоий ва маданий интеграцияси: Дания, Финляндия, Эстония, Литва ва Россия тажрибаси. Санкт Петербург, 2019 йил.

¹³ Мигрантларнинг ижтимоий ва маданий интеграцияси: Дания, Финляндия, Эстония, Литва ва Россия тажрибаси. Санкт Петербург, 2019 йил.

¹⁴ Мигрантларнинг ижтимоий ва маданий интеграцияси: Дания, Финляндия, Эстония, Литва ва Россия тажрибаси. Санкт Петербург, 2019 йил.

умумлаштиришда муҳим роль ўйнайди¹⁵. Шунингдек, миграция қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларидан бири миграция жараёнларини тартибга солувчи қоидаларнинг кодификацияси бўлди.

Ўзбекистондан кетаётган мигрантлар оқими мигрантлар ҳуқуқлари ҳимояси юқори даражада бўлган мамлакатларга йўналтирилишини таъминлаш муҳимдир. Мигрантларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминловчи давлатлар билан миграция масалалари бўйича икки томонлама ҳамкорлик шартномаларини тузиш масаласини ўрганиш зарур.

Бундан ташқари, бошқа давлатга миграция қилишдан олдин, мигрантларни борилаётган давлат қонунчилигининг асосий тамойиллари билан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, хорижий давлатлар, айниқса, мигрантлар оқими энг фаол бўлган мамлакатларнинг миграция қонунчилиги бўйича маълумотнома тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

1.2. МИГРАЦИЯ СИЁСАТИДА ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

А) МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ ВА МИГРАНТЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР ШАРҲИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида меҳнат мигрантларининг меҳнати ва мақомини ҳуқуқий тартибга солиш

Юқорида таъкидланганидек, миграция бандлик масалаларини ҳал этиш воситаларидан биридир. Меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш бўйича энг муҳим ҳужжатлардан бири – 1990 йилда қабул қилинган **Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциядир.**¹⁶

Конвенцияда гендер тенглик бўйича аниқ қоидалар белгиланмаган, аммо Преамбулада “миграция кўпинча меҳнат мигрантларининг оила аъзолари ва ўзлари учун, айниқса оиладан алоҳида яшаш туфайли жиддий муаммоларни келтириб чиқаради,” дея таъкидланган. Яъни, миграция оилавий муаммоларга таъсир қилади ва оилавий муаммолар гендер

¹⁵ Базелева С. Современные миграционные процессы в контексте региональных противоречий на примере Узбекистана [Ўзбекистон мисолида минтақавий қарама-қаршиликлар шароитида замонавий миграция жараёнлари]// RUDN Journal of Public Administration, 2018, 5 (1), 103–111. [Электрон ресурслар]URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnye-akty-i-zarubezhnyy-opyt-po-voprosam-regulirovaniya-truda-inostrannyh-grazhdan>

¹⁶ Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant.shtml

муаммолари билан узвий боғлиқдир. Бундан ташқари, Конвенциянинг 7-моддасида камситмаслик тамойили, шу жумладан жинсига кўра камситмаслик масаласи мустаҳкамланган.



7-модда.

Иштирокчи-давлатлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларга мувофиқ, ўз ҳудудида ёки ушбу конвенцияда назарда тутилган уларнинг юрисдикциясига тааллуқли бўлган **барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини, жинси**, ирқи, танасининг ранги, тили, дини ёки эътиқоди, сиёсий ёки бошқа қарашлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, миллати, ёши, иқтисодий, мулкӣ, оилавий ёки туғилиш ҳолати ёки бошқа асослардан **қатъи назар**, ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади.

Конвенцияни мониторинг қилиш учун **Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси** ташкил этилган. Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (ММК) таркибида 14 нафар мустақил эксперт бўлиб, улар иштирокчи давлатлар томонидан Барча Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг бажарилишини назорат қилади. Унинг биринчи сессияси 2004 йил март ойида бўлиб ўтган. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- иштирокчи-давлатларнинг ҳисоботларини кўриб чиқиш ва ушбу давлатлардаги меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларига тегишли тавсиялар бериш (Конвенциянинг 73 ва 74-моддалари);
- умумий муҳокама кунларини ташкил этиш;
- Конвенциянинг асосий қоидаларининг мазмунини талқин қилиш (умумий шарҳлар) ва унинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича баёнотлар, ахборот эслатмалари ёки тавсияларни нашр этиш.

Бундан ташқари, баъзи ҳолларда қўмита ушбу тартиб-қоидалар 10 иштирокчи-давлат томонидан маъқулланганидан сўнг, Конвенция бўйича уларнинг ҳуқуқлари бузилганлигини даъво қилган иштирокчи-давлатлар ёки шахсларнинг давлатлараро ёки индивидуал шикоятлари ёки хабарларини Конвенциянинг 76 ва 77-моддаларига мувофиқ кўриб чиқади. Қўмита ҳар йили Женевада иккита сессия ўтказида¹⁷.

Мигрантларни ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатлар қаторида **2016 йил 19 сентябрда** Бош Ассамблеянинг юқори даражадаги ялпи

¹⁷ Қўмита ҳақида батафсил маълумот БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг қуйидаги веб-саҳифасида келтирилган: <https://www.ohchr.org/ru/treaty-bodies/cmw/introduction>

мажлиси иштирокчилари томонидан қочқинлар ва мигрантларнинг катта гуруҳларининг кўчиб ўтишлари муаммосини ҳал қилиш учун қабул қилинган **Қочқинлар ва мигрантлар бўйича Нью-Йорк декларацияс**ини ҳам қайд этиш мумкин (Қочқинлар ва мигрантлар бўйича БМТ саммити). Декларацияда қайд этилишича, “аёллар ва болалар ўз мамлакатидан ўзга мамлакатга саёҳат қилишда алоҳида хавф-хатарларга дучор бўлишади”. Ҳужжатда мигрантларни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда гендер жиҳатларни ҳисобга олиш муҳимлиги таъкидланган. Шу билан бирга, нафақат мигрант аёлларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг муҳимлиги, балки уларнинг миграция сиёсатини ишлаб чиқишда тўлиқ иштирок этиши ҳам қайд этилган.



31. Биз қочқинлар ва мигрантларнинг катта гуруҳларининг кўчиб келишига жавобларимиз гендерга нисбатан сезгир бўлишини таъминлаймиз, **гендер тенглик ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга ёрдам берамиз ва хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқлари тўлиқ ҳурмат қилиниши ҳамда ҳимоя қилинишини таъминлаймиз**. Биз жинс ва гендер асосидаги зўравонликка қарши максимал даражада курашамиз. Биз жинсий ва репродуктив саломатлик хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаймиз. Биз қочқинлар ва мигрант хотин-қизларга нисбатан камситишнинг кўп ва ўзаро боғлиқ шаклларига қарши курашамиз. Шу билан бирга, қочқинлар ва мигрантлар жамиятларида аёлларнинг салмоқли ҳиссаси ва етакчилигини эътироф этган ҳолда, биз **уларнинг муаммоларига маҳаллий ечимларни ишлаб чиқиш ва маҳаллий имкониятлар яратишда тўлиқ, тенг ва мазмунли иштирокини таъминлашга ҳаракат қиламиз**. Биз аёллар, қизлар, ўғил болалар ва эркакларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларидаги фарқларни ва уларнинг муайян хавф-хатарларга дучор бўлишини ҳисобга оламиз.

БМТ доирасида миграция масалалари бўйича қабул қилинган яна бир ҳужжат – **2018 йил 10 декабрда** Марокашда бўлиб ўтган миграция бўйича ҳукуматлараро конференцияда қабул қилинган **Хавфсиз, тартибли ва мунтазам миграция бўйича Глобал келишувдир** (A/RES/73/195)¹⁸, Бу келишув 2030 йилгача Барқарор ривожланиш бўйича кун тартиби ва Аддис-Абеба Ҳаракатлар дстури асосида ҳамда 2013 йил октябрь ойида қабул қилинган Халқаро миграция ва тараққиёт бўйича Олий даражадаги мулоқот

¹⁸ Ҳужжат матнини ушбу ҳаволадан топиш мумкин <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N18/452/02/PDF/N1845202.pdf?OpenElement>

декларациясини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Ушбу келишув (Глобал миграция бўйича келишув ёки ГМК) БМТ шафелигида тайёрланган, халқаро миграциянинг барча жиҳатларини яхлит ва кенг қамровли тарзда кўриб чиқувчи биринчи ҳукуматлараро келишувдир.

БМТ даражасида Глобал келишувни амалга ошириш **БМТнинг Миграция бўйича тармоғи** томонидан қўллаб-қувватланади. Ушбу тармоқ БМТ Бош қотиби томонидан ГМКни амалга оширишда давлатларга БМТ томонидан мувофиқлаштирилган, тизимли ёрдам кўрсатиш, шу билан бирга, мигрантлар ва уларнинг жамиятлари ҳуқуқлари ва фаровонлигини таъминлаш учун ташкил қилинган. Мазкур тармоқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 38 та органидан иборат бўлиб, давлатларнинг миграция соҳасидаги устувор йўналишларини, жумладан, мигрантлар ва уларнинг жамиятлари ҳуқуқлари ва фаровонлигини ҳал қилишда қўллаб-қувватлаш учун иштирокчи мамлакатлар билан ҳамкорлик қилади. Уни БМТнинг тўққизта органидан иборат **Ижроия қўмита** бошқаради, у умумий раҳбарликни таъминлайди ва тармоқнинг устувор йўналишларини белгилайди. Ижроия қўмита таркибига ХМТ, ХМГТ, ИҲОКБ, БМТ ИИМБ, БМТТД, БМТ ҚМОКБ, ЮНИСЕФ, БМТ НЖБ ва ЖССТ киради, бу тармоқнинг координатори ва қотибияти вазифаси ХМГТга юклатилган.

Бу глобал келишувда гендер масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаб ўтиш зарур.



15. г) Гендер жиҳатларни ҳисобга олиш. Глобал келишув миграциянинг барча босқичларида аёллар, эркаклар, қизлар ва ўғил болаларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этилишини, уларнинг алоҳида эҳтиёжларини тўғри тушуниш ва қаноатлантириш ҳамда ўзгаришлар воситаси сифатида, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларининг кенгайтирилишини таъминлайди. Унда гендер жиҳатлар ҳисобга олинган бўлиб, гендер тенгликка эришиш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назарини ифодалайди, қолаверса, уларнинг мигрант хотин-қизларнинг жабрдийда сифатида кўришдек қотиб қолган тушунчани енгишга ёрдам берувчи мустақиллиги, ижодкорлиги ва ташаббускорлиги эътироф этилади.

Глобал келишувда ҳимояга муҳтож вазиятларда мигрантларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилади. Шу билан бирга, унда мигрант хотин-қизлар ва ўғил болаларнинг алоҳида эҳтиёжлари ва заиф томонларини ҳисобга олиш учун **гендер омили ҳисобга олинган миграция сиёсатини** ишлаб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унга ёрдам, тиббий хизмат кўрсатиш, психологик ва бошқа маслаҳат хизматлари,

шунингдек, айниқса, жинс ва гендер асосидаги зўравонлик, тажовуз ва эксплуатация ҳолатларида одил судлов ва самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тўғрисида эҳтимолий тартиблар киритилади (23с-банд).

Шу тарзда, БМТнинг миграция масалалари бўйича ҳужжатлари гендер жиҳатларни акс эттиради. Ушбу тенденция миллий қонунчиликда ҳам акс эттирилиши зарур.

Мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ихтисослашган муассасалар ва БМТ органларининг роли

Меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ХМТ конвенциялари алоҳида ўрин тутаети. Хусусан, ХМТ доирасида 1949 йилда Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 97-сонли конвенция (қайта кўриб чиқилган) ва 1975 йилда Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 143-сонли конвенцияси (қўшимча қоидалар) қабул қилинди.

1949 йилги, Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 97-сонли конвенция (қайта кўриб чиқилган) мигрантларни ҳимоя қилиш бўйича давлатларнинг қуйидаги мажбуриятларини белгилайди:

- меҳнат мигрантлари учун малакали ва бепул ёрдам, хусусан, уларга аниқ маълумот бериш хизматини ташкил этиш;
- ўз ваколатлари доирасида меҳнат мигрантларининг кетиши, бошқа жойга кўчирилиши ва қабул қилинишига кўмаклашиш чораларини кўриш;
- ўз ваколатлари доирасида тегишли тиббий хизматларни тақдим этиш;
- меҳнат мигрантининг даромадлари ёки жамғармаларининг у конвертация қилмоқчи бўлган ҳар қандай қисмини чет эл валютасига конвертация қилишга рухсат бериш¹⁹.

Шунингдек, **бу конвенциянинг 6-моддасида камситмаслик тамойили, шу жумладан жинс белгиси бўйича камситмаслик масаласи мустаҳкамланган.**

1975 йилдаги Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 143-сонли конвенцияси (қўшимча қоидалар) асосан ноқонуний миграциянинг олдини олишга қаратилган²⁰.

ХМТнинг иккала конвенциясида мигрант оила аъзоларига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш жоиз, хусусан, 13-моддада бу таъкидлаб ўтилган. 143-сонли конвенцияда қонуний яшаётган мигрантларнинг оилаларини бирлаштириш мақсадида давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида сўз боради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳам миграцияни ривожлантиришга катта ҳисса

¹⁹ Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://docs.cntd.ru/document/1901043>

²⁰ Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---normes/documents/normativeinstrument/wcms_c143_ru.htm

қўшмоқда. ФАО фаолияти миграция ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқ. ФАО ҳукуматлар, БМТ ташкилотлари, илмий доиралар, хусусий сектор, фуқаролик жамияти, мигрантлар, диаспора гуруҳлари ва маҳаллий ҳамжамиятлар билан мигрантларнинг қишлоқ жойлари тараққиётига ижобий ҳиссасини қўшиш ва хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция шароитларни таъминлаш бўйича ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида ишламоқда.

Миграция мажбуран бўлиши керак эмас. Халқаро ҳамжамият қишлоқ аҳолисининг таҳдид ва инқирозларга чидамли бўлиши, барқарор ҳаёт кечириш воситаларига эга бўлиши, ўз ҳудудларида тинчлик ва фаровон яшаши учун ҳаракат қилиши зарур. Шундагина биз мажбурий миграциянинг асосий сабаблари, масалан, можаролар, табиий ва техноген инқирозлар, қишлоқлардаги қашшоқлик, озик-овқат хавфсизлиги, тенгсизлик, ишсизлик, ижтимоий таъминотнинг йўқлиги, шунингдек, атроф-муҳит деградацияси ва иқлим ўзгариши каби муаммоларни бартараф эта оламиз.

Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жамоалари учун миграция янги имкониятлар ва қўшимча муаммоларни англатади. Мигрантлар ва уларнинг оилалари, шунингдек ўз мамлакати ва борадиган мамлакатлардаги жамоалар учун миграциянинг манфаатли жиҳатларини максимал даражада ошириш учун кўмклашув дастурларини ўтказиш керак бўлади.

ФАОнинг миграция бўйича олиб бораётган ишларини қуйидаги тўртта асосий йўналишга бўлиш мумкин:

1. Мажбурий миграциянинг асосий сабабларини бартараф этиш ва қишлоқ жойларида қолишнинг муқобил йўллари ишлаб чиқиш орқали қишлоқ аҳолисига (уларнинг хавфсизлигига ҳеч қандай таҳдид бўлмаслиги шarti билан) ўзларининг келиб чиқиш жойларида қолишларига имкон бериш;
2. Қишлоқ аҳолисининг ҳаракатланишини ҳамда аҳолининг қишлоқ ва шаҳар ўртасида, шунингдек, мамлакатлар ўртасида мунтазам ва хавфсиз ҳаракатланиши учун шароитларни таъминлаш;
3. Мигрантлар ва кўчирилган шахсларнинг қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жамоаларини ривожлантиришга ижобий ҳиссасини кучайтириш;
4. Мигрантлар, кўчирилган шахслар, репатриантлар ва қабул қилувчи жамоалар яшаш учун пул топишнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ташқи таъсирларга чидамли манбаларини яратишга кўмаклашиш, шу жумладан миграция иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияси сифатида фойдаланилган вазиятларда²¹.

БМТнинг ихтисослашган агентликларидан ташқари Халқаро миграция ташкилоти (ХМГТ) ҳам фаолият юритади. ХМГТ 1951 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси умумий манфаатлар учун миграция жараёнларини инсонпарварлаштириш ва тартибга солишга кўмаклашишдан иборат. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ХМГТ ҳукуматлар ва мигрантларга хизматлар

²¹ ФАОнинг миграция соҳасидаги фаолияти билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: <https://www.fao.org/migration/ru/>

кўрсатади, маслаҳатлар беради. ХМГТ Низомида миграция жараёнлари иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш, шунингдек, одамларнинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи билан боғлиқлиги таъкидланган. Ушбу барча соҳаларни қамраб олган ХМГТ фаолияти халқаро миграция қонунчилигини ривожлантиришга кўмаклашиш, миграция сиёсати масалалари бўйича муҳокамалар ташкил этиш ва тавсиялар тайёрлаш, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саломатлик билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш ва миграция жараёнлари билан боғлиқ аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Миграция сиёсатини такомиллаштиришда **Бош котибнинг миграция бўйича махсус вакилининг маърузалари муҳим** ўрин тутди. 2017 йил 9 март куни БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш канадалик Луиза Арбур хонимни халқаро миграция бўйича махсус вакили этиб тайинлади. Махсус маърузачининг маърузаларида гендер масалаларига алоҳида эътибор қаратилади²².

Миграция масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кенг доирадаги халқаро ташкилотлар ва органларнинг жалб этилиши миграция жараёнларининг аҳамияти ва уларнинг дунёдаги инсон ҳуқуқлари, халқаро хавфсизлик ва дунё мамлакатларидаги иқтисодий фаровонлик билан боғлиқ вазиятга улкан таъсирини яна бир бор кўрсатади. Бошқача айтганда, миграция жараёнлари, тўғрироғи, хавфсиз миграцияни таъминлаш бугунги кунда ҳам глобал, ҳам миллий миқёсда барқарор ривожланиш омилларидан бирига айланган.

Меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий ҳолатини минтақавий даражада тартибга солиш

Мигрантларни ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатлар минтақавий даражада ҳам олиб борилмоқда.

Минтақавий ҳужжатлар орасида **Меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги Европа конвенциясини** (1977 йил) қайд этиш мумкин²³. Бу конвенция меҳнат мигрантлари дуч келиши мумкин бўлган барча масалаларни батафсил тартибга солади. Хусусан, конвенция ишга қабул қилиш, тиббий кўрикдан ўтказиш, касбий имтиҳон олиш, тил ўргатиш, маъмурий расмиятчиликлар, мамлакатга кириш ва ундан чиқиш қоидалари, маълумот олиш ва ишлаш учун рухсатномалар, шунингдек, яшаш учун рухсатномалар, оилаларни бирлаштириш, уй-жой, жамғармаларни ўтказиш, ижтимоий хавфсизлик, меҳнат шароитлари, солиққа тортиш ва шу каби бандларни ўз ичига олади.

МДХ доирасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1994 йилда Меҳнат миграцияси ва меҳнат мигрантларини ижтимоий

²² Махсус маърузачининг маърузаси билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N17/002/22/PDF/N1700222.pdf?OpenElement>

²³ Меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги Европа конвенцияси, Страсбург, 1977 йил 24 ноябрь. Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://rm.coe.int/168007733d>

ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, **МДХга аъзо давлатларидаги меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги конвенция** (2008 йил 14 ноябрь) қабул қилинган²⁴.

Бундан ташқари, 2023 йил май ойида МДХ доирасида **МДХ давлатларида умумий меҳнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш ва меҳнат миграциясини тартибга солиш концепцияси лойиҳаси** ҳамда Иқтисодий кенгашнинг бу борадаги қарори келишиб олинди. Бу концепцияни янгилаш ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш МДХнинг 2030 йилгача Иқтисодий ривожланиш стратегиясига ҳам киритилган. МДХ учун миграция жараёнларини тартибга солиш масаласи ўта долзарблигича қолмоқда. Уларни самарали бошқариш учун мувофиқлаштириш ва давлатлараро мулоқот зарур, деб ҳисобланади. Миграция масалалари бўйича қабул қилувчи ва жўнатувчи мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятларини имкон қадар батафсил ҳисобга олган икки томонлама келишувлар энг катта амалий аҳамиятга эга. Шу сабабли миграция масалалари бўйича халқаро шартномаларда иштирок этишни икки томонлама битимлар тузиш орқали кучайтириш муҳимдир. Бунда, ушбу ҳужжатларга гендер жиҳатларига оид қоидаларни киритиш долзарб масала ҳисобланади²⁵.

Б) МИГРАЦИЯ ВА МИГРАНТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРДА ГЕНДЕР ЖИХАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Юқоридаги шарҳдан кўришиб турибдики, миграция ва мигрантларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартномалар, одатда, камситмаслик тамойили, шу жумладан, жинси бўйича камситмаслик масаласини ҳам акс эттиради.

Бундан ташқари, миграция сиёсатини ишлаб чиқишда гендер жиҳатларини ҳисобга олиш зарурлигига оид махсус қоидаларни киритиш тенденцияси аста-секин ривожланмоқда. Қолаверса, мигрантларнинг ҳимояга муҳтож тоифалари, айниқса хотин-қизларни ҳимоя қилиш учун алоҳида келишувлар ва ҳаракатлар режалари зарур.

БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш қўмитаси (СЕДАВ қўмитаси) бу масалага тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. Қўмита **Меҳнат**

²⁴ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларидаги меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги конвенция. Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://docs.cntd.ru/document/902305481>

²⁵ МДХда экспертлар даражасида Умумий меҳнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш ва меҳнат миграциясини тартибга солиш концепцияси келишиб олинди. 2023 йил 23 май, [Электрон ресурс]URL: <https://cis.minsk.by/news/25399>

мигрантлари масаласи бўйича 26-сонли Умумий тавсияномани қабул қилди²⁶.

Ушбу тавсия мигрант аёлларнинг урта гуруҳини ажратиб кўрсатади, улар:

- a) мустақил равишда миграция қилувчи меҳнат мигранти бўлган аёллар;
- b) меҳнат мигрантлари саналувчи турмуш ўртоқлари ёки оиласининг бошқа аъзоларига ҳамроҳлик қилувчи меҳнати бўлган мигрант аёллар;
- c) юқоридаги тоифалардан бирига кирувчи, рўйхатга олинмаган меҳнат мигранти бўлган аёллари.

Айни пайтда мустақил равишда бошқа давлатларга кўчиб кетаётган аёллар сони ортиб бормоқда. CEDAW қўмитасининг таъкидлашича, ҳозирда **аёллар жами дунё мигрантларининг қарийб ярмини ташкил қилади.** Аёллар миграцияси глобаллашув, янги имкониятларни излашга интилиш, қашшоқлик, аёлларга нисбатан маданиятга сингиб кетган муносабатлар ва келиб чиққан мамлакатлардаги гендер зўравонликлари, табиий офатлар ёки урушлар ва ички ҳарбий можаролар каби турли омиллар сабабли юзага келади. Бу омиллар, шунингдек, борилаётган мамлакатдаги меҳнат соҳасида расмий, норасмий ва хизмат кўрсатиш тармоқларида эркаклар ва аёлларни жиддий тарзда ажратиш, шунингдек, эркакларга мўлжалланган кўнгилочар маданият ва бу соҳага эркакларнинг кўнглини олувчи аёллар таклифни ўз-ўзидан келтириб чиқарувчи омилларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу тенденциянинг бир қисми сифатида мустақил равишда пул топиш учун чет элга кетаётган аёллар сони сезиларли даражада ошгани кенг таъкидланади.

Тавсияда таъкидланишича, эркаклар ҳам, аёллар ҳам миграция қилишса-да, миграция гендер бўйича нейтрал ҳодиса эмас. Мигрант хотин-қизлар миграциянинг қонуний каналлари, қайси соҳаларга кўчиб ўтишлари, уларга нисбатан қўлланилаётган зўравонлик шакллари ва оқибатлари бўйича эркакларникидан фарқ қилади. **Шу сабабли, мигрант аёлларнинг аҳволини таҳлил қилиш** ва улар дучор бўладиган камситиш, эксплуатация ва зўравонликка қарши кураш стратегияларини ишлаб чиқиш **учун гендер жиҳатларни батафсил ҳисобга олиш ўта жиддий аҳамиятга эга.**

Қўмита **Глобал миграция шароитида хотин-қизлар савдоси бўйича 38-сонли (2020) умумий тавсияномани қабул қилди²⁷.** Бу тавсияномада одам савдосидан жабрланган аёлларни ҳимоя қилиш ва бундай жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгилаб қўйилган.

Юқорида таъкидланганидек, миграция янги имкониятлар яратиши баробарида янги таҳдидларни ҳам келтириб чиқаради. Бу 38-сонли

²⁶ Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=ru&TreatyID=3&DocTypeID=11

²⁷ Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N20/324/47/PDF/N2032447.pdf?OpenElement>

тавсияномада ҳам худди шу нарсалар ўз аксини топган; миграция аёллар учун имкониятларни кенгайтирибгина қолмай, балки уларнинг хавфсизлигига ҳам таҳдид солади.



22. Миграция замонавий жамиятнинг ажралмас қисми бўлиб, аёлларнинг ўз қадр-қимматини ҳурмат қиладиган шароитларда меҳнат қилиши ва меҳнат қилиш имкониятларини кенгайтиришга ҳисса қўшиши мумкин. **Миграция кўплаб аёллар учун янги ижтимоий ва иқтисодий имкониятларни тақдим этса-да, бу уларнинг инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлигини хавф остига қўйиши мумкин,** айниқса, агар улар ноқонуний каналлар орқали четга кетишга мажбур бўлса ва/ёки бу ноқонуний миграцияга олиб келадиган вазиятлар бунга яққол мисол бўлади. Хотин-қизлар миграция даврининг барча босқичларида – йўллаш пайтида, қабул қилиш ва жойлаштириш пунктларида, чегараларда ва борилаётган мамлакатларда одам савдоси хавфига дуч келишади. Қайтиб келгач, улар таъқиб қилиниши ва яна жабрланувчига айланишлари мумкин.

CEDAW қўмитаси **давлатлардаги миграция тартиб-қоидаларининг гендер бўйича нейтрал эканлиги хотин-қизларнинг хавфсиз ва мунтазам миграция имкониятларидан фойдаланишларини чеклаши, шунингдек, транзит мамлакат ва борилаётган мамлакатларда қонуний ва муносиб меҳнат қилиш имкониятларини пасайтиришини** таъкидлайди. Бу эса, миграция сиёсати гендерга таъсирчан бўлиши кераклигини англатади. Мигрант хотин-қизлар, шунингдек, виза олиш учун мажбурий минимал даромад талаблари каби дастлабки шартлар белгилаб қўйиладиган миграция қонунчилиги томонидан ҳам билвосита камситишларига дуч келишади.

Бундан ташқари, Қўмита **виза режимлари иш берувчи ёки турмуш ўртоғига боғлиқ иқтисодий ва ҳуқуқий қарамликни келтириб чиқариши,** эксплуатация қилиш ва бундай ҳомийлар учун жазосиз қолиш учун шароит яратиши мумкинлигини таъкидлайди. Кўпинча мигрант аёллар банд бўлувчи вақтинчалик ёки мавсумий ишлар кўпроқ мунтазам, узоқ муддатли ёки доимий ишга жойлашиш имкониятини бермаслиги мумкин ва аксарият ҳолларда ишсизликдан ҳимояланиш, соғлиқни сақлаш ёки гендерга боғлиқ бўлган бошқа ижтимоий ҳимоя ва муҳим хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминламайди. Аёлларни одам савдосидан ҳимоя қилиш учун ўрнатилган гендер асосидаги миграция тақиқлари ёки чекловлари, айниқса, аёлларни муқобил миграция йўлларида излашга мажбурлаш орқали одам савдоси хавфини ошириши мумкин.

Кўмита, шунингдек, **ўта юқори сондаги мигрант аёллар норасмий ва беқарор ишларда**, хусусан, парваришlash хизматлари, уй ишлари ва қайта ишлаш саноати каби “паст малакали” соҳаларда бандлигидан хавотирда эканлигини билдирди. Ана шундай гендер бўйича фарқланувчи меҳнат бозорлари муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминламайди, чунки улар тартибга солилмаган норасмий иқтисодиётнинг бир қисми ёки улар тартибга солинадиган жойларда миллий тартибга солинадиган тармоқларга қараганда камроқ ҳимоя қилинади. Мигрант аёллар, хусусан, уй хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги ишларида банд бўлганлар, ўзлари ишлаётган жойдан ташқарига чиқарилмаслиги ва шу сабабли улар ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмасликлари мумкин, бу уларни инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши хавфи остида қолдиради.

Бундай вазият рақамли технологияларнинг ривожланиши билан ҳам оғирлашмоқда. Тавсияда айтилишича, коронавирус (COVID-19) пандемияси шароитида иштирокчи-давлатлар кибермаконда одам савдоси, жумладан, интернет тармоғида жинсий эксплуатация учун ёллаш, болалар устида жинсий зўравонлик саҳналарини ўз ичига олган материалларга ва технологиялардан фойдаланган ҳолда болаларнинг жинсий хизматларини сотиш кабиларга талабнинг ортиши каби ҳолатларга дуч келмоқдалар²⁸.

Бу тенденцияни миграция масалалари бўйича икки томонлама шартномалар тузишда ва миллий миграция сиёсатини такомиллаштиришда ҳам ҳисобга олиш муҳим саналади.

Миграция соҳасидаги миллий қонунчиликда гендер жиҳатларини акс эттириш ва миграция сиёсатининг гендер сиёсати билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу нафақат миграция, балки гендер сиёсатига ҳам комплекс ёндашувни таъминлайди.

Миграция сиёсатини амалга ошириш механизмларини яратишда миграция сиёсатини амалга ошириш билан шуғулланувчи тегишли бошқарма ва тузилмалар таркибида гендер мувозанатини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Миграция сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашда уларнинг гендер сезгирлигини баҳолаш зарур. Бунинг учун миграция сиёсатининг гендер сезгирлигини баҳолаш учун гендер кўрсаткичлари рўйхатини ишлаб чиқиш керак бўлади. Миграция сиёсати соҳасида янада самарали чора-тадбирлар ва амалий аҳамиятли тавсиялар ишлаб чиқишда гендер статистикаси алоҳида аҳамиятга эга. Гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда миграция масалалари бўйича маълумотлар йиғиш механизмларини такомиллаштириш ҳам муҳим ҳисобланади.

Маърифий тарғибот ишларини амалга оширишда, хусусан, нашрлар тайёрлаш, давра суҳбатлари ва тренинглар ўтказишда **миграция масалаларини тўлиқроқ ва яхшироқ тушуниш учун миграция сиёсатининг гендер жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.**

²⁸ Бу ҳужжат матни билан куйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N20/324/47/PDF/N2032447.pdf?OpenElement>

Шунингдек, биз **“БМТ Аёллар ташкилоти”нинг мигрант аёлларни ҳимоя қилишдаги** ҳиссасини ҳам алоҳида қайд этамиз. “БМТ Аёллар ташкилоти” (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гендер тенглик, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича ташкилоти) аёлларнинг хавфсиз миграцияси бўйича тавсиялар тайёрлади²⁹.

“Хотин-қизлар учун миграцияни қандай хавфсиз қилиш мумкин” дастурининг биринчи босқичи доирасида Африкадаги Нигер давлатида ушбу тузилма тажрибасидан еттита асосий сабоқ танлаб олинди. Ушбу еттита сабоқнинг ҳар бири дастур доирасида амалга оширилган тадбирларнинг аниқ намунасини ўз ичига олади. Бу дастур Германия ҳукумати томонидан молиялаштирилади.

Биринчи босқичнинг умумий мақсади Нигердан, Нигерга ва Нигер орқали кўчиб юрувчи барча хотин-қизлар учун хавфсиз ва мунтазам миграцияни таъминлаш ҳамда мигрант аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича халқаро меъёр ва стандартларни мустаҳкамлашдан иборат эди. Шу мақсадда дастур қуйидаги учта натижага эришиш учун ишлади:

- миллий ҳукуматлар гендерга боғлиқ миграция сиёсати, қонунлари ва хизматларини ишлаб чиқиши ва кучайтириши;
- мигрант аёллар ва уларнинг ташкилотлари мигрант аёллар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тарафдори бўлиши;
- ҳукуматлар ва тегишли халқаро инсон ҳуқуқлари идоралари жаҳон меъёрлари ва стандартларини мустаҳкамлаш орқали мигрант аёллар ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилишни таъминлаши³⁰.

1.3. МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ФЕМИНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЁКИ АЁЛЛАР МИГРАЦИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА


Бутун дунёда миграция жараёнларининг ривожланиш тенденцияларидан бири феминизация ҳисобланади. Умуман олганда, мигрант аёлларнинг жами мигрантлар сонидаги улуши гендер бўйича ажратилган маълумотлар биринчи марта қўлланилган 1960 йилдан бери

²⁹ Strengthening migration programming from a gender perspective: Lessons learned. UN-Women, 2023. Қуйидаги ҳаволада: <https://www.unwomen.org/en/digital-library/publications/2023/06/strengthening-migration-programming-from-a-gender-perspective-lessons-learned>

³⁰ БМТ Аёллар ташкилоти: Миграцияни хотин-қизлар учун қандай хавфсиз қилиш мумкин // <https://media-mig.ru/indicators/oon-zhensshiny-kak-sdelat-migraciyu-bezopasnoi-diy/>

барқарор бўлиб келди; 2020 йил ўрталарида бу кўрсаткич 48,1% ни (ёки 135 миллион аёл) ташкил этди³¹.

Мигрант аёлларнинг улуши минтақага қараб фарқланади: масалан, аёлларнинг энг кичик улуши Осиё (41,8%) ва Африка қитъасига (47,1%) тўғри келади. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида аёлларнинг улуши 49,5% ни ташкил қилса, Шимолий Америка ва Европада, аксинча, аёллар улуши юқорироқдир, яъни мос равишда 51,8% ва 51,6%. Океанияда аёллар барча мигрантларнинг 50,5 фоизини ташкил қилади³².



Миграциянинг гендер назарияси аёлларнинг кўчиб ўтиш хулқ-атворининг қуйидаги бир неча асосий турларини ажратиб кўрсатади:

- никоҳ миграцияси (мигрант эркакнинг оиласи билан бирлашиши ёки аёлнинг бошқа давлатлик эркак билан оила қуриш учун миграцияси);
- “секс хизматини кўратиш” учун ноқонуний одам савдоси натижасидаги миграция;
- аёлларнинг мустақил меҳнат миграцияси.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, миграциянинг бу турлари ўртасида аниқ чегарани қўйиб бўлмайди, чунки баъзида сохта никоҳлар тузилади, миграциянинг асл мақсади эса бандлик ва ўзини ҳамда оиласининг моддий аҳволини яхшилашдир; лекин ҳақиқий турмуш ўртоғининг яшаш мамлакатига борган, улар билан яшашни давом эттириш ниятида бўлган аёллар, кўпинча иш топишга ҳаракат қилишади.

XX асрнинг 90-йилларида халқаро мигрантлар орасида аёллар сонининг ортиши жаҳон миқёсда глобал жараёнга айланди. Одатда, аёллар миграцияси турмуш қуриш, эрлари билан кўчиб ўтиш ёки оила билан бирлашиш билан боғлиқ бўлиб келган. Жаҳон иқтисодиётининг шаклланиши шароитида жаҳон бозори аёллар меҳнатига кўпроқ талабни қўяди, шунинг учун аёллар мигрант оиласининг пассив аъзолари эмас, балки фаол ишчилар сифатида халқаро меҳнат мигрантлари оқимининг тобора муҳим қисмини

³¹ Women & girls on the move: a snapshot of available evidence. IOM, Thematic brief, ISSUE NR 2 | March 2023. Қуйидаги ҳаволада: https://www.migrationdataportal.org/sites/g/files/tmzbd1251/files/2023-03/GDI%20Briefs_Gender_Issue_09-03.pdf

³² Women & girls on the move: a snapshot of available evidence. IOM, Thematic brief, ISSUE NR 2 | March 2023. Қуйидаги ҳаволада: https://www.migrationdataportal.org/sites/g/files/tmzbd1251/files/2023-03/GDI%20Briefs_Gender_Issue_09-03.pdf

ташкил қилади. Бу миграция моделини ҳам ўзгартирди: турмуш қурган ва турмушга чиқмаган аёллар мустақил равишда иш қидириш ва шахсий мақсадлари йўлида кўпроқ кўчиб кетишмоқда³³. Маҳаллий хотин-қизлар учун унчалик жозибадор бўлмаган, мигрант аёллар меҳнати тармоқлари – хизмат кўрсатиш, тиббиёт, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш кам ривожланган мамлакатлар аёлларини меҳнат миграциясига фаол жалб қилишнинг зарурий шартига айланди³⁴.

ХМТ маълумотларига кўра, **2019 йилда аёллар умумий миграция оқимининг 48 фоизини, 2017 йилда эса умумий меҳнат мигрантлари орасида 42 фоизини ташкил қилган.**

Мутахассислар COVID-19 пандемиясининг миграция жараёнларига таъсирини таҳлил қилар экан, **пандемия билан боғлиқ чеклов чоралари аёлларга камроқ таъсир кўрсатганини** таъкидламоқда, чунки коронавирус тарқалиши даврида қурилиш, савдо соҳасининг айрим турлари, гўзаллик ва дам олиш соҳалари энг кўп зарар кўрган. Мигрант аёлларнинг иш билан таъминланишининг гендер хусусиятлари болалар, беморлар ва қарияларга гамхўрлик қилиш, уй ишларида ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ³⁵.

Аёлларнинг меҳнат миграцияси моделлари хилма-хилдир. Улар миграцияда мустақил мигрант сифатида иштирок этадилар ёки асосий мигрант, масалан эрнинг оила аъзоси сифатида келишади. Баъзилар фарзандлари билан ишлашга борадилар; бошқалар фарзандларини уйда, қариндошлари қарамоғида қолдириб келишади. Баъзилар фақат пул топиш ва оиласини боқишни кўзласалар; бошқалар мустақилликка эришиб, ўз тақдирини янги мамлакатга боғлашни хоҳлайдилар³⁶. Бугунги кунда кўп болали оила, ёш болали ёлғиз она ёки ҳомиладор аёл ҳам меҳнат мигрантига айланиши мумкин. Бугунги кунда шифокорлар кўпинча тиббий ҳужжатлари йўқ меҳнат мигранти бўлган аёлларига кўпроқ дуч келишмоқда³⁷.

Бироқ, **мигрант хотин-қизлар, асосан, норасмий иқтисодиётда ва хусусий уй хўжаликларида банд бўлган “кўринмас ишчилар” бўлиб қолмоқда**³⁸. Бунинг оқибатида, бутун дунёда аёллар миграцияси ортиб бораётган хавф ва инсон ҳуқуқларининг оммавий бузилиши “ҳудуди”га айланмоқда.

³³ Илимбетова А. Глобальный процесс феминизации миграции [Миграцияни феминизация қилишнинг глобал жараёни]// Век глобализации 1/2013 79–91.

³⁴ Илимбетова А. Глобальный процесс феминизации миграции [Миграцияни феминизация қилишнинг глобал жараёни]// Век глобализации 1/2013 79–91.

³⁵ Осадчая Г. И., Киселева Е. Е., Киреев Е. Ю., Черникова А. А. Основные векторы женской миграции на евразийском пространстве [Евросиё ҳудудида аёллар миграциясининг асосий йўналишлари] // Женщина в российском обществе 2021. № 2. 129-148-бетлар.

³⁶ Женщины-мигранты из стран СНГ в России [МДХ мамлакатларидан келган Россиядаги мигрант хотин-қизлар] / Е.В. Тюрюканова (муҳаррир), Ж.А. Зайончковская, Л.Б. Карачурина, Н.В. Мкртчян, Д.В. Полетаев, Ю.Ф. Флоринская / Е.В.Тюрюканова таҳрири остида – М.: МАКС Пресс, 2011. – 119 б.

³⁷ Женщины-мигранты из стран СНГ в России [МДХ мамлакатларидан келган Россиядаги мигрант хотин-қизлар] / Е.В. Тюрюканова (муҳаррир), Ж.А. Зайончковская, Л.Б. Карачурина, Н.В. Мкртчян, Д.В. Полетаев, Ю.Ф. Флоринская / Е.В.Тюрюканова таҳрири остида – М.: МАКС Пресс, 2011. – 119 б.

³⁸ Женщины-мигранты из стран СНГ в России [МДХ мамлакатларидан келган Россиядаги мигрант хотин-қизлар] / Е.В. Тюрюканова (муҳаррир), Ж.А. Зайончковская, Л.Б. Карачурина, Н.В. Мкртчян, Д.В. Полетаев, Ю.Ф. Флоринская / Е.В.Тюрюканова таҳрири остида – М.: МАКС Пресс, 2011. – 119 б.

Аёллар миграцияси ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирга эга. Бир томондан, у янги имкониятлар яратса, иккинчи томондан, аёлларнинг меҳнат миграцияси хавфли бўлиб, у аёллар ҳаёти, саломатлиги, болалари, оиласи ва жамиятидаги муносабатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хотин-қизлар ноқонуний миграцияга кўпроқ жалб қилинади, бу эса одам савдосининг сабабларидан биридир. Глобаллашув асосан хотин-қизларни қамраб олган глобал кўнгилочар ва шаҳвоний саноатнинг ривожланишига сабаб бўлди. Бу мигрант аёлларни жалб қилиш бўйича хусусий уй хизматларидан кейин иккинчи энг кенг тарқалган соҳа бўлиб, маргинал ёки хавфли бандлик сифатида тавсифланади. Бу тўғридан-тўғри жинсий алоқа хизматларини ва шунга яқин хизматларни (стриптиз-шоу, массаж ва бошқаларни) ўз ичига олади. Бошқа бандлик шакллари билан солиштириганда, кўнгилочар сектор ноқонуний миграция, жинсий тузилмалар билан чамбарчас боғлиқ ва у деярли ғайриихтиёрий характерга эга³⁹.

Кўпчилиكنинг таъкидлашича, мигрант аёллар кўпинча иш берувчи иш ҳақини тўламаслиги ёки меҳнат шартномаси шартлари бажарилмаслик ҳолатларга дуч келишади. Аксарият бундай ҳолларда ходим аёл ва иш берувчи ўртасида ҳужжатлаштирилган ҳуқуқий муносабатлар бўлмайдилар. Оғзаки келишув бўйича ишлаш, айниқса, иқтисодийнинг хусусий секторидан кенг тарқалган амалиёт ҳисобланади. Бу миграциянинг қонуний йўлларини кенгайтириш зарурлигини кўрсатади.

Яна бир муаммо шундаки, **аёл меҳнат мигрантлари кўпинча фақат аёлларга хос бўлган соҳалар** – ижтимоий ва маиший таъминот, таълим ва тиббиёт (ҳамшира сифатида) соҳаларида ишлайдилар. Ўз мамлакатидан нисбатан яхши маълумотга эга бўлишига қарамай, уларнинг кўпчилиги кам маошли ишларда ишлайдилар ва кўпинча маиший ва парвариш хизматлари, тикувчилик ва меҳмонхона соҳасида фаолият кўрсатадилар⁴⁰. Им нередко приходится трудиться в секторах, где трудовое законодательство действует не в полной мере⁴¹. Демак, миграция масалалари бўйича дастур ва келишувларни ишлаб чиқишда мигрант аёлларнинг билим даражаси ва малакасини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Аёллар меҳнат миграциясининг яна бир хусусияти мигрант аёлларнинг ёши билан боғлиқ. Меҳнат миграцияси доирасида аёлларнинг ўзига хос тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда, унинг ёш хусусиятларини аниқлаш мумкин – ишлашга кўпроқ ёш хотин-қизлар келадилар. Яъни, ўз мамлакатини тарк этаётганда, мигрант хотин-қизлар меҳнат миграцияси учун бораётган мамлакатидан иш берувчилар кўпроқ ёш хотин-қизларни ишга олишни афзал кўришларини аниқ билишади. Мигрантни ишга олишда иш берувчи имкон қадар ундан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилади. Иш берувчи учун ҳаракатчанлик, меҳнат лаёқати ва бошқалар билан боғлиқ

³⁹ Илимбетова А. Глобальный процесс феминизации миграции [Миграцияни феминизация қилишнинг глобал жараёни]// Век глобализации 1/2013 79–91.

⁴⁰ Гендерга нисбатан сезгир меҳнат миграцияси сиёсатини амалга ошириш бўйича қўлланма. ЕХХТ, 2009. – 1-б.

⁴¹ Гендерга нисбатан сезгир меҳнат миграцияси сиёсатини амалга ошириш бўйича қўлланма. ЕХХТ, 2009. – С.1.

муаммолар йўқлиги жуда муҳимдир, бу сифатлар эса, табиийки, ёш хотин-қизларга кўпроқ хосдир. Кекса авлод вакиллари касбий жиҳатдан анча тажрибага эга, ammo мигрантларнинг ишга жойлашиши махсус малакаларни талаб қилмайди ва жисмоний жиҳатдан соғломликка асосланади. Бу тартиб эса, кекса одамлар меҳнат миграциясида қатнашмасликлари, балки оиланинг бошқа аъзолари ишга кетаётганда ёш болаларга қараб уйда қолишлари учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади⁴².

Кўпинча аёлларнинг жамиятга қайта интеграциялашуви жуда қийин кечади; малака ва қимматли инсон капиталини йўқотганлиги сабабли уларнинг иш топишлари қийин бўлади; кўпинча уларсиз ўсган болалари билан тушунмовчиликлар ва оилаларда ажралишлар юзага келади; уларнинг бошқа аёлларга қараганда депрессия ва асабий бузилишлар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кўпроқ⁴³. Аёлларга қайта мослашиш, алоқаларни йўқотиш, болалар билан келишмовчиликлар, ажралишлар билан боғлиқ салбий оқибатлар ўз ватанларига қайтганларида намоён бўлади. Айниқса, ўз фарзандларини қариндошларига ташлаб кетишга мажбур бўлган аёлларга нисбатан жамиятда шубҳа шаклланади. Кўпинча бошқа мамлакатга ишлаш учун кетган аёл ҳатто қариндошлари учун ҳам бегона бўлиб қолади ва чет элга кетиш уларнинг ўз оиласидан тўлиқ узилишига ҳам сабаб бўлади⁴⁴.

Марказий Осиёдан келган мигрант аёллар вақт-вақти билан зўравонлик жабрланувчисига айланиб, никоҳсиз фарзанд кўриш муаммосига дуч келишади. Болани сақлаб қолган тақдирида, иш ва барқарор даромадни йўқотишдан қўрқиш, бола билан уй-жой топишнинг қийинлиги, ўз ватанидаги қариндошлари бу болани қабул қилмаслиги каби қўрқувлар сабабли, эмиграция шароитида туғилган болаларни муносиб таъминлашнинг иложи йўқлиги оқибатида бундай аёлларнинг аксарияти болаларини туғруқхона ва болалар уйларига ташлаб кетишига мажбур бўладилар⁴⁵.

Тиббий ёрдамдан фойдаланишда муаммолар мавжуд. Мигрантларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг рисоладагидек эмаслиги муҳим ижтимоий муаммо ҳисобланади. Натижада, минимал ресурсларга эга бўлган бир гуруҳ мигрант аёллар тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти ҳамда аёллар маслаҳатхоналари хизматларини рад этадилар⁴⁶.

Миграция жараёнида хотин-қизлар таҳдидларга кўпроқ дучор бўлаётганининг яна бир тасдиғи мигрант аёллар ўртасидаги ўлим

⁴² Алимбекова Г. Без оглядки назад: труд женщин в миграции [Орқага назар солмай: миграцияда аёллар меҳнати] // <https://ciom.kz/upload/userfiles/files/Bezoglyadkitrud.pdf>

⁴³ Осадчая Г. И., Киселева Е. Е., Киреев Е. Ю., Черникова А. А. Основные векторы женской миграции на евразийском пространстве [Евросиё ҳудудида аёллар миграциясининг асосий йўналишлари] // Женщина в российском обществе 2021. № 2. 129-148-бетлар.


⁴⁴ Леденева В.Ю., Мишчук С.Н. Семья и деловая активность женщин, иммигрировавших в Россию // Уровень жизни населения регионов России. [Россияга кўчиб келган хотин-қизларнинг оилавий ва тадбиркорлик фаолияти //Россия ҳудудлари аҳолисининг турмуш даражаси] 2023. 19-жилд. № 1. 25–35-бетлар. DOI 10.52180/1999-9836_2023_19_1_2_25_35

⁴⁵ Осадчая Г. И., Киселева Е. Е., Киреев Е. Ю., Черникова А. А. Основные векторы женской миграции на евразийском пространстве [Евросиё ҳудудида аёллар миграциясининг асосий йўналишлари] // Женщина в российском обществе 2021. № 2. 129-148-бетлар.

⁴⁶ Осадчая Г. И., Киселева Е. Е., Киреев Е. Ю., Черникова А. А. Основные векторы женской миграции на евразийском пространстве [Евросиё ҳудудида аёллар миграциясининг асосий йўналишлари] // Женщина в российском обществе 2021. № 2. 129-148-бетлар.

ҳолатларидир. Аёллар хавфсиз қонуний миграция йўлларига, тегишли ҳуқуқлар ва ресурслардан фойдаланишда эркаклар билан бир хил бўлмаган тарздаги катта қийинчиликларга дуч келишади, бу эса уларни янада хавфлироқ йўллар ва тартибсиз миграция йўлларини танлашга мажбур қилади. Одамлар ноқонуний миграция йўллари бўйлаб дуч келадиган хавфлар, шу жумладан ўлим ва йўқолиб қолишлар, кўпинча гендер асосида юз беради ва бундай ҳолатлар ҳужжатлаштирилмайди. Шу тарзда, 2014 йилдан 2022 йилгача рўйхатга олинган мигрантлар ўлимининг умумий сонининг 41 фоизи аёллар ҳиссасига тўғри келади, маълумотлар фақат аниқланган вояга этган аёллар учун берилган ва жинси бўйича ажратилмаган вояга етмаганлар тоифаси бунга киритилмаган⁴⁷.

Миграция пайтида вафот этган аёлларнинг умумий сонидан (5376) ўлимнинг энг кенг тарқалган сабаби сувга чўкиш бўлган бўлиб, улар жами 3025 тани ташкил қилади. Ундан кейинги ўринларда эса транспорт билан боғлиқ хавфлар (597 та ҳолат), оғир экологик шароитлар ва тегишли бошпана, озиқ-овқат ва сувнинг етишмаслиги (368 та ҳолат), касаллик ва тегишли тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти йўқлиги (288 та ҳолат) сабабли юзага келган. Яна 1098 та ҳолат аралаш ёки номаълум ўлим сабаблари билан боғлиқ.



Рўйхатга олинган аёллар ўлимининг деярли ярми (2564) Ўрта ер денгизини кесиб ўтиш пайтида содир бўлган. У ерда аёллар ўлимининг аниқланган умумий ҳолатларнинг 41 фоизи, уларнинг аксарияти эса (61%) Ғарбий Ўрта ер денгизи йўлида содир бўлган. Кўпгина аёллар бортда ҳомиладор бўлган ёки фарзандларига ғамхўрлик қилган, бу уларнинг тирик қолиш имкониятларини чеклаган. 2014 йилдан буён Африкада миграция

⁴⁷ Women & girls on the move: a snapshot of available evidence. IOM, Thematic brief, ISSUE NR 2 | March 2023. Available at https://www.migrationdataportal.org/sites/g/files/tmzbd1251/files/2023-03/GDI%20Briefs_Gender_Issue_09-03.pdf

пайтида камида 1468 нафар аёл ҳалок бўлган, уларнинг аксарияти (634 нафари) Саҳрои Кабирдан ўтиш чоғида юз берган⁴⁸.

Умуман олганда, мигрант аёллар иш берувчилар билан иқтисодий муносабатларда ноқонунийе хатти-ҳаракатларга жалб қилинган тақдирда, эркакларникига қараганда кўпроқ ҳуқуқлари бузилишига дуч келишади. Уларга, аксарият ҳолатларда, эркакларга қараганда камроқ қулай иш шароитлари, қўшимча иш ёки дам олиш кунларисиз ишлаш таклиф этилади.

Шу тарзда, бутун дунё бўйлаб мигрант аёллар ўзларининг заиф ҳуқуқий мақоми, чекланган иқтисодий имкониятлари ва ҳуқуқларининг тез-тез бузилиши туфайли хавф остида, шунинг учун халқаро ташкилотлар аёллар миграцияси масалаларига катта эътибор берадилар. Бу гендерга оид миграция сиёсатини, жумладан, гендерга оид қонунчиликни ва уларни амалга оширишнинг гендер мезонларини ҳисобга олувчи механизмларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради. Мигрант аёлларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ва бузилган тақдирда уларни ҳимоя қилиш механизмини яратиш бўйича комплекс профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

⁴⁸ Women & girls on the move: a snapshot of available evidence. IOM, Thematic brief, ISSUE NR 2 | March 2023. Қуйидаги ҳаволада: https://www.migrationdataportal.org/sites/g/files/tmzbd1251/files/2023-03/GDI%20Briefs_Gender_Issue_09-03.pdf



2-БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН МИГРАЦИЯ СИЁСАТИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА МЕХАНИЗМЛАР

2.1. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИГРАНТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРИ: ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАР

Айни пайтда Ўзбекистон миграция масалалари бўйича универсал ва минтақавий келишувларда иштирок этмайди. Бироқ миграция масалалари бўйича икки томонлама келишувлар мавжуд.

Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотининг (ХМГТ) 173-аъзоси бўлди. 2018 йил 27 ноябрь куни Женевада бўлиб ўтган БМТ миграция агентлиги ҳисобланувчи – ХМГТ Кенгашининг 109-сессиясида Ўзбекистоннинг ХМГТга аъзо давлат сифатида қўшилиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилди⁴⁹.

Шу билан бирга, Ўзбекистон БМТнинг “Хотин-қизларни камситишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияси (CEDAW конвенцияси) аъзоси ҳисобланади. Бу конвенцияда мигрант аёлларга тегишли қоидалар мавжуд эмас. Бироқ аввал айтиб ўтилган 26-сонли Умумий тавсияномада CEDAW Қўмитаси CEDAW Конвенцияси қоидалари барча аёлларга, шу жумладан, мигрант аёлларга ҳам тегишли эканлигини таъкидлайди. Ушбу тавсия давлатларни “миграция даври давомида аёлларнинг инсон ҳуқуқларини амалга оширишга” чақиради.

Хусусан, мазкур тавсияга кўра, “барча меҳнат мигранти бўлган аёллар ўзларининг инсон ҳуқуқлари, жумладан, яшаш ҳуқуқи, шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи, қийноқларга, қадр-қимматини камситувчи ва шафқатсиз муомалага дучор бўлмаслик, жинси, ирқи, этник келиб чиқиши, маданияти, миллати, тили, дини ёки бошқа ҳар қандай ҳолатига кўра камситишлардан ҳимояланиш ҳуқуқи, қашшоқликда яшамаслик ва тегишли турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи, қонун олдидаги тенглик ва процессуал кафолатларга риоя қилиниш каби ҳуқуқларидан фойдаланишлари зарур”.

Тавсияда мигрант аёллар дуч келадиган қийинчиликлар батафсил баён этилган. Шу билан бирга, бу тавсияда ушбу қийинчиликлар транзит мамлакатда, борилаётган мамлакатда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар тоифаларига бўлинган.

Ўзбекистон асосан мигрантлар четга кетаётган мамлакат бўлганлиги сабабли, аввало, мигрант аёллар че элга кетишдан олдин **ўз мамлакатларида дуч келадиган қийинчиликларни** кўриб чиқайлик.

Хуллас, CEDAW қўмитасининг 26-сонли тавсиясига кўра, меҳнат мигранти бўлган аёллар ўз мамлакатини тарк этишдан олдин ҳам инсон ҳуқуқларига таъсир қилувчи кўплаб муаммоларга дуч келишади. Улар жумласига жинсига қараб ёки ёш омиллари, оилавий аҳвол ёки ҳомиладорлик ёки болаларнинг борлиги сабаб аёлларнинг хорижга ишлашга

⁴⁹ Ўзбекистон стал членом МОМ. 27 ноября 2018. [Эл.ресурс]URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/11/27/iom/>

кетишини **тўлиқ тақиқлаш ёки чеклаш**, аёлларнинг **турли фаолият билан боғлиқ чекловлар** ёхуд саёҳат ёки миграция билан боғлиқ тарзда паспорт олиш учун **эркак қариндошларидан ёзма рухсат олиш талабларини** киритиш мумкин.

Хотин-қизлар баъзан ишга олувчи агентликлар томонидан жўнаб кетишга тайёргарлик кўриш учун махсус курсларда ўқишади ва бундай ҳолларда улар **молиявий, жисмоний, жинсий ёки психологик зўравонликка дучор бўлишлари** мумкин.

Аёлларнинг, шунингдек, **таълим, касбий тайёргарлик ва миграция ҳақида кенг қамровли ва ишончли маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари чекланганлиги оқибатида иш берувчилар билан муносабатларда юқори даражада ҳимояга муҳтожлик** сезишлари мумкин.

Ишга жойлашга ихтисослашган воситачилар ўз хизматлари учун аёллардан **ўта юқори** тўловларини сўрашлари мумкин. Бу эса, одатда эркакларга қараганда камроқ пул топувчи аёлларни янада катта молиявий муаммоларга дучор қилиши ва уларни оиласи, дўстлари ёки судхўрлардан қарз олишга мажбур қилади, бу эса янада катта харажатларга сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, 26-сонли тавсияда **хотин-қизлар ватанига қайтиб келганда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар** ҳам кўрсатиб ўтилган. Шу тарзда, бу тавсияга кўра, ўз ватанларига қайтиб келганларидан сўнг меҳнат мигрантлари бўлган аёллар гендер асосидаги ёки жинси омили бўйича камситишларга дуч келиши мумкин. Бундан камситишларга қайтиб келган аёлларда ОИВ/ОИТСга мажбурий тест ўтказиш, қайтган ёш аёлларни маънавий “реабилитация қилиш”, эркаклардан фарқли равишда, хотин-қизларнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, тегишли хизматларнинг шахсий ва ижтимоий харажатларнинг юқори эканлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан, эркаклар барқарор оилавий муҳитга қайтишлари мумкин, **аёллар эса қайтиб келгандан сўнг оиланинг парчаланишига гувоҳ бўлишлари ва уларнинг узоқ вақт йўқлиги бундай парчаланишнинг сабаби ҳисобланади.** Бундан ташқари, очкўз ишга жойловчи воситачиларнинг тажовузкор ҳаракатларидан керакли ҳимоя бўлмаслиги мумкин.

Тавсияда баён этилган қийинчиликлардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг миграция жараёнида аёлларни ҳимоя қилиш бўйича энг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аёлларнинг миграциясига асосиз чекловлар қўймаслик, аёлларни одам савдосидан жабрланишлари хавфидан ҳимоя қилиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар меҳнат миграцияси ҳуқуқини бузмаслиги зарур;
- ишга жойловчи воситачилар томонидан жўнаб кетиш олдидан махсус тренинглар ўтказилганда, мигрант аёлларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- умуман олганда, хотин-қизларнинг миграция хатарлари ва хавфсиз миграция шартлари тўғрисида хабардорлигини таъминлаш учун уларнинг таълим даражаси ва саводхонлигини ошириш;
- чет элдаги бандлик органлари фаолиятини назорат қилиш, уларнинг фаолиятида гендер жиҳатларини таъминлаш.
- мигрант аёлларнинг оилаларини сақлаб қолиш чораларини кўриш.

Бундан ташқари, аёллар ўзлари бораётган ва транзит мамлакатларда аллақачон қийинчиликларга дуч келишмоқда. Шундай қилиб, юқорида келтирилган тавсияга кўра, меҳнат мигрантлари бўлган аёллар хорижий давлатлар чегараларидан ўтишда турли хил инсон ҳуқуқлари муаммоларига дуч келишлари мумкин. Воситачилар ёки унга ҳамроҳ бўлган шахслар билан чет элга бораётганда, агар транзит пайтида ёки белгиланган мамлакатга етиб келганида қийинчиликларга дуч келса, бу воситачилар мигрант аёлларга умуман ёрдам бермаслиги ҳам мумкин. Аёлларга, шунингдек, транзит мамлакатлардан ўтиш чоғида воситачилар ва кузатиб борувчи шахслар жинсий ва жисмоний зўравонлик қилишлари мумкин. Борилаётган мамлакатда ҳам хотин-қизлар оғир иш шароитидан тортиб зўравонлик таҳдидигача бўлган жуда кўп қийинчиликларга дуч келишади. Уй хўжалигида хизматкор ёки кўнгилочар йўналишлар соҳасида ишлайдиган аёллар ҳам ҳимояга ўта муҳтож бўладилар. Бундан ташқари, ҳомиладор аёлларни ҳам ҳимояга ўта муҳтож кишилар қатламига киритиш мумкин.

Шу боис, миграция масалалари бўйича икки томонлама шартномалар тузишда ушбу масалаларни эътиборга олиш ҳамда бу қийинчиликларнинг олдини олиш ва мигрант аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатловчи аниқ қоидаларни киритиш муҳим аҳамиятга эга. Мигрант аёллар оқимини мигрантлар ҳуқуқлари ва умуман гендер сиёсати юқори даражада ҳимояланган энг хавфсиз мамлакатларга йўналтириш муҳим.

Умуман олганда, тавсияга мувофиқ, чиқиляётган ва бориляётган мамлакатларнинг умумий мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- a) гендерга оид кенг қамровли ва **ҳуқуқий асосли сиёсатни** ишлаб чиқиш: иштирокчи-давлатлар миграциянинг барча жабҳалари ва босқичларини назорат қилиш, шу орқали меҳнат мигранти бўлган аёлларнинг чет элда ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш, бунда хавфсиз миграцияга кўмаклашиш ҳамда меҳнат мигрантлари бўлган хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш учун, тенглик ва камситмаслик тамойилидан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизлар манфаатларини ҳисобга олувчи ва ҳуқуқий жиҳатдан асосланган сиёсатни ишлаб чиқиш учун Конвенция ва умумий тавсияларга таянишлари зарур (2(a) ва 3-моддалар);
- b) меҳнат мигрантлари бўлган аёллар ва тегишли нодавлат ташкилотларнинг фаол иштироки: иштирокчи-давлатлар **меҳнат мигрантлари бўлган аёллар ҳамда тегишли нодавлат ташкилотларнинг шу соҳадаги сиёсатни ишлаб чиқиш, амалга**

ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашда фаол иштирок этишига интилишлари лозим (7(b)-модда);

- с) тадқиқот фаолияти, **маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш:** Иштирокчи давлатлар меҳнат қилаётган мигрант хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга уўмаклашиш ва тегишли тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш учун миграция жараёнининг ҳар бир босқичида меҳнат қилаётган мигрант хотин-қизлар дуч келадиган муаммолар ва эҳтиёжларини аниқлаш учун миқдор ва сифат асосидаги тадқиқотлар, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш асосидаги тадқиқот ишларини ўтказиши ва бундай ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши зарур (3-модда).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мигрантларни ҳимоя қилиш ва хавфсиз миграцияни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мигрантлар бораётган давлат ва чиқиб кетаётган мамлакатлари томонидан биргаликда амалга оширилиши зарур.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон, асосан мигрантларни етказиб бераётган давлат бўлганлиги сабабли, шундай мамлакатларнинг мажбуриятларини кўриб чиқамиз. CEDAW қўмитасининг 26-сонли тавсиясига кўра, мамлакатлар иш излаб миграцияга кетаётган ўз фуқароларининг-аёлларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, ҳимоя қилиши ва амалга ошириши зарур.

Шу муносабат билан, бошқа чоралар қатори қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши керак:

- а) **миграцияга нисбатан камситувчи тақиқлар ёки чекловларга барҳам бериш:** иштирокчи давлатлар аёлларнинг ёши, оилавий аҳволи, ҳомиладорлиги ёки кичик боласи борлиги каби омилларга асосланиб, аёлларнинг миграциясига таъсир кўрсатувчи аёлларга хос тақиқларни ва камситувчи чекловларни бекор қилишлари зарур. Улар хотин-қизлардан паспорт олиш ёки саёҳат қилиш учун эрининг ёки эркак васийнинг рухсатини талаб қилувчи чекловларни бекор қилишлари лозим (2(f)-модда);
- б) **белгиланган дастурларда ўқитиш, хабардорликни ошириш ва ихтисослаштирилган таълим:** иштирокчи-давлатлар тегишли нодавлат ташкилотлар, гендер ва миграция бўйича мутахассислар, миграция соҳасида тажрибага эга бўлган ишчи аёллар шунингдек, ишончли бандлик агентликлари билан яқин маслаҳатлашган ҳолда тегишли таълим ва хабардорлик дастурини ишлаб чиқиши керак.

Шу сабабли иштирокчи давлатлар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим (3, 5, 10 ва 14-моддалар):

- і) **хорижга чиқишдан олдин хотин-қизларга оид масалалар ва уларнинг ҳуқуқлари бўйича бепул ёки катта харажат қилинмайдиган маълумотларни тақдим этиш ёки бундай ахборотни олишни осонлаштириш,** шунингдек, меҳнат мигрантлари бўлган хотин-қизлар эҳтимолий эксплуатация қилиниши ҳақидаги

хабардорликни ошириш учун махсус ўқув дастурларини тақдим этиш, шу жумладан: меҳнат шартномаларининг тавсия этилган мазмуни, ишга жойлашаётган мамлакатларидаги қонуний ҳуқуқлар ва ҳимоя воситалари, расмий ва норасмий ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан фойдаланиш тартиблари, иш берувчилар ҳақида маълумот олиш жараёнлари, у мамлакатлардаги маданий шароитлар, стрессни бошқариш усуллари, биринчи ёрдам ва фавқулодда вазиятлар бўйича чора-тадбирлар, шу жумладан тегишли элчихоналар ва хизматларнинг фавқулодда телефон рақамлари; транзит хавфсизлиги маълумотлари, шу жумладан аэропорт ва авиакомпания маълумотлари, умумий ва репродуктив саломатлик, шу жумладан ОИВ/ОИТС профилактикаси билан боғлиқ маълумотлар. Бундай **ўқув дастурлари** эҳтимолий меҳнат мигрантлари бўлувчи аёлларга махсус ва самарали ўқитиш дастури орқали йўналтирилган бўлиши ва аёлларнинг иштирок этиши учун марказлаштирилмаган ўқув марказларида ўтказилиши зарур;

- ii) **тасдиқланган, ишончли бандлик агентликларининг рўйхатини** тайёрлаш ва хориждаги мавжуд иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона ахборот тизимини яратиш;
- iii) ишчи аёллар иш билан таъминлаш органларидан мустақил равишда кўчиб кетишни истаган ҳолларда меҳнат миграциясининг усуллари ва тартиблари тўғрисида маълумот бериш;
- iv) **ишга жойлашга ихтисослашган агентликларидан хабардорликни ошириш ва ўқитиш дастурларида иштирок этишларини ва уларни меҳнат мигрантлари ҳуқуқлари бўйича етарли даражада ўқитиш**, қолаверса, жинси ва гендер омили бўйича камситиш шакллари, аёллар дучор бўлиши мумкин бўлган эксплуатация ва ушбу идораларнинг аёллар олдидаги масъулияти ҳақида гапиришларинини талаб қилиш;
- v) жамиятларда аёллар миграциясининг барча шаклларидаги харажатлари ва устувор жиҳатлари ҳақида тўғри тушунчага эга бўлишини таъминлаш ва аҳолининг кенг қатламларига қаратилган маданиятлараро маърифий тадбирларни ўтказиш, бундай тадбирлар доирасида миграциянинг хавф-хатарлари ва имкониятлари, молиявий хавфсизлигини таъминлаш учун аёлларнинг даромадларига бўлган ҳуқуқларини, аёлларнинг оилавий мажбуриятлари ва ўз олдидаги масъулиятлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш зарурлиги таъкидланиши зарур. Бундай **хабардорликни ошириш дастури расмий ва норасмий таълим дастурлари орқали амалга оширилиши мумкин**;
- vi) **миграция масалалари бўйича хабардорликни оширишга ёрдам бериш учун матбуот, ахборот ва коммуникация соҳаларини рағбатлантириш, хусусан**, меҳнат мигранти бўлган аёлларнинг иқтисодийга қўшган ҳиссаси, аёлларнинг эксплуатация ва

- камситишларга дучор бўлиши ва бундай эксплуатация содир бўладиган турли ҳолатларни ёритишларини қўллаб-қувватлаш;
- с) меъёрий тартиб-қоидалар ва мониторинг тизимлари:
- i) иштирокчи давлатлар ишга жойлаш бўйича воситачилар ва иш берувчилар барча меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳурмат қилишларини таъминлаш учун **тегишли меъёрий тартиб-қоидаларни қабул қилишлари ва мониторинг тизимини ишлаб чиқишлари** лозим. Иштирокчи-давлатлар ўз қонунчилигига ноқонуний ишга ёллашнинг кенг қамровли таърифини ҳамда воситачилар томонидан ушбу қонунни бузганликлари учун қонуний жазо чоралари бўйича тартиб-қоидаларни киритишлари зарур (2(е)-модда);
 - ii) иштирокчи-давлатлар, шунингдек, бандлик агентликларининг илғор тажрибалардан фойдаланишини таъминлаш учун аккредитация дастурларини амалга оширишлари керак (2(е)-модда);
- d) **тиббий хизматлар**: иштирокчи-давлатлар, зарурат туғилганда, белгиланган мамлакатларда стандартлаштирилган ва ҳақиқий тиббий сертификатлар берилишини таъминлаши ва потенциал иш берувчилардан меҳнат мигрантлари учун тиббий суғурта дастурларини сотиб олишни талаб қилиши зарур. Кетиш олдидан ОИВ/ОИТСга қарши барча зарур текширувлар мигрант аёлларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган тарзда ўтказилиши керак. Бунда ихтиёрийлик тамойилларига, бепул ёки арзон хизматлар ва дори-дармонлар билан таъминлашга ҳамда стигматизация масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим (2(f) ва 12-моддалар);
- e) **саёҳат ҳужжатлари**: иштирокчи давлатлар хотин-қизларга саёҳат ҳужжатларидан тенг ва мустақил фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак (2(d)-модда);
- f) **ҳуқуқий ва маъмурий ёрдам**: иштирокчи-давлатлар меҳнат мақсадларида четга кетаётган аёлларнинг миграцияси билан боғлиқ юридик ёрдамлар берилишини таъминлаши зарур. Масалан, меҳнат шартномаларини уларнинг амал қилиш муддати ва аёллар ҳуқуқларини эркаклар билан тенг равишда ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ҳуқуқий баҳоланиши таъминланиши лозим (3 ва 11-моддалар);
- g) **пул ўтказмаларини** кафолатлаш чоралари: иштирокчи давлатлар меҳнат мигрантлари бўлган аёлларнинг пул ўтказмаларини кафолатлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишлари ва аёлларга ўз даромадларини репатриация қилиш учун расмий молиявий институтларга интеграциялашувига ёрдам беришлари ҳамда жамғарма дастурларида иштирок этишларини рағбатлантиришлари керак (3 ва 11-моддалар);

- h) ўз ватанига **қайтиш ҳуқуқини** амалга оширишга кўмаклашиш: иштирокчи-давлатлар ўз ватанига қайтишни хоҳлаган аёлларга ҳеч қандай мажбурлаш ва суиистеъмол қилиниш ҳолатларига йўл қўймаган ҳолда амалга оширишларини таъминлаши зарур (3-модда);
- i) ўз ватанига **қайтгандан кейин аёлларга кўрсатиладиган хизматлар:** иштирокчи-давлатлар ўз ватанига қайтиб келган аёлларнинг жамиятга қайта қўшилишларига кўмаклашишга қаратилган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, психологик ва ҳуқуқий хизматларни ишлаб чиқишлари ёки кўрсатишни назорат қилишлари лозим. Улар бошқа давлатда яшаб ёки ишлагандан кейин уйга қайтган аёлларнинг ҳимояга муҳтож ҳолатидан ўз мақсадларида фойдаланмасликлари ва ватанга қайтган аёлларни ишга ёлловчилар, иш берувчилар ёки собиқ турмуш ўртоқлари томонидан қасос олинишдан ҳимоя қилиш учун тегишли хизмат ходимларининг ишини назорат қилишлари зарур (2 (с) ва 3-модда);
- j) **дипломатик ва консуллик ҳимояси:** иштирокчи-давлатлар ўзларининг дипломатик ва консуллик ходимларининг чет элдаги мигрант аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўз ролларини бажаришларини таъминлаш учун уларнинг малакасини оширишлари ва назоратини таъминлашлари керак. Бундай ҳимоя мигрант аёлларга кўрсатиладиган сифатли кўмак хизматларини, жумладан таржимонлар, тиббий ёрдам ва зарур маслаҳатларни ўз ичига олиши лозим. Иштирокчи-давлатлар халқаро одатлар ҳуқуқи ёки бошқа шартномалар, масалан, Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси бўйича муайян мажбуриятларга эга бўлган ҳолатларда, бу мажбуриятлар мигрант аёлларга нисбатан тўлиқ бажарилиши зарур (3-модда).

Шу тарзда, юқоридагиларга асосланиб, биринчи навбатда қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- мигрант аёлларни ҳимоя қилишнинг алоҳида стратегиясини ишлаб чиқиш;
- мигрант аёллар учун ўқув дастурлари ва миграция жараёнларининг гендер жиҳатларига оид барча масалалар бўйича нашрлар/ маълумотномалар ишлаб чиқиш;
- мигрант аёллар учун махсус консалтинг хизматларини яратиш, уларни миграция ва гендер сиёсати соҳасида мутахассислар бўлган малакали маслаҳатчилар билан таъминлаш;
- бандлик органлари, шунингдек дипломатик ва консуллик хизматлари ходимларини гендер тенглик масалалари бўйича ўқитиш;
- миграция сиёсатининг гендер сезгирлигини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва мониторинг механизмини яратиш;

- янги омиллар ва таҳдидларнинг пайдо бўлиши сабабли миграция сиёсатининг гендер жиҳатлари бўйича тизимли тадқиқотлар олиб бориш.

Мигрантлар жўнаб кетаётган мамлакатлар ўзининг аёл фуқароларининг хавфсиз миграциясини таъминлаши учун ўзига хос имкониятларга эгаллигини ҳисобга олиш муҳимдир. Тегишли институционал механизмлар ва меъёрий-ҳуқуқий база мигрант аёлларни ишга қабул қилиш ва кетишдан олдинги босқичларида ҳимоя қилади ва уларнинг имкониятларини кенгайтиради. Гап маълумот тарқатиш, бўлажак мигрантларни, ўқитиш ва малакасини ошириш ҳақида бормоқда, **чунки хорижга жўнаб кетишдан олдин пухта тайёргарлик кўриш хавфсиз ва муваффақиятли миграциянинг калитидир**⁵⁰.

2.2. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИГРАНТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИ: ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАР

2016 йилдан бошлаб республикада миграция соҳасига эътибор кучайтирилди. Ўтган давр мобайнида ушбу соҳани бевосита ва билвосита тартибга солишга қаратилган 12 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йилдаги қарорига асосан, ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўлаётган меҳнат мигрантлари учун иш стажини ҳисоблаш тартиби жорий этилди.

Меҳнат бозорини янада шаффоф қилиш мақсадида, **Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва унинг 14 та филиали ташкил этилди**. Уларда ихтисослаштирилган касб-ҳунар таълими тизимлари фаолият юритади. Фуқаролар миграция бўйича ягона маълумотлар базасида дарҳол рўйхатдан ўтиш учун энг кам сондаги ҳужжатлар билан марказлардан бирига мурожаат қилишлари кифоя қилади.

2018 йилда хусусий секторга меҳнат миграцияси билан шуғулланиш имконияти берилди. Охириги икки йилда 103 та хусусий бандлик агентлиги ташкил этилган бўлиб, улардан 73 таси хорижда иш танлаш учун лицензия олган. Бугунги кунга қадар фақатгина 25 та компания бундай хизматларни кўрсатиши мумкин – 39 та агентлик ўз илтимосига кўра лицензиясини қайтарган, 11 та компанияга нисбатан фирибгарлик учун жиноий иш қўзғатилган.

Ушбу салбий жиҳатга қарамай, умуман жиҳатдан, хусусий сектор ушбу соҳага ижобий таъсир кўрсатди. Хусусий агентликлар орқали 15 мамлакатда 3,2 минг киши иш билан таъминланди.

⁵⁰ Гендерга нисбатан сезгир меҳнат миграцияси сиёсатини амалга ошириш бўйича қўлланма. ЕХХТ, 2009.

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон меҳнат мигрантларининг ихтисослашуви – биринчи навбатда касбий ва тил бўйича тайёргарлигига катта эътибор қарата бошлади. Бугунги кунда мамлакатимизда 191 та марказ фаолият кўрсатаётган бўлса, келгусида уларнинг сони 200 дан ошиши кутилмоқда. Шунингдек, маҳаллаларда 136 та касб-ҳунар таълими муассасаси ташкил этилган. У ердаги курслар 1, 3 ёки 6 ойга мўлжалланган. Касб танлаш эса, талабдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Маҳалла марказларида тикувчилик, компьютер саводхонлиги, сартарошлик, пазандалик каби йўналишларда ўқитиш йўлга қўйилган. Худудий марказларида ихтисосликларни танлаш имконияти анча катта бўлиб, уларда 22 тагача йўналишда касбий таълим олиш мумкин. Мутахассислар меҳнат миграциясининг энг муҳим омиллари сифатида инглиз тилини билиш, дипломатик ваколатхоналарнинг мавжудлиги, авиачипталар нархи ва аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот миқдорини қайд этди⁵¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорини имзолади Ушбу қарор асосида, 2022 йил 1 июндан бошлаб Россия Федерацияси, Туркия Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг 1-иловада кўрсатилган ҳудудларида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг вакиллик институти жорий қилинадиган бўлди. Кўрсатилган ҳар бир ҳудудга **камида икки нафар вакил** бириктирилади.

2022 йил 1 майдан бошлаб ҳар йили ҳокимлар ёрдамчиларининг ёзма тавсияномасига асосан:

- «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатда бўлган ва боқувчиси хорижга меҳнат миграциясига чиқиб кетган оилаларга БҲМнинг 2 баравари миқдоридан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади;
- меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да рўйхатда бўлган ёки «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган, ногиронлиги бўлган оила аъзоларига дори-дармон, ногиронлик аравачалари, эшитиш аппаратлари ва ортопедик маҳсулотлар харид қилиш учун БҲМнинг 5 баравари миқдоридан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади.
- меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида улар билан бирга истиқомат қилувчи пенсия ёшига етган ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган оила аъзоларига қасаба уюшмалари тизимидаги санаторий ва профилактик даволаниш муассасаларига бир марталик бепул йўлланмалар берилади.

⁵¹ Экспертлар ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари учун истиқболли бозорларни айтиб ўтдилар. 25.05.2022 й. [Электрон ресурс]URL: <https://rossaprimavera.ru/news/7aa97421>

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатда бўлган ёки «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган ҳамда меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг болаларига мавсумий фаолият юритадиган оромгоҳларга бепул йўлланмалар берилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг маблағлари ҳисобидан меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг оила аъзоларига ёрдам пуллари ва йўлланмалар беришда:

- ёрдам пуллари ва йўлланмалар башарти меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқаролар “Labor migration” дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган бўлса берилади;
- ёрдам пуллари ва йўлланмаларни олиш учун талабгорлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига «Labor migration» дастурий мажмуаси орқали электрон тарзда мурожаат қилади.

Ушбу қарорга мувофиқ, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ва таълим олаётган ўзбекистонлик ёшларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида «**Хориждаги ёшлар баланс**»ни шакллантирилади ва улар тўғрисидаги зарур маълумотларни «**Ёшлар портали**» электрон платформасига киритиб борилади.

2022 йил 1 мартдан бошлаб «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган шахсларга **10 миллион сўмгача миқдорда бир йил муддатга** микроқарзлар берилади. **2023 йил 1 январга қадар:**

- хорижий тиллар ва (ёки) касб бўйича малака имтиҳонларини топшириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун – БҲМнинг уч бараваригача миқдорда;
- йўл чиптасини харид қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун – БҲМнинг икки бараваригача миқдорда;
- «ишчи виза»ни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун – БҲМнинг беш бараваригача миқдорда компенсация тўланади.

Шу тариқа Ўзбекистон миграция сиёсатини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, бунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларининг эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинади. Юқоридаги чора-тадбирлар шарҳи шуни кўрсатдики, миграция сиёсати соҳасидаги чора-тадбирлар ижтимоий сиёсат билан бир қаторда гендер сиёсатини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Миграция сиёсатининг гендер жиҳатлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Умуман олганда, **Ўзбекистоннинг миграция қонунчилиги гендер жиҳатдан нейтралдир.** Ўзбекистоннинг миграция сиёсатини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларида гендер тенгликка оид алоҳида қоидалар мавжуд эмас.

Бироқ **2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида** миграция сиёсатида гендер жиҳатларини ҳисобга олиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган⁵². Хусусан, ушбу стратегияда меҳнат мигрантларининг ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги хабардорлик даражасини ошириш, чет элда ишлаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизматларини ташкил қилиш, чет элдаги меҳнат мигрантлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жинслар бўйича меҳнат миграцияси статистиканинг шакллантирилишини қўллаб-қувватлаш, миграция сиёсатини гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда комплекс таҳлил қилиш, иқлим ўзгариши таъсирини ҳисобга олган ҳолда миграция жараёнларини таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Умуман олганда, гендер сиёсатини такомиллаштириш ва хотин-қизлар учун таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам хавфсиз миграцияга ёрдам беради. Юқори даражадаги таълим мигрантлар ўртасида юқори даражадаги хабардорликка олиб келади, бу эса хавфсизроқ миграцияни кафолатлайди. Бундан ташқари, юқори даражадаги таълим уларнинг меҳнат миграцияси соҳасидаги имкониятларини кенгайтиради ва уларга бораётган мамлакатлари ва иш жойларини танлаш имкониятини беради.

Шу тарзда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда гендерга оид алоҳида қоидалар йўқлигига қарамай, **сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, муайян даврга мўлжалланган стратегия ва концепцияларда мигрант хотин-қизларга оид қоидалар, миграция сиёсатида гендер жиҳатларни киритиш назарда тутилган.**

Умуман олганда, бундай ёндашув ўзини оқлайди, чунки қонунларни қабул қилиш узоқ давом этади ва динамик ўзгаришлар ҳозирда тезкор қарорлар қабул қилишни талаб қилади. Шу сабабли, ривожланиш концепциялари ва стратегияларини қабул қилиш орқали бундай масала ва муаммоларни ҳал қилиш мақсадга мувофиқроқ кўринади.

⁵² СҚ-297-IV-сон 28.05.2021. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида (lex.uz)



3-БОБ.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИГРАЦИЯ СИЁСАТИНИНГ АЛОҲИДА ЙЎНАЛИШЛАРИ: ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

3.1. МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ГЕНДЕР ЖИХАТЛАРИ

Меҳнат миграцияси бугунги кунда миграциянинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, у Ўзбекистондаги умумий миграция жараёнларининг асосий қисмини ташкил қилади. Меҳнат миграцияси меҳнат ресурсларининг мамлакатнинг бир ҳудудидан бошқа ҳудудига кўчиши билан боғлиқ бўлган **ички меҳнат миграцияси** ва мамлакат чегараларини кесиб ўтиш ҳамда одамларнинг бир мамлакатдан иккинчисига ўтиши билан тавсифланувчи **ташқи меҳнат миграциясига** бўлинади.



Ташқи меҳнат миграцияси – бу ишга жойлашиш мақсадида одамларнинг бир мамлакат ҳудудидан бошқа давлат ҳудудига кўчиш жараёни бўлиб, аксарият ҳолларда бу жараён миллий миграция қонунчилиги билан тартибга солинади⁵³.

Ташқи меҳнат миграцияси ва тегишли статистик маълумотлар билан боғлиқ барча жараёнларни 3 қисмга бўлиш мумкин:

1. *Фуқароларни чет давлатга меҳнат мигрантлари сифатида кетишдан олдин тайёрлаш, тил ва касбий кўникмаларни ўргатиш билан боғлиқ жараёнлар ҳамда ушбу жараёнлар билан боғлиқ статистик маълумотлар;*
2. ***бевосита меҳнат миграцияси**, яъни, меҳнат мигрантининг хорижий давлат ҳудудига миграциясидан тортиб, ўз мамлакатига қайтишигача бўлган жараёнлар ва уларнинг статистикаси;*
3. ***меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш**, уларнинг жамиятга қайта қўшилиши ва тегишли статистик маълумотлар.*

Ҳар бир босқич бўйича гендерга оид статистик маълумотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш меҳнат миграциясининг гендер жиҳатлари ҳақида ягона тушунчани яратишга олиб келади. **Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясининг барча босқичларини** ва ундаги хотин-қизларнинг ҳолатини **тўлиқ қамраб олувчи статистик маълумотлар базаси йўқ.**

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Ўзбекистонда меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ҳисобланиб, унинг асосий вазифаларидан бири **“Ўзбекистон Республикасининг хорижда меҳнат қилаётган фуқароларининг ягона маълумотлар базасини яратиш”** ҳисобланади⁵⁴. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги


⁵³ Миграция атамашунослиги бўйича маълумотнома (русча-инглизча). Москва, “БЕСТ-принт” МЧЖ. 2011. 130. https://публикации.я_инт/books/handbook-миграция-терминология-русский-английский

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 12.09.2018 йилдаги 725-сон // <https://lex.uz/uz/docs/-3903307>

Статистика агентлиги меҳнат миграциясига оид статистик маълумотларни тўплайди, **Оила ва хотин-қизлар қўмитаси** меҳнат миграциясининг гендер жиҳатлари ва миграциянинг оилага таъсири билан шуғулланади.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги **2022 йилдан буён** ўзининг расмий сайтида меҳнат миграцияси бўйича статистик маълумотларни тақдим этиб келмоқда. Ушбу маълумотлар ҳар йили **гендерга нисбатан сезгир бўлиб бормоқда**. Масалан, 2022 йил якуни бўйича Агентлик ўзининг **12 та жадвалдан иборат ҳисоботида** хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларни фақат битта кўрсаткич – **2022 йилда меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар статистикаси бўйича тақдим этган**⁵⁵. **2023 йилнинг биринчи чорагидаги** статистик маълумотлар **жинси бўйича ажратилган 6 турдаги маълумотларни тақдим этади**⁵⁶. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги тақдим этган статистик маълумотларда гендер сезгирлиги бўйича қилинадиган ишлар кўп, бироқ тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш орқали муайян хулосалар чиқариш мумкин.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги маълумотларига кўра, **2023 йил 1 январь ҳолатига**, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган меҳнат мигрантлари сони **2,1 миллион кишини** (2 070 796 нафар) ташкил қилиб, шундан **1 474,7 минг нафари (71,2%)** эркаклар, **596,1 минг нафари (28,8%)** хотин-қизларни ташкил қилади⁵⁷.



Республикада меҳнат мигрантларининг жинс бўйича улуши (2023 йил 1 январь ҳолатига)

Мамлакатлар кесимида таҳлил қилинадиган бўлса, Россияда 1,2 миллион, Қозоғистонда 347,2 минг, Туркияда 140,9 минг, Жанубий Кореяда 62 минг ва бошқа мамлакатларда 250,0 минг киши ишлаётганини кўриш мумкин. Афсуски, мигрантлар сонини жинси бўйича таҳлил қилиб бўлмайди.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг расмий сайтида келтирилган маълумотларга кўра: <http://www.migration.uz/post/view/119>

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг расмий сайтида келтирилган маълумотларга кўра: <http://www.migration.uz/post/view/133>

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг расмий сайтида келтирилган маълумотларга кўра: <http://www.migration.uz/post/view/133>

Агентлик фуқароларни хорижга ташкилий равишда жўнатиш ва ишга жойлаштириш, чет элда ишсиз қолган фуқароларни ишга жойлаштиришни ҳам амалга оширади. Шу тарзда, Россия Федерацияси (1580 киши), Корея Республикаси (1220 киши), Буюк Британия (321 киши), Литва (24 киши), Германия (17 киши), Болгария (13 киши), Польша (3 киши), Латвия (1 киши) ва Туркия (7 киши) каби мамлакатларга фуқароларни юбориш ва ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатилди. 2023 йил 1-чорагининг ўзида – 3186 нафар фуқаролар хорижда ишга жойлаштирилган.

Хорижда ишга жойлаштирилган меҳнат мигрантларининг 45 нафари ёки 1,4 фоизи хотин-қизлардир (2-расм). Бундан келиб чиқадики, Агентликнинг бевосита фаолияти хотин-қизларни хорижий давлатларга ишлашга юбориш учун ноқулай.



Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан хорижга ишлаш учун юборилган фуқаролар сони

2023 йилнинг биринчи чорагида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан “Ўзагросуғурта” АЖ ҳудудий бўлинмаларида хорижга чиқаётган 79 минг 238 нафар меҳнат мигрантининг ҳаёти ва саломатлиги суғурта қилинган. Ҳаёти ва саломатлиги суғуртаси полиси расмийлаштирилган меҳнат мигрантлари бўлмиш хотин-қизлар 27 795 нафар ёки 35,1 фоизни ташкил этади. Хорижга чиқаётган 280 нафар фуқарога 560,0 млн.сўм миқдорида микроқарзлар берилди, уларнинг 32 таси (11,4%) аёллардир.



Ҳаёт ва саломатлиги суғурта қилинган шахслар

Микроқарз берилган шахслар

2023 йил 3 ойи давомида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан имтиёзли хизматлар кўрсатилган меҳнат мигрантлари сони, киши

Ушбу статистик маълумотлардан кўришиб турибдики, агентликнинг хорижга кетаётган меҳнат мигрантларига имтиёзли хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятида ҳам хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмаяпти ёки мавжуд тизим ҳали гендер бўйича сезгир эмас.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги 2023 йилда ташқи меҳнат бозори истиқболларини ва талаб энг юқори бўлган 23 та касб (11 та қурилиш йўналиши, 12 таси бошқа йўналишлар) ва 7 та хорижий тилларни (рус, инглиз, корейс, турк, япон, немис, араб тиллари) 55 минг фуқарони касб-ҳунар ва чет тилларига ўргатиш режалаштирилган. 2023 йилнинг январь-март ойларида хорижга ишлаш учун кетиш истагида бўлган 11 минг 657 нафар фуқаро касб-ҳунар ва чет тиллари, шундан 11 минг 422 нафари касблар, 235 нафари хорижий тиллар бўйича ўқитилди. Бу фуқароларнинг **5964 нафари ёки 51,2** фоизини касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўрганган аёллар ташкил этади⁵⁸. Хорижга кетиш истагида бўлган фуқароларга касб-ҳунар ва тил ўргатишда хотин-қизларнинг манфаатлари инобатга олингани курс иштирокчиларининг ярмидан кўпроғини аёллар ташкил этиши ҳам шундан далолат беради.

Статистик маълумотларда **хориждан қайтган меҳнат мигрантлари** ва уларнинг мониторинги, 2022 йил якунлари бўйича бундай мигрантларнинг ҳудудлар ва жинслар бўйича умумий таҳлили (1-жадвал) ҳам келтирилган.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2022 йилда меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар тўғрисида маълумот⁵⁹


№	Вилоят номи	Мигрант-ликдан қайтиб келганлар сони	Улуши (фоизда)	Жинс бўйича таснифи	
				эркаклар	аёллар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	51 471	8,5	40 356	11 115
2.	Андижон вилояти	78 340	12,9	64 883	13 457
3.	Бухоро вилояти	36 518	6,0	28 366	8 152
4.	Жиззах вилояти	11 190	1,8	8 836	2 354
5.	Қашқадарё вилояти	55 004	9,0	49 576	5 428
6.	Навоий вилояти	6 717	1,1	4 889	1 828
7.	Наманган вилояти	53 881	8,9	48 122	5 759
8.	Самарқанд вилояти	76 840	12,6	56 831	20 009
9.	Сирдарё вилояти	11 360	1,9	8 372	2 988
10.	Сурхондарё вилояти	43 719	7,2	38 105	5 614

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг расмий сайтида келтирилган маълумотларга кўра: <http://www.migration.uz/post/view/133>

⁵⁹ Қуйидаги ҳаволада кўрсатилган маълумот асосида тайёрланган: <http://www.migration.uz/post/view/119>

№	Вилоят номи	Мигрант-ликдан қайтиб келганлар сони	Улуши (фоизда)	Жинс бўйича таснифи	
				эркаклар	аёллар
11.	Тошкент вилояти	23 663	3,9	14 489	9 174
12.	Фарғона вилояти	81 381	13,4	63 633	17 748
13.	Хоразм вилояти	59 609	9,8	47 943	11 666
14.	Тошкент шаҳри	18 447	3	9989	8 458
Республика бўйича жами			608 140	484 390	123 750
Фоизда			100	79,7	20,3

Хориждан қайтган мигрантларнинг умумий улушида 2023 йилнинг дастлабки 3 ойида хотин-қизлар нисбати 2022 йил охирига нисбатан 20,3 фоиздан 24 фоизга ошганини кўриш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармалари томонидан тузилган маълумотларга кўра, 2023 йилнинг 3 ойида 221,9 минг нафар фуқаро ташқи меҳнат миграциясидан қайтган. Уларнинг 169,1 минг нафари (76%) эркаклар ва 52,8 минг нафари (24%), яъни ҳар тўрт кишидан бири аёллардир⁶⁰.



Ўзбекистон Республикаси бўйича 2023 йилнинг 3 ойида меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар тўғрисида маълумот

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан **“Labour-migration” дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу платформада 1 924 375 нафар фуқаро рўйхатга олинган⁶¹. Ушбу платформада “Аёллар учун иш ўринлари” саҳифаси бўлиб, унда фақат битта бўш иш ўрни тақдим этилган⁶².**

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг расмий сайтыда келтирилган маълумотларга кўра: <http://www.migration.uz/post/view/133>

⁶¹ Қуйидаги ҳаволада келтирилган маълумотлар асосида: <https://labormigration.uz/> (кирилган сана: 17.07.2023)

⁶² Қуйидаги ҳаволада келтирилган маълумотлар асосида: <https://labormigration.uz/all-jobs/womans-vacancies> (кирилган сана: 17.07.2023)

Аксарият бўш иш ўринлари **иккала жинс вакилларига** ҳам тегишли. Лекин бу бўш иш ўринларининг аксарияти **бетончи (122 иш жойи), автобус ҳайдовчиси (221 иш жойи), станок оператори (500 иш жойи)**⁶³ каби оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишлар бўлиб, бу ҳолат **аёлларнинг ушбу ишларга ишга жойлашиш имкониятларини камайтиради**. Шу сабабли, агентлик бўш иш ўринларини танлашга гендер мувозанати нуқтаи назаридан ёндашиши, аёлларга мос иш ўринларини топиш ва таъминлашга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқдир.

Миграция статистикаси билан шуғулланувчи яна бир ташкилот – **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги** (<https://stat.uz/uz/>; <https://gender.stat.uz/uz/>; <https://siat.stat.uz/>) бўлиб, унинг веб-сайтидаги очиқ манбаларда ташқи меҳнат миграцияси бўйича статистик маълумотлар келтирилмаган. Ушбу статистик маълумотлар базаларида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудига ёки хорижга кўчиб келганлар ҳақида умумий маълумотлар, шунингдек, миграция бўйича умумий статистик маълумотлар билан танишиш мумкин⁶⁴. Статистика агентлиги сайтида ташқи меҳнат миграцияси тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлиги ушбу йўналишдаги тадқиқотларда турли қийинчиликларни келтириб чиқармоқда ва статистик маълумотлар орқали соҳани гендер нуқтаи назаридан ўрганишни чеклаб қўяди.

Меҳнат миграцияси учун хорижга кетган аёлларнинг статистикасини юритувчи органларидан бири **Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасидир**. Қўмитанинг 2022 йил якунларига кўра тақдим этган маълумотларига кўра, бир йил ичида хориждан Ўзбекистонга **122 598 нафар аёл** қайтиб келган. **Қўмитанинг маълумотларига кўра**, 2022 йилда меҳнат миграциясидан қайтган **38 506 нафар** аёлга меҳнат органлари ва бошқа давлат органлари томонидан бандлик хизматлари кўрсатилди. Бу барча қайтиб келган аёлларнинг **31 фоизини** ташкил қилади. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан эълон қилинган маълумотлар (агентлик маълумотларига кўра 123 750 киши, қўмита маълумотларидан 1152 кишига кўп) ўртасида **бироз тафовут бор**. Бироқ Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси маълумотлари гендер нуқтаи назаридан таҳлил қилингани билан аҳамиятлидир.

Хорижда узоқ муддат бўлган фуқаролар масалалари бўйича қўмита томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2023 йилнинг 5 ойида жами 1 302 158 нафар фуқаро ишлаш учун хорижга кетган, бу маълумотлар жинси бўйича таҳлил қилинмаган.

Йил бошидан буён ташқи меҳнат миграциясидан қайтган 503 минг 645 нафар фуқаронинг 30 минг 164 нафари иш билан таъминланган, шундан 7 минг 220 нафари ёки 23,9 фоизи аёллардир (2-жадвал).

⁶³ Қуйидаги ҳаволада келтирилган маълумотлар асосида: <https://labormigration.uz/all-jobs/tmma-vacancies> (кирилган сана: 17.07.2023)

⁶⁴ Қуйидаги ҳаволада келтирилган маълумотлар асосида: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2> ; <https://api.stat.uz/api/v1.0/data/aholi-migraziyasi?lang=uz&format=pdf> ; <https://siat.stat.uz/reports-filed/2435/meta-data>

2-жадвал. Хорижга узоқ муддатга чиққан ва қайтиб келган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар (2023 йил 1 июнь ҳолатига)⁶⁵

№	Вилоят номи	Чет элдаги фуқаролар		Жинс		Хорижга кетиш мақсади					Қайтиб келганлар, йил бошдан буюн	Ишга жойлашганлар		
		Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	ишлаш	ўқиш	бошқа мақсадда	номаълум сабабга қўра	Жами		Эркаклар	Аёллар	
1.	Тошкент шаҳри	94871	45758	49113	32302	4063	58506	0	20458	52	29	23		
2.	Тошкент вилояти	135635	72703	62932	87168	1371	47089	7	22514	259	144	115		
3.	Самарқанд вилояти	221631	159323	62308	211763	1354	8514	0	65250	8746	5256	3490		
4.	Сирдарё вилояти	31209	20560	10649	26119	210	4878	2	11557	20	15	5		
5.	Жиззах вилояти	40277	30330	9947	36766	255	3252	4	11977	18	15	3		
6.	Бухоро вилояти	80717	61173	19544	66969	2721	11011	16	35254	1018	789	229		
7.	Навоий вилояти	22386	14783	7603	16849	262	5249	26	7011	5	1	4		
8.	Фарғона вилояти	144724	113057	31667	128238	1312	15130	44	43966	113	95	18		
9.	Анджон вилояти	202284	151057	51227	180907	1627	19682	68	73166	8697	6811	1886		
10.	Наманган вилояти	92081	79972	12109	89557	566	1957	1	42227	5218	4585	633		
11.	Сурхондарё вилояти	89972	77258	12714	86307	516	2915	234	43296	2226	1911	315		
12.	Қашқадарё вилояти	119445	103181	16264	110044	890	8434	77	46925	2046	1889	157		
13.	Хоразм вилояти	120915	90364	30551	116614	834	3462	5	38921	263	191	72		
14.	Қорақалпоғистон Республикаси	126948	87303	39645	112555	267	14096	30	41123	1483	1213	270		
Жами		1523095	1106822	416273	1302158	16248	204175	514	503645	30164	22944	7220		

⁶⁵ Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Умуман олганда, бу ҳолатда ҳам Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси маълумотлари билан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги статистикаси ўртасидаги фарқни кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мавжуд статистик маълумотлар базаларини таҳлил қилиб, хотин-қизларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида хорижий давлатларга миграция бўйича қуйидаги хулосалар, таклиф ва тавсиялар бериш мумкин:

- Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашнинг комплекс тизимини яратиш ва такомиллаштириш, мавжуд статистик маълумотлар базаларини юритувчи ташкилотлар (Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Статистика агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси) фаолиятини мувофиқлаштириш зарур;
- уч босқичли (миграциядан олдинги тайёргарлик босқичи, тўғридан-тўғри меҳнат миграцияси босқичи ва миграциядан кейинги мослашув босқичи) ва тегишли статистик маълумотлар тизими билан боғлиқ барча жараёнларнинг гендер сезгирлигини ошириш зарур. Бунинг натижасида миграциянинг қайси босқичида ёрдамчи воситаларни қўллаш ва аёлларга нисбатан тегишли гендер ва миграция сиёсатини амалга ошириш зарурлигини аниқлаш мумкин;
- ташқи меҳнат миграциясининг гендерга боғлиқ миқдорий кўрсаткичлари билан бир қаторда сифат кўрсаткичларини жорий этиш зарур;
- Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолиятида мигрантларни ишга жойлаштириш ва хорижга кетаётган меҳнат мигрантларига имтиёзли хизматлар кўрсатишда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмаяпти ёки мавжуд тизим ҳалигача гендер масалаларига етарли даражада сезгир эмас. Шу сабабли, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолиятининг асосий йўналишларида хотин-қизларга эътиборни кучайтириш, миграция сиёсатини гендер мезонларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

3.2. ТАЪЛИМ МИГРАЦИЯСИНING ГЕНДЕР ЖИХАТЛАРИ

Таълим миграцияси тушунчасига **Халқаро миграция ташкилоти (ХМГТ)** томонидан расман таъриф берилмаган. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, **таълим миграцияси – бу одамларнинг яхшироқ ва сифатли таълим олиш**

учун бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтишидир⁶⁶. Яъни, таълим миграцияси таълимнинг барча босқичларида (мактаб, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим) таълим олиш учун бошқа давлатга кетишни ифодаловчи миграция шаклидир.

Ўзбекистонда таълим миграцияси бўйича тўлиқ статистик маълумотларни юритувчи **ташкилот ёки хизмат йўқ**. Турли ташкилотлар томонидан яратилган маълумотлар базасини таҳлил қилиш орқали биз мавжуд ахборотнинг аксарияти **гендерга сезгир эмаслигини** тушунишимиз мумкин. Бу аёлларнинг таълим миграциясининг асосий йўналишларини белгилашда маълум қийинчиликлар туғдирмоқда.

Ўзбекистондаги таълим миграцияси жараёнига оид мавжуд маълумотлар базаларига асосланиб, таълим миграциясини икки қисмга бўлиш мумкин:

1. **Таълим миграцияси қисқа муддатли таълим дастурлари, ўқув курслари ва малака ошириш каби мақсадларда амалга оширилади.** Ушбу турдаги миграциянинг давомийлиги 1 кундан 1 йилгача;
2. **Туғилган ёки яшаш жойини бир йилдан ортиқ муддатга таълим олиш мақсадида тарк этиш билан боғлиқ таълим миграцияси.** Бундай таълим дастурларига бир йил ёки ундан ортиқ муддатга талабалар алмашинуви дастурлари (*student exchange programs*) бўйича таълим, мактаб таълими, бакалавр, магистратура ва докторантура киради.

Таълим миграциясининг ушбу икки тури бўйича мавжуд статистик маълумотларни гендер нуқтаи назаридан алоҳида таҳлил қилиб кўрайлик.

Қисқа муддатли таълим миграцияси (бир йилгача)

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Статистика агентлиги (2023 йилгача – Давлат статистика қўмитаси)** томонидан қисқа муддатли ўқув курсларида ўқиш, тил ўрганиш мақсадида амалга оширилаётган таълим миграцияси тўғрисида маълумотлар ҳар чоракда, ярим йиллик ва йиллик асосда тақдим этиб келинмоқда. Ушбу гуруҳдаги миграция фаолияти қисқа муддатли бўлгани учун таълим миграциясига эмас, балки таълим туризми дейилиши тўғрироқ бўлар эди⁶⁷. **Таълим туризми** – саёҳат пайтида билим ва тажриба ўзлаштириш билан боғлиқ туризм тури. У таълим муассасаларида ўтказиладиган тадбирларда, тил курсларида, маҳорат дарслари, семинарлар, конференциялар ва шу кабиларда иштирок этишни ўз ичига олади⁶⁸. Статистика агентлиги томонидан тақдим этилган қисқа муддатли таълим миграцияси бўйича

⁶⁶ Obire, O. (2020). «Chapter 14 Educational Migration». In *Migrants and Comparative Education*. Leiden, The Netherlands: Brill. doi: https://doi.org/10.1163/9789004417014_014

⁶⁷ <https://stat.uz/files/176/chnyanvardekabr-2019/321/Turistik-oqim.pdf?preview=1>

⁶⁸ <https://stat.uz/files/412/choraklik-natijalar-yanvar-mart2023uz/2807/Turistik-oqim.pdf?preview=1>

статистик маълумотлар ҳам турли хил **жинслар бўйича** ажратилган маълумотларни тақдим этади.


Қуйидаги жадвалда биз 2019-2022 йилларда қисқа муддатли таълим миграцияси туфайли мамлакатни тарк этган жинси бўйича ажратилган мигрантлар тўғрисидаги маълумотларни кўришимиз мумкин:

3-жадвал. 2019-2022 йилларда Ўзбекистондан қисқа муддатли таълим миграциясига чиқиб кетган мигрантлар сони (жинси бўйича)⁶⁹

	2019		2020		2021		2022	
	МИНГ киши	%	МИНГ киши	%	МИНГ киши	%	МИНГ киши	%
Жами	104,4	100	49,8	100	189,1	100	143,6	100
Эркаклар	63,2	60,5	29,1	58,4	104,5	55,3	78,6	54,7
Аёллар	41,2	39,5	20,7	41,6	84,6	44,7	65,0	45,3

Жадвалдан шуни тушунишимиз мумкинки, қисқа муддатли таълим миграцияси фақат **2020 йилда кескин камайди ва бунинг асосий сабаби COVID-19 пандемияси** ва у билан боғлиқ карантин чекловларидир. Умуман олганда, қисқа муддатли таълим миграциясининг иштирокчилари сони йилдан-йилга гоҳ ортиб, гоҳ камайиб туришини тушуниш мумкин.

Фоизда ҳисобланганда қисқа муддатли таълим миграциясида **аёллар улушининг нисбий ўсишини кузатишимиз мумкин.**



2019-2022 йилларда қисқа муддатли таълим миграциясида аёллар ва эркаклар улуши (фоизда)

Шунингдек, қисқа муддатли таълим туризми мамлакатимизда **олий таълимга бўлган талабнинг юқорилиги билан ажралиб туради**. Ушбу турдаги миграция натижасида мамлакатдан чиқиб кетаётган фуқаролар, асосан, **қўшни давлатлар ва МДХ давлатларининг олий таълим муассасаларида сиртқи ёки олий таълимга тайёргарлик босқичида таҳсил оладилар**. Бунинг қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

⁶⁹ Қуйидаги ҳаволада келтирилган маълумотлар асосида тайёрланган: <https://stat.uz/default/choraklik-natijalar/39033-2023-2>

4-жадвал. 2022 йилда Ўзбекистондан қисқа муддатли таълим миграциясига жўнаб кетишнинг асосий йўналишлари⁷⁰

№	Мамлакат номи	Ўзбекистондан қисқа муддатли таълим миграцияси доирасида келганлар	
		минг киши	Қисқа муддатли таълим мигрантларининг умумий сонига нисбатан фоизда
1	Қирғизистон	52,8	36,8
2	Тожикистон	49,9	34,7
3	Россия	13,7	9,5
	Жами	143,6	100

Статистика агентлигининг бошқа маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 11 ойи давомида Ўзбекистон Республикасидан 138,9 минг нафар фуқаро хорижга ўқиш учун кетган. Ўзбекистонлик талабалар ўқиш мақсадида энг кўп саёҳат қилган мамлакатлар рўйхати билан қуйидаги жадвалда танишиш мумкин:


5-жадвал. Ўзбекистонлик талабалар 2022 йилнинг январь-ноябрь ойларида ўқиш учун энг кўп саёҳат қилган ўнта давлат⁷¹

№	Мамлакат номи	Ўқиш учун кетган шахслар сони (нафар)	Мамлакатлар кесимидаги улуши, %
1	Қирғизистон	52 291	37,6
2	Тожикистон	47 213	34,0
3	Россия	13 128	9,5
4	Қозоғистон	10 646	7,7
5	Туркия	5 265	3,8
6	Жанубий Корея	4 645	3,3
7	АҚШ	987	0,7
8	Буюк Британия	971	0,7
9	Беларусь	928	0,7
10	Германия	772	0,6

⁷⁰ <https://stat.uz/files/373/choraklik-natijalar-yanvar-mart-2022/2441/Turistik-oqim.pdf?preview=1>

⁷¹ <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yanigilikar/33246-ga-akin-o-uzbekistanlik-talabalar-o-qish-uchun-akshga-argan>

Юқоридаги жадваллардан кўришиб турибдики, қисқа муддатли таълим миграциясининг асосий йўналиши **Қирғизистон (37,6%)** ва **Тожикистон (34%)** ҳисобланади.



Таълим миграциясига кетилаётган мамлакатлар

Бу мамлакатларда, олий таълим даражасида таълим сифати **Европа, АҚШ ёки Шарқий Осиё мамлакатларидаги каби юқори эмаслиги сабабли**, бунда қисқа муддатли таълим тенденциясининг пайдо бўлишида асосий роль ўйнайдиган омилларни **2 гуруҳга бўлиш мумкин**:

1. **“Ўзидан итарувчи” омиллар** – Ўзбекистонда олий таълимга талабнинг юқорилиги, кучли рақобат;
2. **“Ўзига тортувчи омиллар”** – қабул қилувчи мамлакатлардаги олий таълим муассасаларига киришнинг қулайлиги, ўқиш учун тўловларнинг арзонлиги, ўқишни Ўзбекистонга ўтказиш мумкинлиги, сиртқи таълим турига ўтказиш имконияти ва бошқалар.

Умуман олганда, Статистика агентлигининг қисқа муддатли таълим миграцияси бўйича маълумотлари йил сайин гендерга нисбатан сезгир бўлиб бормоқда. Ўз навбатида, ушбу рақамлар **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг** хорижга чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисидаги маълумотлари асосида шакллантирилади ҳамда маълумотларни йиғишда бир шахснинг мамлакатни тарк этган таълим мигрантларининг умумий сонини шакллантиришда бир неча марта ҳисобга олиниши эҳтимолини, **яъни мигрантлар сони эмас, балки миграция саёҳатлари бу маълумотларни йиғишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.** Статистик маълумотларни таҳлил қилиш, шунингдек, тақдим этилган статистик маълумотларнинг битта материал ёки ҳисоботда тўпланмаслиги, статистик маълумотларга узоқ муддатли таълим миграциясини киритиш имконияти хавфи каби омиллар билан ҳам мураккаблашади.

Узоқ муддатли таълим миграцияси (бир йилдан ортиқ)

Узоқ муддатли таълим миграцияси одатда 1 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга олиш ва қўшимча маълумот олиш учун ўз мамлакатидан бошқа давлатга кўчиб ўтиш билан боғлиқ миграция жараёнини англатади. Глобал мигрант талабалар сони 2000 йилдаги 2 миллион бўлган бўлса, 2020 йилда бу рақам 6,3 миллионга етди⁷².

Ўзбекистонда бир йилдан ортиқ вақт давомида таълим миграцияси бўйича **аниқ ва тўлиқ маълумотлар базаси** шакллантирилмаган. Мавжуд маълумотларнинг аксарияти ҳам **жинс кесимида ажратилмаган**. Ўз навбатида, бу хотин-қизларнинг узоқ муддатли таълим миграциясида иштироки ва бу йўналишдаги асосий тенденцияларни таҳлил қилишни қийинлаштиради. Бундан ташқари, турли миллий ва халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилган **маълумотлар ўртасида тафовутлар мавжуд** ва бу номувофиқлик, катта эҳтимол билан, **ҳар бир ташкилотнинг маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш методологиясидаги фарқларга боғлиқ**.

Астана шаҳрида жойлашган Халқаро миграция ташкилотининг Марказий Осиёдаги Субминтақавий мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан 2019 йилда эълон қилинган маълумотларга кўра, бугунги кунда узоқ муддатли таълим олиш учун чет элга чиқиш Ўзбекистон ёшлари орасида энг кенг тарқалган миграция жараёнларидан бири бўлиб, хорижий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони йил сайин ортиб бормоқда. **2017 йилда 39,2 минг** нафар ўзбекистонлик ёшлар таълим олиш учун чет элга кетган бўлса, 2018 йилда уларнинг сони **22,5 фоизга ошиб, 50,6 минг нафарни** ташкил этди.


6-жадвал. 1 йилгача бўлган таълим миграциясининг асосий йўналишлари⁷³

№	Қабул қилувчи мамлакат номи	2017 йилдаги таълим мигрантлари сони	2018 йилдаги таълим мигрантлари сони
1.	Россия Федерацияси	21 081	19 477
2.	Қозоғистон	3 539	9 698
3.	Корея Республикаси	3 913	4 505
4.	Хитой	2 823	3 915
5.	Қирғизистон	маълумот йўқ	3 311
6.	Тожикистон	маълумот йўқ	2 068
Жами		39 233	50 632

⁷² <https://www.migrationdataportal.org/themes/international-students#data-strengths-amp-limitations>

⁷³ https://publications.iom.int/system/files/pdf/external_youth_migration_ru.pdf

Ўзбекистон учун таълим миграциясининг асосий йўналишлари **Россия Федерацияси** (19477 киши), **Корея Республикаси** (4505 киши), **Хитой** (3915 киши), **Туркия, Латвия, АҚШ, Япония, Германия, Беларус, Буюк Британия, БАА, Малайзия**, қўшни давлатлардан – **Қозоғистон** (9698 киши), **Қирғизистон** (3311 киши) ва **Тожикистон** (2068 киши) ҳисобланади⁷⁴. **Ушбу маълумотларда гендер таҳлили мавжуд эмас.**



Мамлакатлар бўйича таълим миграцияси динамикаси

Қуйидаги жадвалда таълим миграциясининг асосий йўналишлари ва тенденцияларини аниқроқ кўришимиз мумкин:

ЮНЕСКОнинг Статистика институти 1998 йилдан бери 100 дан ортиқ мамлакатларда таълим миграцияси бўйича статистик маълумотларни тақдим этиб келади. Унинг маълумотларига эътибор қаратилса, ушбу манба Ўзбекистон учун тақдим этган хорижий таълим муассасаларида таълим олувчи мигрант талабаларлар сони **Халқаро миграция ташкилоти маълумотларидан фарқ қилишини кўриш мумкин** (7-жадвал).


7-жадвал. ЮНЕСКО Статистика институти маълумотларига кўра, хорижда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар сони⁷⁵

Йил	Талабалар сони (минг нафар)
2015	28,1
2016	32,9
2017	35
2018	42,3
2019	53
2021 йил 1 январь	85,9

⁷⁴ Марказий Осиё мамлакатларида ёшларнинг ташқи миграцияси: хавф таҳлили ва салбий оқибатларини минималлаштириш. – Астана: ХМГТ, 2019. – 17-18-б.

⁷⁵ <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yanigilikar/21987-khorijda-tahsil-olaptan-talabalar-soni> ; <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yanigilikar/35733-in-uzbekistan-necha-nafar-khorijlik-talabalar-talabalar-elmoğluta-o-uzbekistan>

Қуйидаги диаграммадан фойдаланиб, 2015 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Ўзбекистондан келган талабалар сонининг ўсиш динамикасини кузатиш мумкин.



Ўзбекистондан келган талабалар сони (минг киши)

ЮНЕСКО Статистика институти маълумотларига кўра, таълим мақсадида мамлакатдан чиқиб кетган мигрантларнинг асосий йўналишлари Қирғизистон, Россия, Қозоғистон ва Корея Республикасидир (8-жадвал). Маълумотларда баъзи мамлакатлардаги (масалан, **Хитойдаги**) талабалар сони келтирилмаган. **Бу тақдим этилган маълумотларнинг ишончилигига шубҳа уйғотади.**

2021 йил бошида Ўзбекистондан келган мигрант талабаларнинг умумий сони **85 876** нафар бўлди, бу эса, **дунё бўйича мигрант талабаларнинг 1,3 фоизини** ташкил этади. Афсуски, **ЮНЕСКО Статистика институти томонидан тақдим этилган маълумотлар ҳам жинс бўйича ажратилмаган.**

8-жадвал. Ўзбекистонлик талабалар таҳсил оладиган давлатлар, 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра (ЮНЕСКО Статистика институти маълумотлари)⁷⁶

№	Қабул қилувчи мамлакат	Талабалар сони
1.	Қирғизистон	35 571
2.	Россия Федерацияси	27 397
3.	Қозоғистон	26 130
4.	Корея Республикаси	7 426
5.	Латвия	1 717
6.	Туркия	1 598

⁷⁶ <http://uis.unesco.org/en/uis-student-flow>

№	Қабул қилувчи мамлакат	Талабалар сони
7.	Украина	1 503
8.	Беларусь	1 070
9.	Япония	1 048
10.	Германия	777
11.	Польша	629
12.	АҚШ	546
13.	Буюк Британия	510
14.	Чехия	256
15.	Италия	248
16.	Малайзия	209
17.	Австралия	127
18.	Франция	105
19.	Саудия Арабистони	102
20.	Миср	75
21.	Австрия	52
22.	Венгрия	44
23.	Канада	39
24.	Озарбайжон	34
25.	Ҳиндистон	27
26.	Литва	25
27.	Швейцария	23
28.	Греция	20
29.	Финляндия	18
30.	Бельгия	17
31.	Испания	16
32.	Норвегия	16
33.	Қатар	16
34.	Руминия	15

№	Қабул қилувчи мамлакат	Талабалар сони
35.	Словакия	15
36.	Бразилия	14
37.	Мальта	14
38.	Эстония	13
39.	Швеция	10
40.	Болгария	10
41.	Иордания	10
42.	Янги Зеландия	10
43.	Арманистон	9
44.	Ирландия	6
45.	Тайланд	6
46.	Кипр	5

Республика даражасида миграция бўйича узоқ муддатли таълим бўйича маълумотлар базаси очиқ ресурсларда тақдим этилмаган. Масалан, **Статистика агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** каби ихтисослаштирилган ташкилотларнинг **веб-сайтларида таълим миграцияси, унинг бугунги ҳолати ва гендер таҳлили ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.**

Ривожланган хорижий давлатларда республикамиз ҳудудларидан келган ёшлар ва давлат идоралари ходимларининг малакасини ошириш ва амалиёт ўташни ташкил этувчи “Эл-юрт умиди” жамғармасининг сайтыда 2018-2022 йилларда 1626 нафар стипендиант талабанинг хорижий давлатларга юборилгани ҳақида маълумот олиш мумкин⁷⁷. Бироқ стипендиатларнинг жинс кесимидаги маълумотлари тўғрисидаги маълумот йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, мавжуд статистик маълумотлар базаларини таҳлил қилиб, хотин-қизларнинг таълим олиш мақсадида хорижий давлатларга миграциясининг қуйидаги асосий тенденцияларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- Хотин-қизлар асосан бориш қулай ва осон бўлган қўшни давлатлар (Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон) ва МДҲ мамлакатларига (Россия Федерацияси) таълим миграциясин афзал кўришган. Ушбу тенденцияларнинг пайдо бўлишида катта роль ўйновчи омилларни 2 гуруҳга бўлиш мумкин (“push-pull model” асосида):

⁷⁷ https://eyuf.uz/admin/uploads/2023/03.04.23%20%D0%96%D0%B0%D0%BC%D2%93%D0%B0%D1%80%D0%BC%D0%B0%20%D1%82%D0%B0%D2%9B%D0%B4%D0%B8%D0%BC%D0%BE%D1%82%D0%B8_.pdf

1. **“Ўзидан итарувчи” омиллар** – Ўзбекистонда олий таълимга бўлган эҳтиёж юқори, рақобат кучли, олий таълим ижтимоий эҳтиёж даражасига етган;
 2. **“Ўзига тортувчи омиллар”** – қабул қилувчи мамлакатлардаги олий таълим муассасаларига киришнинг қулайлиги, саёҳат харажатларининг пастлиги, зқи учун тўловнинг арзонлиги, ўқишни Ўзбекистонга ўтказиш мумкинлиги, сиртқи таълим турига ўтказиш имконияти, тил ва маданиятнинг яқинлиги ва бошқалар.
- Қисқа муддатли таълим миграциясида (1 йилгача) аёлларнинг улуши йилдан-йилга эркаклар сонига нисбатан ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида мамлакатимизда хотин-қизларнинг таълим олишига бўлган муносабатнинг ижобий томонга ўзгаргани, иш берувчиларнинг хотин-қизлар хорижга малакасини ошириш, хориждаги ўқув курслари ва семинарларда қатнашиши масалаларига ижобий муносабатда бўлишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда таълим миграцияси бўйича статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимини яратишни тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

3.3. ЭКОЛОГИК МИГРАЦИЯНИНГ ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРИ

Сўнги йилларда иқлим ва экологик инқироз ҳақида кўпроқ гапирилмоқда. Глобал исиш, Жаҳон океанидаги сув сатҳининг кўтарилиши, табиий офатлар – буларнинг барчаси инсон ҳаёти ва соғлиғи, унинг яшаш шароитларига бевосита таъсир қилади. Ҳам алоҳида ҳудудлар, ҳам бутун бошли мамлакатлар инсон ҳаёти учун яроқсиз ва хавfli бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатлар одамларнинг хавфсизроқ ва қулайроқ ҳудудлар ва ўлкаларга миграция қилишига олиб келади.

2020 йилнинг ўзида об-ҳаво билан боғлиқ табиий офатлар туфайли 30 миллион киши ўз уйини ташлаб кетган бўлса, 9,8 миллион киши можаро ва зўравонликдан жабр кўрган. Жаҳон банки маърузасидаги хулосаларига кўра, иқлим ўзгаришининг секин таъсири туфайли 2050 йилга бориб 216 миллион киши бошқа мамлакатларга кўчиб ўтишлари мумкин⁷⁸. Шундай қилиб, ҳимояга муҳтож аҳолининг **иқлим қочқинлари ёки экологик қочқинлар** деб аталувчи янги тоифаси пайдо бўлди.

⁷⁸ Иқлим ўзгаришига қарши кураш жаҳондаги можароларга барҳам беришнинг калитидир. [Электрон ресурс] URL: <https://www.unep.org/ru/novosti-i-istorii/istoriya/borba-s-izmeneniem-klimata-klyuch-k-razresheniyu-mirovogo-konfliktka>

Экологик миграция муаммоси илк бор 1948 йилда америкалик эколог Уилям Вогт (William Vogt) томонидан таъкидланган бўлиб, у, хусусан, “экологик кўчирилган одам” атамасини қўллаган. Аммо 1985 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) тадқиқотчиси Эссам ал-Ҳиннавийнинг (Essam El-Hinnawi) “экологик қочқин” (environmental refugee) тушунчасини келтирилган ҳисоботидан сўнг бу муаммо кенг жамоатчилик эътиборини тортди⁷⁹

Экологик мигрантларнинг салмоқли қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Шунингдек, Россия давлат хизмати академиясининг (РАГС) ижтимоий маркази томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, эркакларга солиштирилганда, аёлларга паст маош берилиши (32,3% га 44,5%) ва иш йўқлиги (36,5% га 54%) каби иқтисодий муаммолар эркакларга нисбатан камроқ мотивация уйғотар экан. Улар кўпроқ истиқболнинг йўқлиги (27,0%), миллатлараро низолар (10,6%), ноқулай иқлим (5,3%), ёмон экология (3,7%) каби ижтимоий омилларни муҳим деб ҳисоблайдилар⁸⁰. Яъни, ноқулай экологик вазият аёллар миграцияси даражасига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири экан.

Иқлим ўзгариши нафақат мажбурий миграцияга олиб келади. Оғир вазиятларда ва ундан кейинги даврларда хотин-қизлар, айниқса, гендер асосидаги зўравонлик хавфи остида қоладилар. Бундай шароитларда кўпинча ижтимоий ҳимоя механизмлари уларга қўл келади. Бундай ҳолатлар, шунингдек, оиладаги зўравонлик, эрта ва/ёки мажбурий никоҳ, одам савдоси ва мажбурий фоҳишалик ҳолатларини оширади⁸¹.

Экологик қочқинлар муаммоси истисносиз барча давлатлар, жумладан, глобал барқарор ривожланиш мақсадлари асосида барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар қабул қилинган Ўзбекистон учун ҳам долзарбдир⁸².

2050 йилга келиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиёда 5,1 миллионгача иқлим мигрантлари пайдо бўлиши мумкин. Бу умумий прогноз қилинаётган аҳолининг (пессимистик базавий сценарий бўйича энг юқори деб олинаётган ҳолат учун) 2,3 фоизини ташкил қилади. Улардан 2,4 миллионгача иқлим

⁷⁹ Маркова Е.Ю. Международно-правовая защита экологических мигрантов: реалии и перспективы [Экологик мигрантларни халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш: воқелик ва истиқболлар]// Актуальные проблемы российского права. 2018. № 7 (92) июль

⁸⁰ Куприна Т.М. Халқаро миграция оқимлари: гендер бўйича чалгашликлар //Modern Research of Social Problems, №8(40), 2014

⁸¹ БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича қўмитасининг 37-умумий тавсияси, https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CEDAW%2fC%2fGC%2f37&Lang=ru

⁸² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 20 октябрда 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Мазкур қарор билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”га мувофиқ, миллий БРМ веб-сайти яратилди. Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ижросини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилди. 2020 йилда Ўзбекистон Барқарор ривожланиш бўйича 2020 йилги юқори даражадаги сиёсий форумда ихтиёрий миллий шарҳни тақдим этди.

мигрантлари Марказий Осиёда яшайди (пессимистик базавий сценарий бўйича ўртача)⁸³.

Фарғона водийси (Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудларида), Тошкент шаҳри атрофидаги ерлар ва Тожикистон жанубидаги пасттексисликлар (жумладан, Душанбе шаҳри), шунингдек, Шимолий Қозоғистоннинг аҳоли гавжум шаҳарлари (Қарағанда, Астана ва Қўстанай) иқлим мигрантлари оқими борадиган ҳудудларга айланади. Шунингдек, бундай ҳудудларга Қозоғистоннинг жанубий чегараси бўйлаб ҳудудлар, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг Фарғона водийсига туташган ҳудудлари, шунингдек, Бишкек атрофидаги ерлар ҳам кириши кутилмоқда.

Масаланинг долзарблиги Ўзбекистон томонидан ҳам миллий даражада, ҳам халқаро ҳамкорлик соҳасида амалга оширилаётган чоратadbирлардан далолат беради, хусусан:

- 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси⁸⁴ ва Миллий мослашув лойиҳасининг⁸⁵ қабул қилиниши;
- Ўзбекистон томонидан экологик муаммолар ва иқлим ўзгариши бўйича халқаро ташаббусларнинг илгари сурилиши, мамлакат ҳукумати қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш бўйича чора-тадбирлар кўрмоқда, Ўзбекистон БМТнинг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология Хартиясини ишлаб чиқишни таклиф қилди, Ўзбекистон биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция иштирокчиларининг учрашувларидан бирини республикада ўтказишга тайёрлигини тасдиқлади⁸⁶.
- расширение международного сотрудничества Узбекистана в Ўзбекистоннинг бу борадаги халқаро ҳамкорлигининг кенгайиши. Ўзбекистон БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенцияси доирасида Иқлим ўзгариши жамғармаси, жумладан, Мослашув жамғармаси ва Яшил иқлим жамғармаси билан ҳамкорликни кенгайтirmoқда. Халқаро ҳамкорлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, экологик сиёсат ва иқлим ўзгариши бўйича Европа Иттифоқи – Марказий Осиё мулоқоти мунтазам ўтказиб келинмоқда⁸⁷. Марказий Осиё доирасида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказий Осиё давлатлари илк бор Бирлашган

⁸³ Clement, Viviane; Rigaud, Kanta Kumari; de Sherbinin, Alex; Jones, Bryan; Adamo, Susana; Schewe, Jacob; Sadiq, Nian; Shababat, Elham. 2021. Groundswell Part 2: Acting on Internal Climate Migration. © World Bank, Washington, DC. <http://hdl.handle.net/10986/36248> License: CC BY 3.0 IGO.

⁸⁴ Бу ҳужжат матни билан куйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/ru/docs/4574008>

⁸⁵ Ўзбекистон иқлим ўзгариши оқибатларига Миллий мослашув режасини ишлаб чиқишга киришди// . [Электрон ресурc]URL: <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/presscenter/pressreleases/2020/12/uzbekistan-advances-its-climate-change-adaptation-planning-with-.html>

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи [Электрон ресурc]URL: <https://e-cis.info/news/566/94827/>

⁸⁷ <https://wecoop.eu/events/9wgecc/> - EU-CA Platform for Environment and Water Cooperation.

Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенцияси (ЮНФССС) иштирокчиларининг 26-конференцияси “Марказий Осиё: 5 мамлакат – 1 минтақа – 1 овоз” павильонини тақдим этди ва биринчи марта ягона минтақавий баёнот билан чиқди. Ягона баёнотнинг асосий мақсади Марказий Осиёнинг бешта давлати бўлган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳукуматларининг фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали фақат ушбу минтақага хос бўлган иқлим ўзгаришининг кескин оқибатларини юмшатиш мумкинлиги ҳақидаги аниқ позициясини кўрсатади⁸⁸.

- ниҳоят, мамлакат Конституциясига атроф-муҳит ва иқлим сиёсати бўйича ўзгартиришлар киритилди⁸⁹.

Қабул қилинаётган ҳужжатлар ва илгари сурилаётган ташаббусларда гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда экологик миграция масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Яъни, миграция, экология ва гендер сиёсати масалаларини ҳал этишда комплекс ёндашув муҳим аҳамият касб этади.

⁸⁸ КС-26. Марказий Осиё – иқлимга юқори даражада эътибор қаратилиши керак бўлган ҳудуд. <http://uzdaily.uz/ru/post/65187>

⁸⁹ Президент Ш.Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриги. [Электрон ресурс]URL: <https://e-cis.info/news/566/96805/>



4-БОБ.

**МИГРАЦИЯ СИЁСАТИ МОНИТОРИНГИ:
ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА**

4.1. ГЕНДЕР ЖИХАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИГРАЦИЯ СИЁСАТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ

Давлат сиёсатининг барча йўналишларини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири фуқаролик жамияти ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирокидир. ННТ миграция сиёсатини мониторинг қилишда фаол иштирок этиши зарур ва мумкин.

Мигрант хотин-қизларнинг ҳолатини **мониторинг қилиш механизми (ММ)** давлат ва нодавлат субъектлардан мустақил бўлиши зарур. Бунинг сабаби, аксар ҳолатларда мигрант хотин-қизларнинг ҳуқуқлари кўпинча полиция, чегара хизматлари, паспорт-виза хизматлари ва шу каби давлат субъектлари томонидан бузилади. Миграция соҳасида хотин-қизларнинг ҳолатига бевосита таъсир кўрсатувчи одам савдогарларига бундай субъектларнинг ҳомийлик қилишларидек коррупция хавфи юқори ҳисобланади. Бундан ташқари, аёллар миграцияси соҳасида амалга оширилаётган сиёсат ва чора-тадбирларга назар ташлаш ҳолисона бўлиши зарур.

ММ мустақиллиги ҳуқуқий жиҳатдан, шу жумладан мониторинг механизми, ММ фаолиятини молиялаштиришнинг тегишли механизмини шакллантиришнинг шаффоф тартиб-қоидалари орқали таъминланиши лозим, бу эса ММ фаолияти ҳамда унинг бюджет маблағларини олиши ва ўз ходимлари хавфсизлигини таъминлаши ўртасида боғлиқликни келтириб чиқармайди.

ММ ўз ваколатлари доирасида ўз иш тартиби ва усулларини мустақил равишда белгилаши керак. ММ амалий мустақилликка, шунингдек, ўз ташаббуси билан, шу жумладан фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш салоҳиятига эга бўлиши зарур. ММ фаолияти, албатта, унинг самарадорлиги, мустақиллиги ва ресурслардан тўғри фойдаланиш бўйича объектив кўрсаткичлар асосида даврий баҳоланиши керак.

ММ фаолиятини яратиш ва ташкил этиш бўйича халқаро тавсиялар қуйидаги халқаро манбалардан олиниши мумкин:

- Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича миллий институтларнинг мақоми билан боғлиқ тамойиллар [Париж тамойиллари]⁹⁰;
- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг аъзо давлатларга мухторлик жиҳатлари, шаклланиш усуллари, шунингдек, кўп

⁹⁰ БМТ Бош Ассамблеяси. Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича миллий институтларнинг мақоми билан боғлиқ тамойиллар [Париж тамойиллари]. Бош Ассамблеянинг 1993 йил 20 декабрдаги 48/134-сонли резолюциясига илова. Бу ҳужжат билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/TreatyBodyExternal/Download.aspx?symbolNo=CAT/OP/12/5&Lang=en. Охириги кирилган сана: 02.07.2023 й.

тармоқлилиқ ва мақбул инсон ва молиявий ресурслари борасида самарали, кўпёқламалиқка асосланган ва мустақил миллий инсон ҳуқуқлари институтларини яратиш ва мустаҳкамлаш борасидаги тавсияси⁹¹;

- Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларининг олдини олиш қуйи қўмитасининг миллий превентив механизмлари бўйича йўриқномаси⁹²
- Халқаро стандартлар ММ ташкил этиш ва самарали фаолият юритишнинг зарурий шарти ҳисобланувчи, ҳажми ва мазмуни бўйича етарли бўлган мониторинг мандатини таъминлашни талаб қилади: бу мақсадда, мониторинг ўтказиш учун аниқ белгиланган ва самарали амалга оширилувчи имкониятлар кўрсатилган (шу жумладан, ташкилий ва молиявий жиҳатдан) қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарур.

Мониторинг механизми хотин-қизларнинг миграция соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг амалда татбиқ этилишини назорат қилиш бўйича **кенг соҳалар бўйича ваколатга эга бўлиши керак**. Бу муносиб турмуш шароити ҳуқуқини ҳам ўз ичига олиб, бу ҳуқуқ ММнинг мигрантлар жойлашган жойларда ҳар қандай шароитларни ўрганиш, шу жумладан, хотин-қизларнинг алоҳида эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, уларни сув, озиқ-овқат, кийим-кечак, санитария-техник воситалар билан таъминлаш, уларни малакали тиббий ёрдам билан таъминлаш каби ҳуқуқларини назарда тутати.

Мониторингни ўтказувчи шахсларга мигрант хотин-қизларнинг яшаш жойларига кириш ҳуқуқини қонунлаштириш зарур, шунингдек, уларга қонунчилиқ ҳуқуқлари ва кафолатларини, улар билан муомала қилиш билан боғлиқ ташкилий-техник шарт-шароитлар, шу жумладан хотин-қизларнинг хавфсизлиги ва улардан олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлашнинг қонунчилиқ ва ташкилий кафолатларини таъминлаш зарур бўлади.

Мандатли мониторинг иштирокчилари, шу жумладан нодавлат сектор вакиллари мигрант аёлларнинг яшаш шароитларини ўрганиш ва улар билан суҳбатлар ўтказиш, шунингдек, уларга зарур бўлган барча маълумотларни

⁹¹ Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси. Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг аъзо давлатларга мухторлик жиҳатлари, шаклланиш усуллари, шунингдек, кўп тармоқлилиқ ва мақбул инсон ва молиявий ресурслари борасида самарали, кўпёқламалиқка асосланган ва мустақил миллий инсон ҳуқуқлари институтларини яратиш ва мустаҳкамлаш борасидаги CM/Rec(2021)1-сони тавсияси; (Вазирлар қўмитаси томонидан 2021 йил 31-мартда вазир ўринбосарлари даражасидаги 1400-йиғилишда қабул қилинган). Бу ҳужжат билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://search.coe.int/cm/pages/result_details.aspx?objectid=0900001680a1f4da. Охириги кирилган сана: 02.07.2023 й.

⁹² Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. БМТ Қийноқларга қарши қўмитасининг Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларининг олдини олиш қуйи қўмитасининг миллий превентив механизмлари бўйича йўриқномаси, CAT/OP/12/5, Ҳинччи сессия, Женева, 2010 йил 15-19 ноябрь. Бу ҳужжат билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <http://docstore.ohchr.org/SelfServices/FilesHandler.ashx?enc=6QkG1d%2FPPRiCAqhKb7yhsquBIBCPFD%2BXLNadyD9hiZ4SGqsp7QTyjY12aNwfqj3Cc9yU1hb9DYFy84P2F8abZAmNyWupt03X3cbTr9u3vsY854aq5UYsvMrbzykPIRvo>. Охириги кирилган сана: 02.07.2023 й.

тезкорлик билан олиш, тегишли муассасалар доирасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш учун *исталган жойлар, шу жумладан вақтинчалик яшаш жойлари, тиббиёт муассасаларига, қамоқда сақлаш жойларига, назорат-ўтказиш пунктларига, бошқа қатъий қўриқланувчи объектларга* ташриф буюриш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Бундай механизм ҳар доим чегарадаги барча амалиётларни кузатиш, шу жумладан масофавий чегара назоратидан фойдаланиш, ҳибсга олишларни кузатиш ва қамоқхоналарни текшириш учун тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини берадиган қонуний кафолатланган ҳуқуққа эга бўлиши керак. Ҳукумат органлари ММ ишини осонлаштириши ва асосиз географик, процессуал ёки бошқа чекловлардан воз кечиши лозим.

Мониторинг механизми зарур ташкилий ва техник имкониятларга, шунингдек, олдиндан огоҳлантирган ҳолда ва огоҳлантирмасдан даврий ва вақтинчалик текширувлар ва ташрифлар ўтказиш учун қонуний ваколатларга эга бўлиши зарур.

Механизм шунингдек, назорат-ўтказиш пунктларидан ташқари назоратни, патрул ва ҳибсга олишни (“яширин қоровуллик қилиш”) назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак, бунда барча иштирок этган шахсларнинг хавфсизлиги учун тегишли эҳтиёт чоралари кўрилади.

ММнинг ваколатига ММ аъзоларининг касбий вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи, шу жумладан ўз мандатига тааллуқли ҳар қандай ҳужжатлар, журналлар ва ёзувлар, шу жумладан электрон файллар, видео ва аудио ёзувлар билан танишиш ҳуқуқи киради.

Механизм ўз фаолиятини исталган жойда ва исталган вақтда, махфийлик, хавфсизлик ва ҳимоя нуқтаи назаридан, барча хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда ёзиб олиш (фото, видео ва/ёки овоз қайдлари қилиш) ҳуқуқига эга бўлиши зарур.

Бу механизм мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа қонунбузарликлар содир этилганда тергов органлари, шу жумладан ички назоратни амалга оширувчи органлар, шунингдек прокуратура билан бевосита боғланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Назорат механизми ўз ходимларининг ўз вазифаларини бажариш вақтида хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлиши лозим. Бунга, жумладан, миллий қонунчиликда ходимларни виждонан ва ўз ваколатлари доирасида қилган ҳаракатлари учун қонуний жавобгарликдан ҳимоя қилувчи кафолатларнинг мавжудлиги киради.

Халқаро стандартларга мувофиқ мониторинг предмети миграция жараёнида хотин-қизларнинг аҳволини имкон қадар тўлиқ қамраб олиши керак, хусусан:

- а) Уларнинг демографик ва гендер хусусиятларини ҳисобга олиш (ёши, маълумоти, оилавий аҳволи, дини, фуқаролиги ва миллати, соғлиғининг ҳолати, келиб чиқиш мамлакати, транзит ва берадиган

мамлақати, қонуний ёки ноқонуний миграция содир бўлиши, миграция сабаблари ва бошқалар).

- b) Миграция жараёнида хотин-қизларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини баҳолаш (ҳаракат эркинлиги, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳуқуқи, жисмоний хавфсизлик ва саломатлик ҳуқуқи, меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлар, ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланиш, эътиқод эркинлиги, ва бошқалар.)
- c) Миграция жараёнининг турли босқичларида (қарор қабул қилиш, воситачилар билан ўзаро муносабатлар, мавжуд ресурслар, индивидуал, гуруҳ ёки оммавий ҳаракат, чегараларни кесиб ўтиш, тарқатиш марказларида бўлиш ва ҳ.к., борилаётган мамлакатга кириш ва унда бўлиш) ва муайян вазиятларда (ноқонуний миграция, эксплуатация, мигрант хотин-қизларга нисбатан жиноятлар, ҳибсга олиш ва қамоқда сақлаш жойларига қўйиш, тиббий муассасаларда, кузатувсиз болалар муассасаларида бўлиш ва бошқалар) аёлларнинг ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.
- d) Миграция ва қочқинлар ҳаракатининг иқтисодий ва ижтимоий таъсирини, одам савдоси каби тегишли жиноятларни ҳамда қочқин ва мигрант хотин-қизлар эҳтиёжлари ҳамда уларнинг ватанларидаги маҳаллий ҳамжамиятларнинг эҳтиёжларини баҳолаш.

Тегишли қонунлар, сиёсат ва амалиётларнинг мигрант хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқларига таъсири ҳам мониторинг қилиниши зарур.

Миграция билан боғлиқ ёки мигрантлар билан ўтказилган суҳбатларда статистика учун тўпланган *шахсий маълумотлардан* мажбурлов чоралари, жавобгарликка тортиш ёки ҳуқуқлар/руҳсатларни рад этиш мақсадида *фойдаланишни тақиқлаш* учун қонунчилик зарур.

Хилма-хиллик ва инклюзивлик гендерга йўналтирилган миграция сиёсати тамойиллари сифатида: мониторинг механизмида иштирок этиш имконияти халқаро, минтақавий ва миллий инсон ҳуқуқлари институтлари, омбудсман идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар, бизнес ва шу каби субъектлар учун очиқ бўлиши лозим. Бу турли малакалар, билим ва кўникмаларни ўзида мужассам этган плюрализм ва очиқликни таъминлайди. Мониторингда хотин-қизлар, жумладан, мигрант аёлларнинг энг фаол иштирокини таъминлаш зарур.

Мониторинг механизми нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ҳокимият органлари ўртасида хотин-қизлар миграцияси билан боғлиқ масалалар бўйича доимий **алоқа марказига** айланиши, мулоқот қилиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш, ахборот ва тажриба алмашиш имкониятларини яратиши мумкин.

Мигрант аёлларнинг ҳолати ҳақида қимматли маълумот манбаи сифатида, уларнинг шикоятларини кўриб чиқиш механизмини яратиш. Бундай механизмларнинг мавжудлиги ҳаммага маълум бўлиши зарур, унинг тартиб-қоидаларидан фойдаланиш осон бўлиши ва у махфийликни ҳимоя қилиши, шунингдек, унда эҳтимолий ўч олишдан ҳимоя чоралари кўрилган бўлиши зарур.

Мигрантлар билан ўтказилган суҳбатларда тўпланган шахсий маълумотлардан мажбурулов чоралари, жавобгарликка тортиш ёки ҳуқуқлар/рухсатларни рад этиш мақсадида фойдаланишни тақиқлаш учун қонунчилик зарур.

Мигрант хотин-қизларнинг ҳолати тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини ошириш, фуқаролик жамияти, хусусан, нодавлат ва эксперт ташкилотлари, илмий ҳамжамият, мустақил оммавий ахборот воситаларининг ахборотдан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, шунингдек, миграция соҳасидаги ҳокимият органлари, халқаро ташкилотлар ва нодавлат субъектлар фаолиятининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш учун **мониторинг ҳисоботлари натижаларини жамоатчиликка эълон қилиш**;

Мониторинг натижаларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барча миллий, халқаро ва минтақавий механизмлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома органлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг махсус тартиблари, УДШ (универсал даврий шарҳлаш) механизми, шунингдек, Ўзбекистон иштирокчи бўлган бошқа механизмларга **тақдим этилишини таъминлаш**, бу ҳаракат ушбу соҳада давлат ва нодавлат субъектларининг шаффофлиги ва масъулиятини оширибгина қолмай, мавжуд вазиятни яхшилаш бўйича имкон қадар кўпроқ сифатли тавсиялар тўплашга ёрдам беради.

Мониторинг яқунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни келгусида мажбурий қўллаш механизминини ишлаб чиқиш: давлат органлари ва нодавлат субъектлар фаолияти устидан назоратни таъминловчи ҳуқуқий механизмлар, шу жумладан, уларни жавобгарликка тортиш механизмлари билан боғлаш; мигрант хотин-қизларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш ёки такомиллаштириш бўйича ижро ҳокимияти органларининг масъуллигини белгилаш, ушбу тадбирларни зарур маблағ билан таъминлаш ва ҳ.к.

Мониторинг орқали аниқланган барча даъво қилинган инсон ҳуқуқлари бузилишининг тезкор, холис ва мустақил равишда текширилишини таъминлаш; ҳар бир бундай ишни адолатли суд муҳокамаси тамойилларига мувофиқ текшириш ва судда тегишлича кўриб чиқиш.

Халқаро ҳамкорлик. Гендерга йўналтирилган миграция сиёсатининг муҳим устувор йўналиши трансчегаравий ҳамкорлик соҳасида қабул қилувчи давлатлар билан ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштиришдан иборат. Хусусан, бу хотин-қизлар миграцияси билан билвосита боғлиқ бўлган жиноятлар, яъни одам савдоси, фоҳишаликка жалб қилиш, ноқонуний меҳнат фаолиятига жалб этиш, қуллик ва ҳоказолар учун жиноий жавобгарликка тортиш, шунингдек, бошқа мамлакатларда қийин аҳволга тушиб қолган ўзбекистонлик хотин-қизларга, бедарак йўқолган хотин-қизларни қидиришда қариндошларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тааллуқлидир.

Шунингдек, бундай тизимлар хотин-қизларни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, жумладан, қабул қилувчи давлатнинг виза ва миграция қонунчилиги, ижтимоий ҳимоя ва аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳам ёрдам беради.

Бундай амалиётлар, масалан, Европа Иттифоқида кенг қўлланилади. Европа Иттифоқида бу вазифани енгиллаштирувчи бир қатор асосий давлатлараро шартномалар мавжуд бўлишига қарамай, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат билан шуғулланувчи органлари ёрдамида шу каби келишувлар ва ўзаро ҳамкорлик тизимлари ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши мумкин. Бундай чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти тегишли давлатларга кириш ва у ерларда бўлишнинг қонуний йўллари, шунингдек, бу йўлда хотин-қизларни кутаётган асосий хавф-хатарлар, уларнинг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари, тиббий ёрдам олиш, таълим олиш, уй-жой олиш ҳуқуқи, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига мурожаат қилиш имконияти ва бошқалар тўғрисида кенг маълумот беришдан иборат. Бундай маълумотлар қисқа, аниқ ва амалий бўлиши зарур. Ишонч телефонига уланиш, ННТ манбаларига ҳаволалар ва шу каби воситалар ҳам жуда фойдали ҳисобланади.

Давлатлараро ҳамкорлик миграция оқимларини миқдорий ва бошқа жиҳатларда аниқроқ кузатиш имконини бериши мумкин.

Халқаро ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши иш стажы, шунингдек, чет элда ишлаш билан боғлиқ ижтимоий ва пенсия ҳуқуқларини, қолаверса, қабул қилувчи мамлакатлар билан кишиларнинг малака, кўникма ва маълумотларини ўзаро тан олиш соҳасида ҳамкорлик шартномаларини имзолаш керак.

Миграциянинг тўлиқ даври давомида, халқаро ҳамкорлик доирасида консуллик ҳимояси, кўмаклашиш ва ҳамкорликни кучайтириш ҳам керак бўлади. Хорижда қийин аҳволга тушиб қолган аёл зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик муассасасидан зудлик билан бепул ёрдам олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

4.2. ХОТИН-ҚИЗЛАР МИГРАЦИЯСИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ: ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, шунингдек, хотин-қизлар миграцияси соҳасида қонун устуворлиги, камситишларни тақиқлаш ва бошқа

тамойилларни қарор топтиришдаги тутган ўрни беқиёсдир. Тегишли ижтимоий-сиёсий шароитда ННТларга биринчи бўлиб тажовузга учраган ва давлатдан ёрдам ололмаган шахслар мурожаат қилади ва инсон ҳуқуқларининг кейинги бузилишига йўл қўймаслик, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ёки тиклаш учун жабрланувчилар ва давлат ўртасида воситачи вазифасини бажарадилар.

Катта ҳажмдаги эмпирик маълумотлар билан ишлаш, қонунчиликни билиш ва уни қўллаш амалиёти ННТга қимматли тажриба ва кўникмалар билан бир қаторда, хотин-қизлар миграцияси соҳасидаги вазиятни яхшилаш бўйича ишларга ҳисса қўшиши мумкин бўлган муҳим эксперт салоҳиятини тўплаш имконини беради.

ННТ “биринчи қўл” маълумотларнинг энг муҳим манбаи бўлибгина қолмай, улар хотин-қизлар миграцияси соҳасида уларга топширилиши мумкин бўлган кўплаб вазифаларнинг оптимал ижрочисидир. Бундай вазифалар қаторига хотин-қизлар миграцияси тўғрисида маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, қонунчилик самарадорлигини ва уни қўллаш амалиётини баҳолаш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўзгартириш бўйича тавсиялар тайёрлаш, индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш мониторинги механизмида иштирок этиш, ҳуқуқларни бузиш ҳолатлари билан ишлаш, билим ва тавсияларни тарқатиш, ўқитиш, хабардор қилиш ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Бироқ ННТ ўз вазифаларини тўлиқ бажара олишлари учун давлат уларнинг фаолиятига тўсиқлар яратмаслиги, ёрдам кўрсатиши ва шу орқали жамоатчилик онгида ННТнинг ижобий қиёфасини сақланиб қолишига таъсир қилиши зарур. ННТ фаолиятининг асосий демократик тамойиллари ва ҳуқуқий кафолатларига риоя қилмасдан туриб, уларнинг тўлиқ фаолият юритиши имконсиздир.

I. Хотин-қизлар миграциясини мониторинг қилиш соҳасида давлат муассасалари ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигининг асосий тамойиллари

Хотин-қизлар миграциясини мониторинг қилиш бўйича давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик тизимини яратишда ушбу ўзаро ҳамкорлик дастлаб халқаро амалиётда олтин стандарт бўлган қуйидаги фундаментал тамойилларга асосланиш зарур:

1. Хотин-қизлар миграцияси соҳасида фаолият юритувчи алоҳида шахслар ва ташкилотлар учун қонунчиликда ҳам, амалда ҳам, хавфсиз ва қулай муҳитни таъминлаш. Хавфсизлик кафолатларисиз хотин-қизлар миграцияси соҳасидаги нодавлат ноижорат ташкилотларининг самарали фаолиятини йўлга қўйиб бўлмайди, чунки бу соҳа инсон ҳуқуқларининг энг жиддий бузилиши билан боғлиқ бўлиб, у яшаш ҳуқуқи, жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, эркинликни ноқонуний чеклашни тақиқлаш, қулликни тақиқлаш, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари ичидаги коррупция, уюшган

жиноятчилик, хусусан, одам савдоси, эксплуатация, фирибгарлик ва шу каби бошқа жиддий муаммоларни ўз ичига олади;

Хавфсизлик кафолатлари, давлат томонидан ННТ фаолиятига аралашмаслик ва ўз касбий вазифаларини виждонан бажарганлик учун таъқиблардан воз кечишни назарда тутувчи, яъни фақат пассив бўлибгина қолмай, у хавфсизликни таъминлаши, ННТ ва фаоллар ҳуқуқларининг бузилиши ҳақидаги хабарларни ҳар томонлама текшириш ва шу каби фаол кафолатларни ҳам бера олиши зарур. Ҳуқуқ ҳимоячилари ёки уларнинг оила аъзолари ёки улар билан боғлиқ бўлган бошқа шахсларга давлат ёки нодавлат субъектлар томонидан қилинадиган ҳар қандай ҳужумлар тергов қилиниши ва жинойий жавобгарликка тортилиши лозим.

2. Барқарор меҳнатни таъминловчи ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари фаолиятининг барча босқичларида қўллаб-қувватловчи давлат сиёсати ва дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Жисмоний шахслар сифатида ҳам, ННТ таркибида бўлганида ҳам, уларнинг фаолиятига қўйиладиган ҳар қандай чекловлар асосли бўлиши ҳамда қонуний мақсад, мутаносиблик, қонунчилик билан тартибга солиш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашни тақиқлаш ва шу каби ҳуқуқларни чеклашга йўл қўйилишининг халқаро тамойилларига мос келиши зарур.

Ҳуқуқ ҳимоячилари фаолиятига дахлдор қонун ҳужжатлари, жумладан, фуқаролик жамияти ташкилотларини рўйхатга олиш (тугатиш) ва молиялаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар ва тартиблар инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларига мос келишини таъминлаш зарур. ММда “гонголар”⁹³ эмас, балки мустақил ННТ ва фаоллар иштирок этиши ҳамда ННТ учун давлат томонидан ажратилаётган маблағларни тақсимлаш тартиб-таомиллари шаффоф бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Миграция соҳасида инсон ҳуқуқларига тааллуқли маълумотларни ошкор қилган ҳар қандай шахс қонунчиликда ҳам, амалда ҳам ҳимоя қилиниши керак, агар маълумот ошкор қилинаётган пайтда у маълумот, унинг асосли фикрига кўра, (а) ҳақиқат бўлса ва (б) муайян жамоат манфаатларига таҳдид қилса ёки зарар келтирса. Жамоат манфаатларига таҳдидлар миллий ёки халқаро қонунчиликни бузиш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, коррупция, давлат маблағларини исроф қилиш, фирибгарлик ёки атроф-муҳитга, жамоат саломатлигига ёки жамоат хавфсизлигига зарар етказишни ўз ичига олиши мумкин, лекин улар билан чекланмайди.

3. Мониторинг механизми доирасида ННТ фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича маъмурий-ташкилий чора-тадбирлар уларнинг ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш салоҳиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундай тадбирлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан муносабатларда кўмаклашиш, айниқса чекка чегара пунктларида транспорт ва яшаш жойлари билан таъминлаш ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин.

⁹³ “Давлат томонидан ташкил қилинган нодавлат ташкилотлар” - инглизчада: Government-Organized (Operated) Non-Governmental Organization.

ММ доирасида фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлар ва фаолларни ҳеч бўлмаганда микрогрантлар кўринишида молиялаштириш зарур.

4. Хилма-хиллик ва инклюзивлик. ММда турли йўналишдаги ННТ ҳамда мақсадли гуруҳлар вакиллари иштирок этиши зарур. Хотин-қизлар миграцияси билан боғлиқ инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва ҳуқуқбузарликлари ҳақидаги маълумотларни нафақат аёллар ҳуқуқлари ва/ёки миграция масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган ННТ, балки коррупция муаммолари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз эркинлиги каби масалалар билан шуғулланувчи ННТлар ҳам оладилар.

ММда имкон қадар кўпроқ аёллар, жумладан, қишлоқлар, чекка ҳудудлар, турли ижтимоий қатлам ва этник гуруҳлар вакиллари бўлган, турли тажриба ва маълумотга эга бўлган хотин-қизлар иштирок этиши ва эшитилишини таъминлашга ҳаракат қилиш зарур. Бу юқоридан пастга ечимларни ишлаб чиқиш ўрнига мақсадли гуруҳларнинг эҳтиёжларини яхшироқ тушуниш, энг мос ечимларни таклиф қилиш имконини беради.

5. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг муҳим роли ва улар фаолиятининг қонунийлиги жамоатчилик томонидан тан олинishi. Уларга нисбатан зўравонлик, қўрқитиш ёки таъқиб қилиш ҳолатларини омма олдида қоралаш.

Ҳуқуқлар бузилиши ҳолатлари ННТга хабар берилиши, ННТнинг аҳоли билан самарали ишлаши учун улар жамият ишончини қозониши, жамиятда уларнинг фаолияти ҳақида ижобий тасаввур бўлиши зарур. Бу ННТ фаолиятининг қонунийлиги, ошкоралиги ва ҳисобдорлиги каби тамойилларни инкор этмайди. Бу борадаги давлат ёрдами ННТ фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш платформаларини яратишда, жумладан, миллий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни осонлаштириш, бепул (ижтимоий) реклама ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

II. Хотин-қизлар миграциясини мониторинг қилиш соҳасида давлат муассасалари ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги шакллари

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, аёллар миграцияси соҳасида давлат институтлари ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у қайси аниқ муаммо ҳал қилинаётганига ва мигрантларнинг келиб чиқиш мамлакати, қабул қилувчи мамлакат ёки иккаласига қараб у ёки бу муаммони ҳал қилиш мумкин.

Мониторингга йўналтирилган лойиҳалар, биринчи навбатда, муаммоларни ўрганиш ва вазиятни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини баҳолаш, эҳтимолий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги шикоятлар ва бошқа хабарларни кўриб чиқишга қаратилган турли тадбирларни ўз ичига олади.

Маъруза якунида, шунингдек, миграция шароитида аёлларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган ННТ ва давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг турли, жумладан хотин-қизлар ҳуқуқларининг бузилиши ва улар

жабрланишининг олдини олиш; хориждаги иқтисодий (меҳнат) мигрантлари бўлган хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, келиб чиққан мамлакатдаги вазиятни яхшилаш ҳисобига мажбурий миграцияни камайтириш ва шу каби бошқа шакллари ҳам қисқача муҳокама қилинади.

1. Хотин-қизлар миграцияси бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш соҳасида ННТ ва давлатнинг биргаликдаги фаолияти

Аёллар миграцияси соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бузилишининг олдини олишда ННТнинг “биринчи қўл” маълумотларни йиғишдаги роли муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ННТ нодавлат иштирокчи сифатида аҳоли ўртасида кўпроқ ишонч уйғотади, айниқса, кўпинча миграция масалаларида юзага келадиган юридик жиҳатдан тушунарсиз вазиятларда, давлат ёки нодавлат субъектлари томонидан таъқиб қилинишидан қўрқиш, оммавий қоралаш ва шулар билан боғлиқ ҳолатларда бу муҳим аҳамиятга эга. Мигрант хотин-қизларнинг миграция билан боғлиқ фикрлари, тасаввурлари ва кутилмаларини ўрганиш мақсадида улар билан батафсил суҳбатлар асосида тадқиқот ўтказиш ҳам одатда илмий ва эксперт ташкилотларида мавжуд бўлган махсус кўникма ва ресурсларни талаб қилади⁹⁴.

Бир нечта кейс билан ишлаш, мақсадли гуруҳлар, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ишончли манбалардан тўғридан-тўғри маълумотларни олиш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чораларини кўриш, қонунчилик ва уни қўллаш амалиётини ўрганиш давомида ННТ хотин-қизлар миграцияси ҳақидаги маълумотларни самарали таҳлил қилиш ва шарҳлаш, шунингдек, қимматли ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берувчи муҳим амалий тажриба, билим ва бошқа эксперт салоҳиятини тўплайди.

Шу тарзда, хотин-қизлар миграцияси соҳасидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, тавсиялар ишлаб чиқиш соҳасида давлат ва ННТнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланади. Бундай ҳамкорлик ўзаро ахборот алмашиш, маълумот тўплаш билан шуғулланувчи ННТга ҳуқуқий, маъмурий ва моддий-техник ёрдам кўрсатиш (шу жумладан, ушбу соҳадаги барча томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи аниқ ҳуқуқий тартибга солиш тизимини яратиш, ташкилий-техник ёрдам ва молиялаштириш, чегара назорати пунктларига, қамоқда сақлаш жойлари касалхоналар, таълим муассасалари ва бошқа давлат муассасаларига киришни таъминлаш) шаклида бўлиши мумкин.

Миграция бўйича маълумот тўплаш ва ўрганишга қаратилган ва тармоқлараро ҳамкорликка асосланган лойиҳага мисол сифатида Европа Иттифоқининг “Horizon 2020” тадқиқот ва инновациялар дастури доирасида молиялаштириладиган *HumMingBird*⁹⁵ лойиҳасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу лойиҳа миграциянинг ўзгарувчан омилларини тушунишни яхшилаш ва

⁹⁴ Ана шундай тадқиқотга мисол: Aspirations, agency and well-being of Romanian migrants in Greece. Apostolos G. Papadopoulos. First published: 31 May 2022. Қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://doi.org/10.1002/psp.2584>.

⁹⁵ Бу лойиҳа ҳақидаги маълумотни қуйидаги ҳаволада топиш мумкин: <https://hummingbird-h2020.eu/>.

миграциянинг ўзига хосликлари, мотивлари ва янги тенденцияларини таҳлил қилишга қаратилган. Лойиҳа, шунингдек, миграция тадқиқотлари учун янги ва инновацион маълумотлар манбаларини аниқлаш имконини беради. Мақсадларига эришиш учун бу лойиҳа 10 мамлакатдан 16 та ҳамкорни, жумладан тадқиқот гуруҳлари/университетлар, хусусий компаниялар, ННТ тармоқлари ва Европа тадқиқот инфратузилмаси консорциумини (ERIC) бирлаштирди. Шу тариқа ташкил этилган кўп тармоқли консорциум антропология ва сиёсатшуносликдан тортиб статистика, телекоммуникация муҳандислиги ва компьютер фанларигача бўлган кенг кўламли илмий фанларни, шунингдек, турли тажриба ва билимларни қамраб олди.

Мигрантлар келиб чиқиш мамлакати сифатида, Ўзбекистонга таъсирини демографик, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатларда ўрганиш давлат, илмий жамоатчилик ва эксперт ННТнинг яна бир муҳим биргаликдаги вазифасидир. Шу нуқтаи назардан, меҳнатга лаёқатли аҳолининг, хусусан, малакали ишчи кучининг четга чиқиб кетиши, болалар ва кекса оила аъзоларининг ташлаб кетилиши, мигрантларнинг ҳимояга муҳтож ҳолати ва жабрланиш ҳолатлари энг кўп тилга олинади⁹⁶. Шу билан бирга, мигрантларнинг ватани бўлган мамлакатлар учун тартибли меҳнат эмиграцияси кўплаб ижобий натижаларни олиб келади. Бунга мисол қилиб, мигрантлардан ўз оилаларига бериладиган пул маблағлари, шунингдек, мигрантлар келиб чиққан мамлакатга инвестициялар ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг сезиларли ўсиши, шунингдек, ҚҚС ва бошқа савдо солиқлари бўйича бюджет даромадлари, тенгсизликни, ишсизликни камайтириш, таълим олиш имкониятларини яхшилаш, истеъмолчилар фаоллиги ва талабни ошириш, чет элдан олинган капитал ҳисобига кичик ва ўрта бизнеснинг ўсиши кабиларни кўрсатиш мумкин⁹⁷. Таъкидлаш керакки, эмиграция жараёнлари қонуний равишда амалга оширилганда, нафақат қабул қилувчи давлатлар, балки келиб чиққан мамлакат томонидан ҳам самарали бошқариладиган даражада ижобий таъсир кучаяди ва салбий таъсирлар камаяди. Эмигрантларнинг аҳволи қанчалик фаровон бўлса, улар ўз ресурсларини, шу жумладан юридик соҳада ишлаш ва малакали ишларни бажариш учун қанчалик мақбул бўлса, бу ресурслар нафақат молиявий, балки кўпинча кўникмалар, малака, билим, таълим шаклида ҳам шунчалик кўп бўлади ва улар келиб чиққан мамлакатларга ўз маблағларини инвестиция қилишлари ҳам мумкин.

Умуман, миграция, хусусан, хотин-қизлар миграциясининг Ўзбекистондаги вазиятга таъсирини ўрганиш пухта ва самарали миграция сиёсатини ишлаб чиқиш учун зарурдир.

⁹⁶ Қаранг: масалан, Руминия тажрибаси: Andrei Tiut, Ana Maria Teacă. Emigration from Romania: impact and legacy <https://www.oegfe.at/policy-briefs/emigration-from-romania-impact-and-legacy/?lang=en>.

⁹⁷ Эмиграциянинг келиб чиқиш мамлакатларига таъсири бўйича кўплаб замонавий тадқиқотларга ҳаволалар, шу жумладан тадқиқот услублари ҳақидаги маълумотни, масалан, ушбу ҳаволадан топи мумкин: Zsoka Koczan, Giovanni Peri, Magali Pinat, Dmitry L. Rozhkov. The Impact of International Migration on Inclusive Growth: A Review. International Monetary Fund WP/21/88. Куйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://www.imf.org/en/Publications/WP/Issues/2021/03/19/The-Impact-of-International-Migration-on-Inclusive-Growth-A-Review-50169>

2. Мигрант хотин-қизларга нисбатан инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва таълим бериш бўйича ҳамкорликда ишлаш

Бу борадаги давлат сиёсатини такомиллаштириш мақсадида аёллар миграциясини тадқиқ қилиш билан бир қаторда, хотин-қизларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар, шубҳасиз, жамоатчиликка маълум бўлиши керак. Аҳолининг муаммолардан хабардорлигини ошириш унинг уларга нисбатан сезгирлигини оширишга ёрдам беради ва ижтимоий аҳамиятини оширади. Хотин-қизларнинг миграция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлари эҳтимоли ҳақида хабардорлигини ошириш бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўллари билан бирдир. Шу тарзда, ННТ ва давлатнинг асосий вазифалари ҳам хотин-қизларнинг миграцияси бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, мониторинг натижалари ва тавсияларини кенг миқёсда тарқатишдир.

Хусусан, Халқаро миграция ташкилоти ҳомийлигидаги ана шундай дастурлардан бири *“Назоратсиз ноқонуний миграция ва вояга етмаганлар савдоси”*⁹⁸ дастури бўлиб, бу дастур Болқон минтақасидаги бир қанча мамлакатларда миллий ва маҳаллий ҳокимият органлари, ННТ ва ишчи гуруҳлар ўртасида фаол ҳамкорликни ўз ичига олади ҳамда у ноқонуний миграция ва болаларга нисбатан зўравонлик муаммосини ҳал қилишда тизимли ва комплекс ёндашувни ишлаб чиқишга қаратилган. Бу дастур вазиятни атрофлича ўрганиш, маълумот олиш ва таълим муассасалари ва ўқитувчилар орқали мақсадли гуруҳлар билан ишлаш каби усуллар асосида амалга оширилди.

Дастур доирасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, битта ёки иккаласи хорижга кўчиб кетганлиги сабабли тўлиқ ёки ота-онасиз оилаларда ўсиб-улғайган ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан чалғиши, ноқонуний миграция, одам савдоси ва эксплуатацияси хавфи юқори бўлади⁹⁹. Мактабга бормайдиган ёки мактабни эрта ташлаб қўядиган болаларнинг айниқса ҳимояланмаганлиги сабабли, бу дастур болаларни мактабга қайтариш учун миллий салоҳиятни оширишга қаратилган. Мазкур дастур ННТ ва тегишли таълим вазирликлари ҳамкорлиги доирасида амалга оширилди.

⁹⁸ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, унга чек қўйиш ва жазолаш тўғрисидаги Протоколнинг 3-моддасида “одам савдоси” атамасига қуйидагича таъриф берилган: а) “одам савдоси” – куч ишлатиш билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиб ёки мажбурлашнинг бошқа шакллари, уғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш йўли билан эксплуатация қилиш мақсадида, шахснинг ночор ҳолатидан фойдаланиб ёки бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки имтиёзлар каби порахўрлик орқали одамларни ёллаш, ташиш, кўчириш, яшириш ёки қабул қилиш. Эксплуатация, камида, бошқаларнинг фойдаланиш ёки жинсий эксплуатациянинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш амалиётлар, тобелик ҳолати ёки органларни олиб ташлашни ўз ичига олади; б) одам савдоси жабрланувчисининг ушбу модданинг а) кичик бандида назарда тутилган режали эксплуатацияга розилиги, агар а) бандида кўрсатилган таъсир қилиш воситаларидан бирортаси қўлланган бўлса, ҳисобга олинмайди. Одам (катталар) савдосида мавжуд бўлиши керак бўлган учта асосий компонент қуйидагилардир: i) ҳаракат (ёллаш, ...); ii) воситалар (таҳдидлар, ...) ва iii) мақсад (эксплуатация). Болалар (яъни, 18 ёшгача бўлган шахслар) савдоси халқаро ҳуқуқда бошқача таърифланади. Бу ҳолатда “восита” компоненти керак эмас. Фақат қуйидагилар бўлганлигини кўрсатиш кифоя: i) ёллаш, сотиб олиш ва сотиш каби “ҳаракат”; ва ii) бу ҳаракат эксплуатация қилишининг аниқ мақсади учун қилинганлиги. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, агар мақсад болани эксплуатация қилиш бўлган ёллаш ёки ташиш каби муайян ҳаракатга дучор бўлган бўлса, бу ҳаракат бола савдоси дея таснифланади.

⁹⁹ “Мигрант аёллар: умр бўйи бегоналашиш билан курашиш». Танланган ҳисоботлар. ЮНФПА-ХМГТ экспертлар гуруҳининг Нью-Йоркдаги йиғилиши, 2006 йил 2-3 май. Қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://www.unfpa.org/sites/default/files/resource-pdf/bridging_gap.pdf

3. Хотин-қизларнинг мажбурий миграциясини камайтирувчи омилларни таҳлил қилиш, вазиятни яхшилаш бўйича ННТ ва давлатнинг ҳамкорликдаги фаолияти.

Маълумот тўплаш ва муаммо ҳақида хабардорликка йўналтирилган фаолият аҳамиятли бўлса-да, хабардорлик автоматик равишда хатти-ҳаракатларнинг ўзгаришини англатмаслигини тушуниш муҳимдир. Мақсад нафақат муаммонинг мавжудлигини тан олиш, балки индивидуал хатти-ҳаракатларнинг доимий ўзгаришларини, ижтимоий муносабатлар ва қадриятларнинг ўзгаришини юзага чиқаришдир. Бундай ўзгаришлар учун ҳеч ким ҳам “қуйи” қатламларда, ҳам эксперт даражасида фаолият юритувчи ННТдек кураша олмайди.

Хусусан, мажбурий миграцияни камайтирувчи, шунингдек, тартибсиз миграция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи энг муҳим қадриятлардан бири бу гендер тенгликдир. Халқаро экспертларнинг фикрича, барча турдаги гендер зўравонликлари, одам савдоси ва аёллар эксплуатацияси марказидаги асосий муаммо жинсий алоқа эмас, балки гендер муносабатлари ва аёлларнинг ресурслардан, хусусан, меҳнат бозоридан фойдаланишидаги тенгсизлигидир¹⁰⁰. ННТ ва давлатнинг бу борадаги ўзаро ҳамкорлиги хотин-қизлар миграциясига таъсир этувчи барча турли омилларни кузатишга ҳам, бевосита тенгсизликка қарши курашишга ва аёлларнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳам йўналтирилиши мумкин.

Аёлларнинг фаол сиёсий иштироки ва барча соҳаларда, жумладан, давлат ва бизнесдаги раҳбарлик лавозимларида вакиллиги тенг ҳуқуқлиликини яратиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда хотин-қизларнинг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Аёллар қарорлар қабул қилишдан четлаштирилса ҳамда сиёсатда ва бошқарувда етарлича вакиллик қилмаса, бу аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизликни давом эттиради. Бошқа томондан, аёллар ўзини-ўзи ташкил қилиш, жамоатчилик муҳокамаси, сиёсий вакиллик ва қарорлар қабул қилиш ҳуқуқларидан фойдалансалар, бу нафақат тенгликни таъминлайди, балки илгари яшириниб ётган муаммоларни ва уларни ҳал қилиш учун сиёсий даражада айтилмаган жамоатчилик талабини ўртага чиқаради.

Ушбу мақсадларга эришиш учун Европа Парламенти кўмагида AGENCY: Vote With Her¹⁰¹, лойиҳаси амалга оширилди. Европа Иттифоқининг 15 мамлакатидан бўлган турли миллат ва ёшдаги мигрант хотин-қизлар мазкур лойиҳанинг мақсадли гуруҳи ҳисобланади. Лойиҳа 2024 йилги Европа парламенти сайловлари билан боғлиқ оммавий кампанияларда уларнинг иштирокини рағбатлантириш ва ўз муаммоларини ҳал қилиш учун Европа

¹⁰⁰ “Мигрант аёллар: умр бўйи бегоналашиш билан курашиш». Танланган ҳисоботлар. ЮНФПА-ХМГТ экспертлар гуруҳининг Нью-Йоркдаги йиғилиши, 2006 йил 2-3 май. Куйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://www.unfpa.org/sites/default/files/resource-pdf/bridging_gap.pdf

¹⁰¹ Бу лойиҳа ҳақидаги маълумот билан куйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://medinstgenderstudies.org/agency-project-application-for-change-makers/>

Иттифоқи қарорларини қабул қилиш механизмларидан фойдаланишни мақсад қилган.

Лойиҳа методологияси аёлларга жамоат ҳаётида иштирок этиш воситаларини ўргатиш, Европа институтлари ва қарор қабул қилиш механизмлари қандай ишлашини тушунишга қаратилган 6 ойлик тренингни, уч кунлик дам олиш лагерини, ҳар бир аёлга ўзининг ижтимоий-сиёсий кун тартиби ва бошқа тадбирларга киритилиши мумкин бўлган таклиф ва ғояларини шакллантириш ва тарқатиши учун ўзининг шахсий медиа компаниясини яратишда ёрдам беришни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги аёлларга расмий ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш уларнинг мамлакатдан мажбурий миграциясини камайтириши мумкин. Бундай лойиҳада бандлик соҳасида фаолият юритувчи ННТ, кўнгиллилар, корхоналар ва давлат муассасалари иштирок этиши мумкин эди.

Иқтисодиёт соҳасида аёллар имкониятларини маҳаллий даражада мустақамлашга қаратилган лойиҳаларга аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифасига мансуб аёлларга ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказишда ҳуқуқий ва маъмурий ёрдам кўрсатилаётган лойиҳалар ҳам мисол бўла олади. Бундай лойиҳалар, бир томондан, якка тартибдаги тадбиркорлар ва тижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш, рухсатномалар ва лицензиялар бериш, солиққа тортиш соҳасида ваколатли давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа томондан, ННТ, кўнгиллилар (волонтерлар), юридик компаниялар ва *“pro bono”* асосида ишловчи адвокатлар каби шерикларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириб, бизнесни режалаштириш, солиқ ва бухгалтерия асослари, маркетинг ва реклама ва бошқалар бўйича тренинглар каби тадбирларни ўз ичига олади.

Ушбу муаммони ҳал қилишнинг яна бир самарали усули – аёлларни, бир томондан, бозорда талаб қилинадиган касбий кўникмаларга ўргатиш, иккинчи томондан, гендер хусусиятларини ҳисобга олиш, масалан, аёлларга – ёш оналарга уйда ишлаш ёки иш вақтини мустақил равишда тартибга солиш имконини берувчи касбларга ўқитишдир.

Хусусан, хотин-қизларга IT соҳасида кўникмаларни ўргатиш (жумладан, веб-дизайн, дастурий таъминотни синовдан ўтказиш ва бошқалар) уларнинг дунёқарашини кенгайтиради ва уларга мустақил равишда ҳам, бутун дунё бўйлаб жойлашган компаниялар учун ҳам оилалари ва мамлакатларини тарк этмасдан ишлаш имконини беради. Бундай тренингга мисол сифатида RIDE лойиҳасини¹⁰² келтириш мумкин.

IT соҳасидаги баъзи компаниялар кейинчалик ишга ёллаш билан бундай тренингга инвестиция киритишга тайёр; ННТ ва давлатнинг ёрдами маълумотни тарқатиш, мақсадли гуруҳларни жалб қилиш ва рағбатлантириш, ўқитиш учун бинолар ва жиҳозлар билан таъминлаш ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

¹⁰² Бу лойиҳа ҳақидаги маълумот билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://www.ride-project.eu/about>.

Шу тарзда, давлат ва ННТнинг эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни мустаҳкамлаш, шунингдек, аёлларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган фаолияти аёлларнинг Ўзбекистондан мажбурий миграциясини камайтиришга хизмат қилади.

4. Ватанга қайтиш ва реинтеграцияни осонлаштириш.

Ватанга қайтган мигрантлар чалкаш хусусиятларга эга бўлиши ва турли эҳтиёжлар сезишлари мумкин. Борган мамлакатлардан депортация қилинган тегишли мақомга эга бўлмаган ишчилар каби баъзи мигрантлар ватанга қайтишга мажбурлар. Шунингдек, фирибгарлик, одам савдоси, зўравонлик ва эксплуатация жабрдийдалари ҳам бор, улар махсус интеграция ёрдамига муҳтож бўлиши мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ишсизлик, кам иш ҳақи, жамғармаларнинг етишмаслиги ва психологик-ижтимоий муаммолар кўплаб меҳнат мигрантлари уйга қайтишда дуч келадиган энг кенг тарқалган муаммолар саналади¹⁰³.

Ўзбекистонга қайтишни хоҳловчи аёлларнинг, хусусан, одам савдоси ва эксплуатациянинг барча шакллари билан боғлиқ зўравонликни бошдан кечирган аёлларнинг ҳуқуқларини тан олиш ва мустаҳкамлаш аёллар миграцияси шароитида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашнинг асосий масаласидир. Мигрантликдан қайтган хотин-қизларнинг ҳолатини мониторинг қилиш кетаётганларни мониторинг қилишдек аҳамиятлидир.

ННТ одам савдоси ва эксплуатациядан жабр кўрган шахсларга нисбатан жамоатчилик муносабатини ўзгартириш бўйича жиддий ишларни амалга ошириши зарур, бунда улар жабрдийда хотин-қизлар Ўзбекистонга қайтиб, реинтеграцияга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишлари мумкин. Бундай ёрдам, биринчи навбатда, психологик, шунингдек, айрим ҳолларда психиатрик ва бошқа тиббий ёрдам, қолган оила аъзолари ва қариндошлари билан ижтимоий фаолият, бандликни таъминлашда ёрдам бериш, ўзаро ёрдам гуруҳларини ташкил этишни ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистонга қайтган мигрант аёлларда нафақат “биринчи қўл” маълумотни бериш, балки кетишни ўйлаётган бошқа аёлларга ҳам қарор қабул қилишда ёрдам бериш имконини берувчи жуда муҳим манба мавжуд. Ўзбекистон бу ресурслардан фойдаланиши ва ватанга қайтган мигрант аёлларнинг ёрдамига таянувчи маҳаллий ташкилотларни рағбатлантириши керак.

Меҳнат мигрантлари бўлган аёллар учун самарали реинтеграция – қайтган ишчиларнинг оилалари, жамиятлари, иқтисодлари ва умуман жамиятга муваффақиятли реинтеграцияси демакдир. Келиб чиқиш мамлакати нуқтаи назаридан, самарали қайтиш деганда, мигрант аёллар хориждаги миграция мақсадларига эришгандан кейин хавфсиз ва муносиб тарзда қайтишлари тушунилади¹⁰⁴. Миграция даврий бўлиши мумкинлиги

¹⁰³ Benjamin Harkins; Daniel Lindgren; and Tarinee Suravoranon. Risks and rewards: Outcomes of labour migration in South-East Asia. International Labour Organization and International Organization for Migration 2017.P.81.

¹⁰⁴ Piyasiri Wickramasekara. Effective return and reintegration of migrant workers with special focus on ASEAN Member States. ILO. 2019. Қуйидаги ҳаволада бу нашр билан танишиш мумкин: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/asia/-/ro-bangkok/-/sro-bangkok/documents/publication/wcms_733917.pdf.

сабабли, эмигрантларнинг ўз мамлакатига даврий равишда оммавий қайтишига олиб келади, кенг қамровли қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд бўлмаганда, қайтиб келганлар уларнинг реинтеграция қилиш, руҳий-ижтимоий зарбалар билан курашиш ва барқарор турмуш тарзини топиш салоҳиятига таъсир қилувчи бир қатор муаммоларга дуч келиши мумкин¹⁰⁵. Хотин-қизлар учун бу муаммо янада кескин ва мураккаб тус олади. Қайтган мигрантларни реинтеграция қилиш соҳасида пухта ўйланган ва гендерга сезгир сиёсат юритиш кўплаб жиддий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг олдини олиш учун зарур қадам ҳисобланади. 2007 йилда қабул қилинган Мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги АСЕАН декларацияси доирасида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциациясига аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган қуйидаги мажбуриятлар мигрантларнинг реинтеграцияси бўйича ишлаш йўналишларига мисол бўла олади¹⁰⁶:

- Репатриация ва келиб чиқиш мамлакатига реинтеграция сиёсати ва тартибларини ишлаб чиқиш;
- Меҳнат мигрантларининг келиб чиқиш мамлакатларида инсон ресурсларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Хорижга қайтган меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини реинтеграция қилишнинг комплекс дастурини, шунингдек, меҳнат мигрантларининг хорижда олган малакаларини инobatга олган ҳолда, қайтган меҳнат мигрантларини ишга жойлаштириш дастурини ишлаб чиқиш;
- Қайтган меҳнат мигрантларининг ўз ассоциацияларини тузиш, меҳнат мигрантларига тааллуқли сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда қайтиб келган меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари учун миллий қонунлар, қоидалар ва сиёсатларга мувофиқ хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш.

Қайтган мигрантларнинг кўпроқ ҳимояга муҳтож гуруҳлари биринчи навбатда психологик, ижтимоий кўмак ва иш билан таъминлаш ёрдамига муҳтож бўлса, қайтган малакали мутахассислар ва бошқа мамлакатлардаги диаспораларнинг репатриантлари, биринчи навбатда, ҳукуматнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати, инвестиция ва бизнес имкониятлари ҳақидаги маълумотга талаб сезиши мумкин.

Қайтган мигрантларнинг турли эҳтиёжларини ҳисобга оладиган табақалаштирилган ёндашувдан фойдаланилган реинтеграция дастурларига мисоллар:

¹⁰⁵ Piyasiri Wickramasekara. Effective return and reintegration of migrant workers with special focus on ASEAN Member States. ILO. 2019. Қуйидаги ҳаволада бу нашр билан танишиш мумкин: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/—asia/—ro-bangkok/—sro-bangkok/documents/publication/wcms_733917.pdf.

¹⁰⁶ ASEAN Declaration on the Protection and Promotion of the Rights of Migrant Workers (ASEAN, 2007). https://www.ilo.org/dyn/migpractice/migmain.showPractice?p_lang=en&p_practice_id=41#:~:text=The%20Declaration%20calls%20on%20countries,fight%20against%20trafficking%20in%20persons.

- Индонезия ҳукуматининг қайтган меҳнат мигрантларини реинтеграция қилиш дастури учта гуруҳнинг малакаси ва салоҳиятини оширишга қаратилган: (1) шартномани муваффақиятли якунлаб қайтган ишчилар; (2) миграция мақсадларига эриша олмай қайтган ишчилар; ва (3) иккала гуруҳнинг оилалари;
- Чет элдаги Филиппин ишчиларини қайта интеграция қилиш миллий маркази (OFWs) ҳужжатсиз ватанига қайтаётган, оғир ҳолатга тушиб қолган ва меҳнат мигрантлари бўлган аёлларни ватанга қайтариш учун махсус дастурларни амалга оширади.
- Вьетнам чет элда ишлашдан қайтган камбағал ҳудудлардан келган ишчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик сиёсатини ишлаб чиққан¹⁰⁷.

Қайтган мигрантлар оддий ишчи кучи эмас, улар миллий иқтисодиётга фойда келтириш учун хорижда олинган кўникмаларни маҳаллий ишчиларга беришда ёрдам бериши мумкин бўлган кишилардир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўпчилик мигрантлар меҳнат кўникмалари, шунингдек, ижтимоий қадриятлар ва ижтимоий капиталга чет элдаги ҳаёт, шу жумладан профессионал муҳит билан таъсир қилиш орқали эга бўлишади. Улар молиявий капиталнинг кириб келишига ёрдам беради, инвестицияларни рағбатлантиради ва янги корхоналар яратади. Қайтган ишчилар, гарчи улар миграциядан олдин ёлланма ишчи бўлган бўлсалар ҳам, қайтганларида сўнг уларда ўзини ўзи иш билан таъминлаш тенденцияси мавжуд¹⁰⁸.

Хулоса қилиб айтганда, реинтеграция бўйича саъй-ҳаракатларнинг қуйидаги бир нечта асосий тамойиллари ва йўналишларига эътибор қаратиш лозим:

- реинтеграция дастурлари жинси, ёши, малакаси ва миграция ҳолатидан (масалан, тартибга солилмаган мақом ёки депортация бўлиш) қатъи назар, барча мигрантларни қамраб олувчи ва тегишли халқаро ҳужжатлар ва шартномаларга мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган бўлиши лозим.
- Ватанга қайтиш ва реинтеграцияни режалаштириш миграциядан олдин бошланиши ва ишга жойлашиш вақтида давом этиши керак.
- Ватанга қайтишни режалаштириш ва қайтиш ҳамда реинтеграция хизматлари қайтиб келганларнинг жинси, кўникмалари, чет элдаги касби, ҳуқуқий мақоми, қайтиш сабаблари, қайтишга қанчалик тайёрлиги, жойлашуви каби профил маълумотларни рўйхатга олиш ва йиғиш орқали олинган ахборотга асосланиши зарур¹⁰⁹.

¹⁰⁷ Piyasiri Wickramasekara. Effective return and reintegration of migrant workers with special focus on ASEAN Member States. ILO. 2019. Қуйидаги ҳаволада бу нашр билан танишиш мумкин: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/asia/-/ro-bangkok/-/sro-bangkok/documents/publication/wcms_733917.pdf.

¹⁰⁸ Piyasiri Wickramasekara. Effective return and reintegration of migrant workers with special focus on ASEAN Member States. ILO. 2019. Публикация доступна в сети Интернет по ссылке: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/asia/-/ro-bangkok/-/sro-bangkok/documents/publication/wcms_733917.pdf.

¹⁰⁹ Piyasiri Wickramasekara. Effective return and reintegration of migrant workers with special focus on ASEAN Member States. ILO. 2019. Қуйидаги ҳаволада бу нашр билан танишиш мумкин: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/asia/-/ro-bangkok/-/sro-bangkok/documents/publication/wcms_733917.pdf.

Аёл ва эркак меҳнат мигрантлари миграция цикли давомида турли қийинчиликларга дуч келиши мумкинлигини инобатга олсак, барча тадбирларда гендер масалаларини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аёллар, одатда, иш жойларида кўпроқ камситишларга дуч келишади, шунингдек, уларнинг уй ишлари каби ҳимояланмаган тармоқларда кўпроқ бандлигини ҳисобга олсак, уларнинг одам савдоси ва мажбурий меҳнат жабрдийдалари бўлиш эҳтимоли юқорироқ бўлади.

Хотин-қизлар меҳнати мигрантларининг самарали ижтимоий ва иқтисодий реинтеграцияси бўйича ХМТ ва “БМТ Аёллар ташкилоти”нинг қўшма минтақавий семинари аёлларнинг алоҳида эҳтиёжларини эътироф этди ва меҳнат мигранти бўлган аёлларига миграция даври давомида ёрдам бериш бўйича бир қатор тавсиялар ишлаб чиқди¹¹⁰.

Реинтеграция дастурлари ҳам қайтиб келганлар, ҳам улар қайтиб келадиган жамоаларга, шу жумладан реинтеграция ҳамма учун фойдали бўлишини таъминлаш учун, қабул қилаётган жамиятлар билан ўтказилувчи тайёргарлик тадбирларига қаратилган бўлиши керак”.

Ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиш: меҳнат мигрантлари ижтимоий ҳимоя қамрови бўйича энг кам ҳимояланганлар қаторига киради ва бунда у мигрантнинг у мамлакатдан ўз мамлакатига қайтишдаги чидамлилиқ лаёқати муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий эҳтиёжлар, шу жумладан, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оилаларига нисбатан ижтимоий суғуртанинг чидамлилиқка таъсирини ўрганиш зарур.

Диаспорада ахборотни тарқатиш ва трансмиллий бизнес тармоқларини яратишга кўмаклашиш. Бу мигрантлар ва диаспоранинг қайтишга тайёрлигини оширади.

5. Хотин-қизларнинг иқтисодий (меҳнат) миграцияси соҳасида ННТ ва давлатнинг ўзaro ҳамкорлиги.

Аёллар миграцияси мажбурий, ноқонуний ва бир қатор жиддий инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигига қарамай, бу ҳар доим ҳам бундай ҳодисалар билан боғлиқ эмаслигини тан олиш керак. Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб кўп сонли хотин-қизлар ўзларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, яхшироқ таълим олиш ва иш топиш учун хорижга кўчиб кетишмоқда. Шуни ҳисобга олиш керакки, ҳозирда Ўзбекистонда аёллар бандлиги кўп жиҳатдан ҳали ҳам анча муаммоли вазиятда: аёлларнинг бандлик даражаси Марказий Осиёнинг баъзи бошқа мамлакатларига нисбатан ҳам пастроқ¹¹¹, 2022 йил ҳолатига кўра эркаклар ва аёллар ўртасидаги иш ҳақи фарқи, умумий нисбатан паст даражадаги иш ҳақи бўйича ҳисобланганда ҳам, 39% ни ташкил этди, кундалик ҳаёт ва оила аъзоларини парваришlashга тегишли масъулиятни тақсимлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар аёлларга сезиларли қўшимча иш

¹¹⁰ International Labour Organization (ILO); UN Women. 2014. Conclusions and Recommendations, Joint ILO–UN Women Regional Workshop on Effective Social and Economic Reintegration of Women Migrant Workers, Kathmandu, 19–21 Aug. Қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://www.ilo.org/asia/events/WCMS_309854/lang-fr/index.htm

¹¹¹ Ўзбекистонда барқарор бандлик: ҳолати, муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Масъул муҳаррир: Х. Қутлиев. Тошкент, 2018. - 51-б.

юкламасини келтириб чиқаради ва айнан шу омил кўп ҳолларда уларни кўп йиллар давомида ишлашига йўл қўймайди¹¹². Шу тарзда, кўплаб аёллар учун миграция гендер тенгликнинг элементи ва жамиятдаги гендер роллари ва мавқеини ўзгартириш элементи бўлиши мумкин.

Шу сабабли, умуман, аёллар миграцияси соҳасидаги сиёсат ва хусусан, мониторинг механизми мажбурий, ноқонуний миграция, трансчегаравий жиноий фаолият доирасида аёлларнинг жабр кўриши ва аёлларнинг иқтисодий (меҳнат) миграциясини бир хил мезон асосида баҳоламаслиги зарур. Бу нафақат хотин-қизлар эркинлигига тўсқинлик қилиши, балки Ўзбекистон жамиятида уларга бўлган муносабатни ёмонлаштириши, ўзбек аёлларининг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришига бевосита зарар етказиши ҳамда уларнинг мамлакатга қайтишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Миграция жараёнларини бошқариш самарадорлигини ошириш контекстида хориждаги ўзбек диаспоралари ва Ўзбекистондан келган эмигрантлар жамиятлари катта салоҳиятга эга. Улар билан ҳамкорлик қилиш, улар ва Ўзбекистон ННТ ўртасида билим ва тажриба алмашишни рағбатлантириш хотин-қизлар миграцияси соҳасида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизликни оширишга ёрдам бериши мумкин. Баъзи тадқиқотларга кўра, қабул қилувчи мамлакатларда эмигрант ватандошлар томонидан яратилган қўллаб-қувватловчи ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги нафақат харажатларни камайтириш орқали янги келган мигрантлар учун бюрократик тартиб-қоидалардан ўтишни осонлаштиришга ёрдам беради, балки мигрантлар келаётган мамлакатларда тенгликни мустаҳкамлайди ҳамда қонуний миграцияни аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун қулайроқ миграцияга айлантиради¹¹³.

Халқаро экспертлар томонидан аёллар меҳнат миграцияси соҳасида давлат ва нодавлат институтларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган¹¹⁴:

- а) Келиб чиқиш мамлакати ва борилаётган давлатнинг давлат муассасалари ва ННТ аёллар меҳнат мигрантларига қуйидаги масалалар бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатишлари зарур:
- меҳнат шартномалари;
 - меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлар;
 - иммиграция қонунчилиги;
 - иммиграцияни хоҳловчилар учун давлат бандлик хизматлари;
 - молиявий саводхонлик ва пул маблағларини бошқариш асослари;
 - пул ўтказмалари, жамғармалар ва инвестициялар;
 - репродуктив саломатлик;

¹¹² Муҳаббат Ахмедова, Шарифа Амриддинова: Ўзбек аёлига карьера қилиш осонми? Қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://www.uzdaily.uz/ru/post/73661>.

¹¹³ Zsoka Koczan, Giovanni Peri, Magali Pinat, Dmitriy L Rozhkov. The Impact of International Migration on Inclusive Growth: A Review. International Monetary Fund WP/21/88. Қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://www.imf.org/en/Publications/WP/Issues/2021/03/19/The-Impact-of-International-Migration-on-Inclusive-Growth-A-Review-50169>

¹¹⁴ "Мигрант аёллар: умр бўйи беғоналашиш билан курашиш". Танланган ҳисоботлар. ЮНФПА-ХМГТ экспертлар гуруҳининг Нью-Йоркдаги йиғилиши, 2006 йил 2-3 май. 114-бет Қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://www.unfpa.org/sites/default/files/resource-pdf/bridging_gap.pdf

- болалар ва оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- b) Давлат муассасалари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари мигрант аёлларга қуйидаги соҳаларда ёрдам кўрсатиши зарур:
 - хотин-қизлар учун касбий тайёргарлик;
 - хотин-қизларнинг ўзига ўзи ёрдам гуруҳлари, бошқа аёллар уюшмалари ва аёллар ўртасидаги ҳамкорлик шаклларини яратишга кўмаклашиш;
 - аёллар томонидан ўз мамлакатларидан ташкил этилган ва бошқариладиган, шунингдек, аёлларни иш билан таъминловчи кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рағбатлантириш;
 - хотин-қизларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш; улар учун кредит ва жамғарма схемаларини, микромолиявий дастурларни яратиш;
 - аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларига ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик масалалар бўйича бепул маслаҳатлар бериш;
 - аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашиш.
- c) Меҳнат мигранти бўлган аёлларнинг муаммоларини муҳокама қилиш, аниқлаш ва ечимини топиш учун давлат органлари, қабул қилувчи мамлакатлардаги шу мамлакат элчихоналари, ННТ ва бошқа халқаро ва миллий институтлардан комиссиялар тузилиши керак.
- d) Ахборот алмашиш ва ҳамкорлик қилиш учун мамлакатдаги борилаётган давлат консулликлари ва нодавлат ташкилотлар, хусусан, хотин-қизлар ташкилотлари, меҳнат мигрантлари ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари яратилиши лозим.
- e) Мигрант хотин-қизларнинг бедарак йўқолиб қолиш ҳолатларини қайд этиш, уларни кузатиб бориш, бедарак йўқолган мигрантларни қидираётган шахсларга ахборот ва бошқа ёрдам кўрсатиш зарур.

Аёллар миграцияси билан боғлиқ мураккаб муаммоларни ўрганиш унга қаратилган ечимларнинг ажралмас қисмидир – шунинг учун тегишли сиёсатлар устида ишлаш жараёнида қандай маълумотларни ва қандай мақсадда ўрганиш кераклиги ва қандай жараёнларни кузатиш кераклиги ҳақида тушунча шакллантирилади, чунки, бу ўз навбатида, қабул қилинган қарорларни мониторинг қилиш бизга уларнинг ишини баҳолаш ва керак бўлганда тузатиш имконини беради. Шу тарзда, бу жараёнлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Шу маънода яхши стратегия аёллар миграцияси соҳасидаги сиёсат билан биргаликда янада такомиллаштириладиган мониторинг механизмининг тажриба версиясини ишга тушириш бўлиши мумкин.

Ўзбекистон асосан миграция контекстида мигрантларни чиқараётган давлат сифатида ўзига ўхшаш мамлакатлар тажрибасини ўз шароитига мослаштириши керакдек туюлади, аммо ички, шу жумладан меҳнат

миграцияси жараёнларини инобатга олган ҳолда, асосан қабул қилувчи мамлакатларда амалга оширилган дастурлар ҳам бу соҳада катта ёрдам бериши мумкин. Борилаётган мамлакатларнинг тажрибаси, умуман, мамлакатда аёлларнинг аҳволини яхшилашга ёндашувлар нуқтаи назаридан ҳам фойдалидир. Бундай давлатлар билан ҳамкорлик йўналишларини ўзбек аёлларининг аҳволи билан боғлиқ ҳолда муҳокама қилиш нуқтаи назаридан ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Барча ҳолларда халқаро тажриба шуни кўрсатадики, аёллар миграцияси соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш нодавлат сектори ва давлат ўртасида фаол ҳамкорликни, давлат ўз функцияларининг бир қисмини ННТга бериш, ННТ ўз вазифаларини самарали бажариши учун ҳам уларнинг мустақиллиги таъминлаш, уларга етарлича ваколат ва ресурслар бериш, уларни ҳимоя қилиш ва кафолатлашни талаб қилади.

4.3. МИГРАЦИЯ СИЁСАТИНИ БАҲОЛАШ УЧУН ГЕНДЕР КЎРСАТКИЧЛАРИ

Юқорида таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистонда миграция соҳасида комплекс чора-тадбирлар кўрилди, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, бандлик органлари тузилди, мигрантларнинг хабардорлигини ошириш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини сифатли мониторинг қилиш ва баҳолаш, шунингдек, динамик ўзгарувчан воқеликлар шароитида миграция сиёсатини ўз вақтида янгилаш энг муҳим вазифага айланди.

Бунда гендер жиҳатларига алоҳида эътибор берилиши зарур. Миграция жараёнларининг гендер таҳлили мавжуд вазият, муаммоларни тўлиқроқ тушуниш имконини беради ва миграция сиёсатини такомиллаштириш бўйича янада мақсадли ҳамда аниқ тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Халқаро миқёсда глобал даражада гендер ва халқаро миграция бўйича маълумотларнинг тўртта асосий манбаси мавжуд:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бошқармаси (БМТ ИИМБ) (2021) томонидан 1990-йиллардан 2019-йилгача бўлган даврда 232 та давлатдаги халқаро мигрантлар захираси ҳақидаги маълумотлар бир қанча демографик хусусиятларни, жумладан, жинс бўйича ахборотни ҳам ўз ичига олади.
2. Одам савдосига қарши курашиш бўйича глобал маълумотлар маркази (ХМГТ ва “Polaris” ташкилоти ҳамкорлиги) (2020); унда 2000-йиллардан 2020 йилгача бўлган даврда 164 мамлакатда 109 000 дан ортиқ одам савдоси ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар

мавжуд. У кўплаб қўшимча кўрсаткичларни, шу жумладан жинс бўйича ахборотни ўз ичига олади.

3. Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат миграцияси статистик маълумотлари (2020) 1991 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда 188 та давлатдаги халқаро меҳнат мигрантларининг захиралари ва оқими тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади. Ушбу маълумотлар базасида бир қанча ижтимоий-демографик кўрсаткичлар, жумладан, жинс бўйича ахборот мавжуд.
4. Ниҳоят, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочқинлар масалалари бўйича Олий комиссарлиги бошқармасининг (БМТ ҚМОКБ) қочқинлар бўйича маълумотлар базаси 1951 йилдан 2019 йилгача 232 мамлакатда қочқинлар, бошпана изловчилар ва бошқа мажбурий кўчирилган гуруҳлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади¹¹⁵.

Шунга ўхшаш маълумотлар базалари миллий даражада зарурдир.

Гендер таҳлилини ўтказиш учун аниқ ишлаб чиқилган гендер кўрсаткичлари керак бўлади. Тўғри танланган кўрсаткичлар аниқроқ статистик маълумотларни тўплашга ёрдам беради. Ишончли ва бузиб кўрсатилмаган статистик маълумотлар миграция сиёсати соҳасида тўғри қарор қабул қилишнинг муҳим шартидир. Олдин муҳокама қилинган Миграция бўйича глобал келишувда таъкидланганидек, хавфсиз миграцияга эришиш далилларга асосланган сиёсатни ишлаб чиқиш учун асос сифатида аниқ ва ажратилган маълумотларни тўплаш ва улардан фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Юқорида муҳокама қилинган халқаро ҳужжатларга асосланиб, миграция сиёсатининг гендер сезгирлигини баҳолаш учун қуйидаги гендер кўрсаткичларига эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Гендернинг сифат кўрсаткичлари:

- қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда гендер жиҳатларига оид алоҳида қоидаларнинг мавжудлиги;
- мигрантлар тўғрисида миграция сиёсатининг гендер жиҳатларини ҳисобга олувчи ягона маълумотлар базаси мавжудлиги;
- миграция сиёсатининг гендер жиҳатларига оид қоидаларни ўз ичига олган миграция масалалари бўйича келишувларнинг мавжудлиги;
- миграция ва гендер тенглик бўйича халқаро шартномаларда иштирок этиш;
- миграция сиёсатига гендер истиқболларини киритиш бўйича кенг қамровли стратегия ва йўл харитаси ҳамда мувофиқлаштирувчи орган мавжудлиги;

¹¹⁵ Гендер ва миграция тўғрисидаги маълумотлар: Ҳақиқий маълумотлар асосида ва гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда миграцияни бошқариш бўйича қўлланма. ХМГТ, Женева, 2021 йил.// <https://publications.iom.int/system/files/pdf/Gender-and-Migration-Data-RU.pdf>

- миграция сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи барча тузилмалар – бандлик агентликлари, маслаҳат хизматлари, дипломатик ва консуллик хизматлари учун гендер стратегияларининг мавжудлиги;
- миграция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланувчи тузилмаларда гендер масалалари бўйича бўлим ёки ходимларнинг бориши;
- меҳнат мигрантлари бўлган аёллар учун тиббий суғурта дастурларининг жорий қилинганлиги.
- миграция сиёсатининг гендер жиҳатлари бўйича тадбирлар учун етарли маблағнинг мавжудлиги ва ажратилиши.
- миграция сиёсатининг гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда миграция масалалари бўйича турли тузилмалар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг мувофиқлаштирилган дастурлари борлиги.
- мигрантларнинг эҳтиёжларини ва гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг бошқа миллий ривожланиш стратегияларига (таълим, бандлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, гендер тенглик ва бошқалар) мигрантлар тўғрисидаги қоидаларни киритиш;
- маҳаллий ҳокимият органлари, хусусий сектор ва ННТни гендерга нисбатан сезгир миграция сиёсатини амалга оширишга жалб этиш;

Гендернинг миқдорий кўрсаткичлари:

- Мигрантларга тааллуқли (шу жумладан, уларнинг хабардорлик ва хавфсизлик даражасини баҳолаш учун):
 - мигрантлар орасида аёллар ва эркеклар нисбати, минтақа, ёши, таълим даражаси, касби, улар боришни хоҳлаётган мамлакатлар ва бошқалар бўйича.
 - оиласи билан ва оиласиз қўчиб юрган мигрантлар сони.
 - миграциядан олдинги тайёргарликдан ўтган мигрантлар сони;
 - қайтган мигрант аёллар ва эркеклар сони;
 - бандлик органларига мурожаат қилган аёллар ва эркеклар сони;
 - дипломатик ва консуллик хизматларига мурожаат қилган ва ёрдам олувчи аёллар ва эркеклар сони;
 - миграция масалалари бўйича маҳаллий ҳокимият органларига мурожаат қилган аёллар ва эркеклар сони;
 - бедарак йўқолган мигрантлар сони, жинс кесимида;
 - мигрантлар ўлими сони, жинс кесимида;
 - жиноий жавобгарликка тортилган мигрантлар сони, жинс кесимида.
 - одам савдосидан жабрланганлар сони (ноқонуний меҳнат миграцияси оқибатларидан бири сифатида);
 - депортация қилинган мигрантлар сони, жинс кесимида.
 - мигрантлардан пул ўтказмалари сони, жинс кесимида.

- миграция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этувчи тузилмалар ва бошқа тузилмаларга тааллуқли:
 - ушбу тузилмалар ходимлари ўртасида гендер мувозанати;
 - миграция сиёсати соҳасида раҳбарлик лавозимларида ва қарорлар қабул қилиш даражасида аёлларнинг вакиллиги.
 - гендер масалалари бўйича ўқув курсларида ўқиган ходимлар сони;
 - миграция сиёсатини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ННТ, шу жумладан аёллар ННТлари.
- ахборот ва таълим дастурларига тааллуқли (чунки келиб чиқиш мамлакатининг асосий вазифаси мигрантларга маълумот беришдир):
 - миграция сиёсатининг гендер жиҳатлари бўйича мигрантлар учун ўтказилган ахборот-маърифий тадбирлари сони;
 - миграция сиёсатининг гендер жиҳатлари бўйича мутахассислар/маслаҳатчилар/экспертлар учун ўтказилган ахборот-маърифий тадбирлар сони;
 - миграция сиёсатининг гендер жиҳатлари бўйича мигрантлар учун нашрлар ҳисобланувчи китоблар, рисоалар, ахборотномалар сони;
 - ОАВ, веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқларда миграция сиёсатининг гендер жиҳатларига оид нашрлар сони, шунингдек, энг оммабоп манбаларни аниқлаш учун кўришлар сони.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, ушбу кўрсаткичлар халқаро шартномалардан келиб чиқади ва рўйхат мажбурий эмас ва мажбурийлиги тавсия этилмайди. У миграция сиёсатининг гендер сезгирлигини баҳолаш учун гендер кўрсаткичларининг мақбул тўпламини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиш учун ва фақат шу мақсадда тузилган. Бу рўйхат қисқартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

Ушбу кўрсаткичлар рўйхати миграция сиёсатини мониторинг қилиш ва унинг гендер сезгирлигини баҳолаш учун анкеталарни ишлаб чиқишда ҳам ҳисобга олиниши мумкин.



5-БОБ.

**ЎЗБЕКИСТОН МИГРАЦИЯ СИЁСАТИНИ
ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРНИ ҲИСОБГА
ОЛГАН ҲОЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

фуқароларини ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Германия, Япония ва БААда ҳам худди шундай марказлар очиш режалаштирилган. Хориждаги ватандошларга ёрдам бериш учун жами 200 миллион АҚШ доллари ажратилади¹¹⁷.

Бу миграция қонунчилигини ва миграция сиёсатини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Шунинг учун 2030 йилгача миграция сиёсатини ривожлантириш бўйича аниқ ишлаб чиқилган Концепция керак бўлади. Рақамли иқтисодиётга ўтиш ва бошқа туб ўзгаришлар шароитида қонунларни қабул қилиш қийин, бундай шароитда маълум давр учун Ривожлениш концепцияси ва йўл хариталарини қабул қилиш янада мақбул чора ҳисобланади.

Таклиф этилаётган Концепцияда, биринчи навбатда, миграция сиёсатининг ҳуқуқий асослари, шу жумладан, гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, Миграция сиёсати тўғрисидаги кодексни қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Гендер жиҳатларни таъминлаш учун миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар учун гендерга сезгир ахлоқ кодексини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Кейин эса, миграция сиёсатини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш зарур. Шу билан бирга, миграция масалалари билан шуғулланувчи тузилмаларда гендер мувозанатини таъминлаш, яъни миграция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хотин-қизларнинг иштирокини таъминлаш ҳам унинг йўналишларидан бири бўлиши керак. Яна бир йўналиш – миграция жараёнларини бошқариш ва мувофиқлаштириш воситаси, шунингдек, мулоқот ва мигрантларнинг ўз ҳуқуқларидан хабардорлигини ошириш воситаси сифатида рақамли технологияларни жорий этишдир.

Мутахассислар ва аҳоли ўртасида миграция масалалари бўйича хабардорликни ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мутахассислар миграция соҳасидаги илғор тажрибалар ва янги тенденциялар ҳақида маълумотларни аҳолига етказишлари зарур. Мигрантлар ҳуқуқларининг бузилиши хавфини камайтириш учун миграциядан олдин улар алоҳида курсларда ўқитилиши керак.

Кўрилаётган барча чора-тадбирлар мониторингини олиб бориш, соҳани ривожлантириш стратегиясини ўз вақтида тузатиш ва янгилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Миграция сиёсатини баҳолаш учун тегишли индикаторлар, жумладан, гендер кўрсаткичларини ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, борилаётган мамлакатлари билан икки томонлама алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, улар билан мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича шартномалар тузишга катта эътибор қаратиш лозим.

¹¹⁷ Хориждаги ўзбекистонликларга \$200 млн ажратилади// <https://www.spot.uz/ru/2023/06/23/migrants-assistance/>

2030 йилгача миграция сиёсатини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда миграция жараёнларига таъсир этувчи барча хавф ва омиллар хусусан, миграция оқимининг чекланишига олиб келадиган **пандемия хавфи**, мигрантлар меҳнатига бўлган талабни камайтириши мумкин бўлган **иқтисодий инқирозлар**, мигрантлар учун ҳам янги таҳдидлар, ҳам янги имкониятлар яратувчи **рақамлаштириш**, бутун дунёда гендер сиёсатининг кучайиши туфайли миграция жараёнларининг кучайишига сабаб бўлган феминизация ва мигрантлар оқимининг йўналишини белгиловчи омил ҳисобланувчи экологик ёки иқлим инқирозини ҳисобга олиш керак бўлади. Ҳар қандай тизимнинг барқарорлиги унинг турли хил инқирозлар шароитига қанчалик чидамли бўлишига боғлиқ. Шу боис барча эҳтимолий хавф ва таҳдидларни ҳисобга олиш, ҳар қандай шароитда ҳам мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, мигрантларнинг ҳимояга муҳтож тоифаларига, шу жумладан хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки тизимнинг самарадорлиги ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларнинг қай даражада ҳимояланганлигига қараб баҳоланади.

5.2. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА МИГРАЦИЯ СИЁСАТИДА ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ МИГРАЦИЯ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

а) Рақамли технологиялар миграция жараёнларини бошқариш ва миграция сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида

Бугунги кунда рақамли технологиялар давлат сиёсатининг барча соҳаларидаги ҳаракатларни амалга оширишнинг энг муҳим воситасига айланди. Миграция сиёсати ҳам бундан мустасно эмас. Амалиёт шуни кўрсатадики, рақамли технологиялар туфайли миграцияни давлат томонидан бошқариш самарадорлиги ва миграция соҳасида давлат назорати самарадорлиги ахборот технологияларидан кенг миқёсда қўлланилиши ҳисобига оширилмоқда, миграция қоидалари соддалаштирилмоқда ва унификация қилинмоқда, мигрантларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилмоқда, хизматлар кўрсатиш қулайлаштирилмоқда, ноқонуний ва яширин вақтинчалик меҳнат миграцияси ва улар билан боғлиқ салбий таъсирлар даражасини камайтириш учун шароитлар яратилмоқда. Миграция жараёнларини бошқаришда рақамли технологиялар алоҳида аҳамиятга эга.

Бу борада Европа давлатларининг тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Масалан, Европада 1990 йилги Шенген конвенциясига мувофиқ яратилган ва 1995 йилда иш бошлаган **Шенген ахборот тизими (Schengen Information System – SIS)** рақамли чегара хавфсизлиги тизимида марказий ўринни эгаллайди. SIS маълумотлар базасида сақланувчи маълумотлар одамларнинг ташқи чегаралар орқали ёки аъзо давлатлар ҳудуди ичида ҳаракатланиши, шунингдек, визалар ва яшаш учун рухсатномалар беришни назорат қилиш учун қўлланилади. Биометрик маълумотлар ҳам кимнингдир шахсини тасдиқлаш, ҳам шахсларни аниқлаш учун ишлатилиши мумкинлиги сабабли, SIS тизимида нафақат чегара назорати, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳам маълумот сўраш ёки бедарак йўқолганлар ҳақидаги огоҳлантиришларни кўриб чиқиш, шунингдек, жиноий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ шахслар ёки объектлар ҳақида аризалар мавжуд.

SIS тизимига қўшимча равишда, бармоқ излари маълумотлар базаси ҳисобланган **EURODAC (European Dactyloscopy)** мавжуд. EURODAC фойдаланиш кўламини ноқонуний мигрантларнинг биометрик маълумотларидан фойдаланган ҳолда кенгайтириш Европа Иттифоқида ноқонуний равишда юрган одамларни аниқлаш ва уларнинг қайтишини осонлаштириш имконини беради.

Ташқи чегараларни бошқаришнинг яна бир элементи Шенген мамлакатлари ўртасида виза маълумотларини алмашиш учун мўлжалланган **Виза ахборот тизимидир (Visa Information System – VIS)**. VIS марказий ахборот тизими ва миллий тизимларига уланган алоқа инфратузилмасини ўз ичига олади. VIS маълумотлар базасида Шенген ҳудудига ташриф буюриш ёки транзит қилиш учун қисқа муддатли виза олиш учун аризалар бўйича қабул қилинган қарорлар сақланади. Бармоқ излари ёрдамида амалга ошириладиган идентификация ва шахсни текшириш воситаси Шенген мамлакатлари ҳудудида ҳужжатсиз ёки сохта ҳужжатлар билан бўлган шахсларни аниқлаш имконини беради.

Яна қуйидаги икки қўшимча ахборот тизимини ишга тушириш режалаштирилган: Учинчи мамлакатлардан келган саёҳатчиларни рўйхатга олиш учун автоматлаштирилган ахборот тизими ҳисобланувчи Кириш/Чиқиш тизими (Entry / Exit System – EES) ва Европа саёҳатчилар ҳақидаги маълумот ва авторизация тизими (European Travel Information and Authorization System – ETIAS) – хавфсизлик, ноқонуний миграция ёки визасиз кўчиб юришлар билан боғлиқ эпидемиялар тарқалишини баҳолаш учун ахборот тизими¹¹⁸.

Рақамли технологиялар, шунингдек, миграция жараёнларини прогноз қилишга ёрдам беради. Катта ҳажмдаги маълумотларнинг истиқболли манбаларидан бири ижтимоий тармоқлар бўлиб, 2020 йилда бутун дунё бўйлаб фаол фойдаланувчилар сони 4,2 миллиардга етди, шундан 2,9 миллиарди Facebook фойдаланувчилари ҳиссасига тўғри келади.

¹¹⁸ Алексеев Д. Цифровизация миграционной политики ЕС в контексте секьюритизации миграции [Миграцияни хавфсиз қилиш бўйича Европа Иттифоқининг миграция сиёсатини рақамлаштириш] // Томск давлат университети ахборотномаси. 2022. № 480. 63–72-бетлар.

Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг ўзлари тақдим этган маълумотларга, жумладан, уларнинг ҳозирги геолокациясига асосланиб, халқаро миграция оқимларининг ҳажмини ёши, жинси, касбий маҳорати ва нималарни афзал кўришлари бўйича баҳолаш мумкин. Шундай қилиб, Facebook маълумотлари бутун дунё бўйлаб мигрантлари сонини кузатиш учун фойдаланилган ва Колумбия ва Испаниядаги венесуэлалик мигрантлар ва қочқинлар сонининг кўпайишини муваффақиятли прогноз қилган, бу расмий статистик маълумотлар билан тасдиқланган¹¹⁹.

Миграцияни прогноз қилишнинг яна бир воситаси – бу Google қидирув сўровларини таҳлил қилишдир. Мигрантлар саёҳатга тайёргарлик кўриш ёки саёҳат пайтида Интернетдан фойдаланишлари мумкин, шунинг учун қидирув маълумотларини таҳлил қилиш миграция режалари ва амалиётлари ҳақида маълумот олишнинг эҳтимолий самарали усули бўлиши мумкин. Миграция оқимларини прогноз қилиш учун Google Trends иловасидан фойдаланган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Мисол учун, Google Trends сўровлари ва Лотин Америкасидан Испанияга миграция оқимлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Интернет қидирув сўровлари кейинги миграция оқимлари ҳақидаги маълумотлар билан боғлиқ бўлар экан¹²⁰.

Миграцияни ўрганиш ва прогноз қилиш лойиҳаларида сунъий интеллект (СИ) ҳам қўлланилади. Масалан, БМТ ҚМОКБнинг Jetson лойиҳаси доирасида СИдан Сомалига кутилаётган миграция оқимининг қисқа муддатли прогнозлари, масалан, товарлар нархи, ёғингарчилик ва зўравонлик можаролари каби асосий ўзгарувчиларга асосланган индекс ишлаб чиқаришда қўлланилади¹²¹.

Шу тарзда, рақамли технологиялар миграция жараёнларини самарали бошқаришга ёрдам бериши мумкин. Бу миграция сиёсати, мобил иловалар, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларни бошқариш, шунингдек, уларни тизимли ва даврий таҳлил қилиш, шу жумладан гендер таҳлили, яъни мигрантлар маълумотларини жинс кесимида ўрганиш учун махсус рақамли платформалар яратиш зарурлигини билдиради.

Дунёда рақамли иқтисодийётга ўтиш шароитида миграция сиёсатини бошқариш тизимига рақамли технологияларни жорий этиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, бу нафақат қабул қилувчи давлатлар, балки мигрантлар чиқиб келаётган мамлакатлар учун ҳам муҳимдир, чунки мигрантлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш қабул қилувчи мамлакат ва улар чиқиб келаётган мамлакат ўртасидаги яқин ҳамкорликда мумкин.

¹¹⁹ Алексеев Д. Цифровизация миграционной политики ЕС в контексте секьюритизации миграции [Миграцияни хавфсиз қилиш бўйича Европа Иттифоқининг миграция сиёсатини рақамлаштириш] // Томск давлат университети ахборотномаси. 2022. № 480. 63–72-бетлар.

¹²⁰ Алексеев Д. Цифровизация миграционной политики ЕС в контексте секьюритизации миграции [Миграцияни хавфсиз қилиш бўйича Европа Иттифоқининг миграция сиёсатини рақамлаштириш] // Томск давлат университети ахборотномаси. 2022. № 480. 63–72-бетлар.

¹²¹ Алексеев Д. Цифровизация миграционной политики ЕС в контексте секьюритизации миграции [Миграцияни хавфсиз қилиш бўйича Европа Иттифоқининг миграция сиёсатини рақамлаштириш] // Томск давлат университети ахборотномаси. 2022. № 480. 63–72-бетлар.

Рақамли технологиялар ва мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: устувор жиҳатлар ва хавфлар

Замонавий дунёда мигрантлар ва қочқинлар рақамли дунёни фаол ўрганмоқдалар, ҳуқуқий, ижтимоий ва тиббий ёрдам олиш, жамият билан алоқа ўрнатиш, иш ва таълим имкониятларини топиш учун онлайн ресурсларга мурожаат қилмоқдалар.

Рақамли технологиялар мигрантларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва умуман миграция сиёсати ҳақида хабардорлигини оширишга кўмаклашади.

Худди шу жараённинг салбий томони – кибермаконда ноқонуний мигрантларга мезбон давлатнинг бошқарув тизимларидан қочиб, “яширин ҳудуд”да яшаш ва ишлашга ёрдам берувчи ахборот-коммуникация экотизимларининг пайдо бўлишидир¹²².

Бундан ташқари, технологиянинг жадал ривожланиши бутун дунё бўйлаб бандлик ва миграцияга катта таъсир кўрсатади. XXI асрдаги саноат инқилобии фаол равишда рақамлаштириш, сунъий интеллект ва биотехнологияларни жорий этиш билан тавсифланади. Жараёнлар ўта жадал ривожланиб, бир-бири билан тўқнашиб, бир-бирига қўшилиб бормоқда. Янги технологиялар ва уларнинг асосидаги рақамлаштириш меҳнат жараёнини ўзгартирмоқда, меҳнат бозорига янги талабларни қўймоқда, уни ўзгартирмоқда.

Рақамли технологияларнинг фаол ривожланиши ва меҳнат бозоридаги ўзгаришлар туфайли мигрантларга қўйиладиган талаблар ўзгариши ёки юқори малака талаб қилмайдиган кўпгина одатий ишларни рақамли технологияларга алмаштириш ҳисобига уларнинг меҳнатига талаб камайиши мумкин.

Шу сабабли, миграция сиёсатини рақамли технологияларни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Мигрантларнинг рақамли саводхонлигини ошириш зарур. Миграцияга тайёргарлик кўраётганда уларни нафақат қабул қилувчи давлатнинг қонунчилиги ҳақида маълумот бериш, балки миграция масалалари ва умумий тарзда, турли рақамли платформалардан фойдаланишни ўргатиш керак бўлади.

МАЪЛУМОТ УЧУН

(2023 йил
декабрь
ҳолатига кўра)

Айни пайтда Telegram ижтимоий тармоғида миграция масалалари бўйича бир нечта каналлар мавжуд:

– Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Telegram ижтимоий тармоғидадаги расмий канали. 100 мингдан ортиқ обуначилари бор. Маълумот ўзбек тилида тақдим қилинган.

¹²² Попова С.М. — Цифровизация миграционной сферы в России: состояние и перспективы [Россиядаги миграция соҳасини рақамлаштириш: жорий ҳолати ва истиқболлари] // Право и политика. – 2021. – № 9. DOI: 10.7256/2454-0706.2021.9.36488 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=36488

- МАЪЛУМОТ УЧУН** (2023 йил декабрь ҳолатига кўра)
- Migrant.uz ахборот-хизмати портали (t.me/migrantuz) – 33 мингдан ортиқ обуначиси бор. Маълумот ўзбек тилида тақдим қилинган. Миграция сиёсати ва мигрантларга оид янгиликлар ҳақида маълумот бериш.
 - MIGRATSIYA UZBEKISTAN (t.me/ MIGRATSIYA UZBEKISTAN) 48 мингдан ортиқ обуначилари бор. Маълумот ўзбек тилида тақдим қилинган. Миграция сиёсати ва мигрантларга оид янгиликлар ҳақида маълумот бериш. Янгиликларнинг аксарияти АҚШнинг “Грин карта”си билан боғлиқ.
 - Migration.uz.eps.go.kr. Korea mehnat uz (t.me/epskorea1) – 29 мингдан ортиқ обуначилари бор. Маълумот ўзбек тилида тақдим қилинган. Ундаги маълумотлар Кореядаги мигрантларга оид.
 - Migrant Mobile (t.me/migrant_mobile. uz). 25 мингдан ортиқ обуначилари бор. Маълумот ўзбек тилида тақдим қилинган. Маълумотлар асосан Россия Федерациясидаги мигрантларга тааллуқли.
 - Бу барча каналлар миграция сиёсатининг гендер жиҳатларига эътибор бермасдан, умумий маълумотлар тақдим қилади.

Гендер рақамли тафовутини бартараф этиш мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида

Юқорида қайд этилганидек, рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида мигрантларга қўйиладиган талаблардан бири рақамли технологиялардан фойдаланиш малакаси бўлиши мумкин. Келгусида рақамли технологияларни яхши биладиган мутахассисларга талаб ортади. Бундан ташқари, мигрантлар бошқа бандлик соҳаларида ишлаётган бўлса ҳам, рақамли саводхонликка эга бўлишини таъминлаш зарур. Чунки, рақамли технологиялар ахборот манбаи ва мигрантларни хабардор қилиш воситаларидан бири ҳисобланади.

Бироқ замонавий дунёда рақамли гендер тафовути муаммоси мавжуд. Шу билан бирга, БМТ резолюцияларида таълим, бандлик ва иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг бошқа соҳаларида хотин-қизларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши борасида **эркаклар ва аёллар ўртасида рақамли тенгсизликлар сақланиб қолаётгани** қайд этилган. Мисол учун, БМТ маълумотларига кўра, Интернетдан фойдаланиш имкониятига эга аёллар сони эркакларга қараганда 259 миллионга кам. Аёллар илм-фан, технология, муҳандислик ва математика соҳаларида

ишчи кучининг учдан бир қисмидан камроғини, сунъий интеллект соҳасида эса атиги 22 фоизни ташкил қилади. Антонио Гутерриш 2023 йилги Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган нутқида таъкидлаганидек, *“Аёллар рақамли дунёдан четда қолиши туфайли паст ва ўрта даромадли мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти сўнгги ўн йил ичида тахминан 1 триллион долларга камайди, бу йўқотиш 2025 йилга бориб 1,5 триллион долларгача ошиши мумкин”*. Шунингдек, бу миграция жараёнларига ҳам таъсир кўрсатади.

Рақамли технологиялар хотин-қизларга таълим, меҳнат ва бандлик, илм-фан соҳаларида янги имкониятлар яратмоқда. Шу билан бирга, мигрантларнинг келиб чиқиш мамлакати бўлган ривожланаётган мамлакатларда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мамлакатлар ўртасидаги рақамли тафовутни бартараф этиш барқарор ривожланишнинг энг муҳим шартидир. Қишлоқ аёллари ва хотин-қизларнинг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари – мигрантлар, ногиронлар ва бошқаларнинг АКТдан фойдаланишини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хотин-қизларнинг АКТдан фойдаланишини таъминлаш билан бирга, рақамли муҳитда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда онлайн муҳитда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кибержиноятларга қарши курашиш масалалари тобора ортиб бормоқда. Киберзўравонлик аёлларга нисбатан зўравонликнинг энг кенг тарқалган шаклларида бирига айланди. Масалан, тегишли тадқиқот натижаларига кўра, аёлларнинг 73 фоизи аллақачон у ёки бу шаклда онлайн зўравонликка дуч келган ёки уни бошидан кечирган. Бу, айниқса мигрант хотин-қизлар учун долзарбдир.

Шу тарзда, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида гендер тенглик соҳасида иккита вазифани ҳал қилиш муҳимдир:

- хотин-қизларнинг АКТ соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш;
- хотин-қизлар учун хавфсиз рақамли муҳитни таъминлаш.

Ушбу йўналишда ҳам Ўзбекистонда тегишли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қизлар учун АКТ соҳасида имкониятларни кенгайтириш мақсадида 2019 йил 19 август куни Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида **“IT WomenUz”** лойиҳасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу лойиҳанинг асосий мақсади хотин-қизларни IT соҳасида ўқитиш ва иш билан таъминлашдан иборат. 2022 йилнинг 1 апрелида **ITWomen.Uz** лойиҳасининг учинчи тўлқини ўз ишини бошлади. 2022 йил апрель ойида ITWomen.Uz лойиҳаси доирасида IT-академиясида **хотин-қизлар ва ёш авлоднинг малакасини ошириш учун IT-марказ** очилди.

2022 йилда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги IT-Парк билан ҳамкорликда аёлларни ахборот технологиялари соҳасига жалб этишга қаратилган **“Хотин-қизлар учун “GAP” IT-клуби”** лойиҳаси ташаббуси билан чиқди. Бу клубнинг асосий мақсади хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг IT-саводхонлигини ошириш ҳамда уларни шу соҳада ўқитиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Клуб

ташаббускорларининг мақсади IT-саноатда хотин-қизларнинг вакиллиги муаммосини бартараф этиш, IT-касбларини аёллар ва ёш қизлар учун очиқ ва қизиқарли қилиш, шу орқали бу соҳада гендер тафовутини камайтиришдан иборат. Келгусида бу клубни аёллар учун мулоқот майдонига айлантириш режалаштирилган, унда иштирокчилар ўзаро фикр алмашишлари, тармоқ яратиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ҳамфикр аёлларни топишлари мумкин бўлади.

Юқоридаги чора-тадбирларнинг қабул қилиниши давлат сиёсатининг барча соҳаларига гендер истиқболлари жорий қилинаётганлигини кўрсатади. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол ва реал иштирокини, миграция жараёнларида фаол қатнашишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.



ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг миграция сиёсатини янада такомиллаштиришда миграция жараёнларига таъсир этувчи барча хавф ва омилларни ҳисобга олиш муҳим, деган хулосага келиш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, бундай хавф ва таҳдидларга миграция оқимининг чекланишига олиб келувчи **пандемия хавфи**, мигрантлар меҳнатига бўлган талабни камайтириши мумкин бўлган **иқтисодий инқирозлар**, мигрантлар учун ҳам янги таҳдидлар, ҳам янги имкониятлар яратувчи **рақамлаштириш**, бутун дунёда гендер сиёсатининг кучайиши туфайли миграция жараёнларининг кучайишига сабаб бўлган **феминизация** ва мигрантлар оқимининг йўналишини белгиловчи омил ҳисобланувчи **экологик ёки иқлим инқирози** кабиларни киритиш мумкин. Бунда, мигрантларнинг ҳимояга муҳтож тоифаларига, шу жумладан хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки тизимнинг самарадорлиги ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларнинг қай даражада ҳимояланганлигига қараб баҳоланади.

Миграция сиёсатида гендер жиҳатларини ҳисобга олиш миграция сиёсатининг энг муҳим тенденцияларидан бири бўлиб, бу тенденция халқаро стандартлар ва хорижий қонун ҳужжатларида тобора кенг тарқалмоқда. Мазкур жараён Ўзбекистоннинг миллий қонунчилиги ва миграция соҳасидаги икки томонлама шартномаларида ҳам ўз аксини топиши керак.

Шу билан бирга, мигрантларни яхшироқ ҳимоя қилиш учун ҳам борилаётган, ҳам чиқиляётган мамлакат томонидан бир-бирини тўлдириб, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга ҳаракат қилиш зарур. Миграция бандлик ва ишга жойлаш масалаларини ҳал этишга ёрдам берувчи, ишчи кучи ҳам ортиқча бўлган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим. Ўзбекистондан кетаётган мигрантлар оқими мигрантлар ҳуқуқлари ҳимояси юқори даражада бўлган мамлакатларга йўналтирилишини таъминлаш катта аҳмиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг миграция сиёсатини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

қонунчилик ва институционал асослар/механизмлар соҳасида:

- “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;
- миграция қонунчилигини кодификация қилиш ва Миграция кодексини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш;
- 2030 йилгача миграция сиёсатини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқиш;
- миграцияга оид барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга гендер тенглик тўғрисидаги қоидаларни киритиш;
- миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар ва хориждаги бандлик агентликлари учун гендерга сезгир ахлоқ кодексини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш;
- миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар ва хориждаги бандлик агентликлари учун гендер стратегияларини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш.

- миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар ва хориждаги бандлик агентликларида гендер мувозанатини таъминлаш;
- миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар ва хориждаги бандлик агентликлари ходимлари учун гендер тенглик масалалари бўйича мажбурий курсларни жорий этиш;
- таълим ва экологик миграцияда гендер жиҳатларини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратиш.

халқаро ҳамкорлик соҳасида:

- мигрантларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминловчи давлатлар билан миграция масалалари бўйича икки томонлама ҳамкорлик шартномаларини тузиш масаласи устида ишлаш. Шартномаларга гендер жиҳатларни ҳисобга олувчи қоидаларни киритиш.
- ХМТнинг 1949 йилдаги Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 97-сонли конвенцияси (қайта кўриб чиқилган) ва 1975 йилдаги Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 143-сонли конвенциясини (қўшимча қоидалар) ратификация қилиш масалаларини кўриб чиқиш;
- миграция соҳасидаги аксарият халқаро ҳужжатларда қабул қилувчи давлатларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилганлиги сабабли, ХМТнинг Мигрантлар келиб чиқиш мамлакатлари мажбуриятлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш ташаббусини илгари суриш. Гендер тенглик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш.
- тажриба алмашиш учун мигрантлар келиб чиқиш мамлакатлари иттифоқи/форуми/мулоқотини яратиш ташаббусини илгари суриш.

мигрантларнинг хабардорлигини ошириш соҳасида:

- хорижий давлатлар, айниқса, мигрантлар оқими энг фаол бўлган чет мамлакатларнинг миграция қонунчилиги бўйича маълумотнома тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Мигрант аёллар муаммолари ва миграциянинг гендер жиҳатларига алоҳида боб ажратиш. Ушбу ахборотномадан электрон шаклда фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.
- миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар ва хориждаги бандлик агентликлар ходимлари учун миграция сиёсатини амалга оширишда гендер жиҳатларини ҳисобга олиш бўйича услубий қўлланма тайёрлаш;
- мигрантлар фойдаланиши учун қулай бўлган рақамли платформалар ва мобил иловалар ишлаб чиқиш. Шу билан бирга, уларда гендер жиҳатларини ҳисобга олишни таъминлаш муҳимдир.

саъй-ҳаракатларни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш учун:

- миграция сиёсатини мустақил мониторинг қилишда ННТнинг фаол иштирок этишини таъминлаш;

-
- миграция сиёсатининг гендер сезгирлигини баҳолаш учун гендер қўрсаткичларининг таклиф этилаётган рўйхатини тасдиқлаш;
 - миграция оқимлари ва уларнинг самарали мониторинги бўйича тўлиқ маълумот олиш учун, гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, миграция сиёсатининг рақамли интерактив харитасини ишлаб чиқиш. Бундай харита нафақат мониторинг ва кузатиш, балки миграция жараёнларини бошқариш учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

ГЛОССАРИЙ

I – БЛОК

1. **Гендер** – эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий йўллар, масалан меъёрлар, роллар ва улар ўртасидаги муносабатлар орқали орттирилган жихатларни тавсифлаш учун қўлланилувчи тушунча. Гендер кутилмалари турли маданиятларда турлича бўлиб, вақт ўтиши билан улар ўзгариши мумкин.
2. **Гендер тенглик** – кишиларга жинсидан қатъи назар ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ва маданий соҳаларида ўз қобилиятларидан эркин фойдаланиш имконини берувчи, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқий мақоми ва уни амалга ошириш учун тенг имкониятлари.
3. **Гендер асосида камситиш** – жинсга қараб шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чекловчи ҳар қандай фарқ, истисно ёки афзаллик; у сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ёки жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини тан олиш, ундан фойдаланиш ёки амалга оширишни заифлаштириш ёки маҳрум қилишга қаратилган бўлади. Ўзбекистон қонунчилигида гендер камситишнинг 2 шакли келтириб ўтилган:
 - 3.1 **Жинс бўйича бевосита камситиш** – жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;
 - 3.2 **Жинс бўйича билвосита камситиш** – бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш;
4. **Гендер зўравонлик** – бу шахс ёки одамлар гуруҳига уларнинг ҳақиқий ёки идрок этилган биологик жинси, гендер мансублиги, ўзининг қайси гендерда деб билиши ёки эркаклик ёки аёлликни белгиловчи ижтимоий меъёрлардан фарқига қаратилган ҳар қандай зарар етказиш таҳдиди ёки зўравонлик ҳаракатидир. Гендер асосидаги зўравонлик жисмоний, жинсий, руҳий, иқтисодий ва ҳиссий зўравонликни ўз ичига олиши мумкин. Бунга тизимли гендер тенгсизлиги, мажбурий назорат ва кучларнинг номутаносиблиги сабаб бўлади.

Шу билан бирга, кўплаб халқаро ҳужжатларда “хотин-қизларга нисбатан зўравонлик” тушунчаси мустақамланган бўлиб, у “хотин-қизларга жисмоний, жинсий ёки руҳий зарар ёки азобларга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, жинсий белгисига кўра ҳар қандай зўравонлик ҳаракати, шунингдек, хотин-қизларга бундай ҳаракатлар билан таҳдид қилиш, уларнинг ижтимоий ёки шахсий ҳаётида мажбурий ёки ихтиёрий озодликни чеклаш ҳаракатлари”.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида **зўравонликнинг** қуйидаги кўринишлари келтириб ўтилади:

жинсий зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

жисмоний зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли;

иқтисодий зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

руҳий зўравонлик – хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

5. **Гендер сиёсати** – жамият ҳаётининг барча жабҳаларида эркалар ва аёлларнинг ҳуқуқлари, имтиёзлари, мажбуриятлари ва имкониятлари тенглигига эришишга қаратилган, жинсга қараб камситишни бартараф этиш мақсадида амалга ошириладиган фаолият.

6. **Гендер кўрсаткичлари** (гендерга сезгир кўрсаткичлар) – жамиятда маълум вақт давомида содир бўлаётган гендер бўйича аҳамиятли

ўзгаришларни умумлаштириш учун миқдорий ва сифат кўрсаткичларидан фойдаланадиган кўрсаткичлар ёки ўлчовлар.

7. **Гендер статистикаси** – давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми;
8. **Гендерга доир комплекс ёндашув** – давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз фаолиятини, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришни хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этиш.
9. **Миграция сиёсатида гендер муаммосини / гендержиҳатларни ҳисобга олиш** – гендер сиёсатинини ишлаб чиқишда, режалаштиришда ва қарорлар қабул қилишда аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам қарашлари, тажрибалари, билимлари ва манфаатлари тўлиқ ҳисобга олиниши.

II-БЛОК

1. **Миграция** – одамларнинг бир ҳудуддан (давлатдан) бошқа давлатга, кўп ҳолларда катта гуруҳларга бўлинган ҳолда ва узоқ масофаларга кўчиб ўтиши.
2. **Мигрант** Юридик жиҳатдан яқиний келишилган таъриф йўқ, аммо Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мигрант сўзига “миграция сабаблари (ихтиёрий ёки ғайриихтиёрий) ва миграция усуллари (қонуний ёки ноқонуний) қатъи назар, чет давлатда бир йилдан ортиқ истиқомат қилувчи шахс”, деб таъриф беради.
3. **Миграция сиёсати** – бу давлат ва жамоат институтлари томонидан аҳоли миграциясини тартибга солишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. У халқаро шартномалар, миллий қонунчилик, ҳукумат ёки ваколатли органлар қарорларига таянади.
4. **Ноқонуний миграция** – бу давлатлар учун, айниқса, халқаро миграция соҳасида жиддий муаммоларни келтириб чиқарувчи миграция тури. Мамлакатга ноқонуний кириш, мамлакатда ноқонуний тарзда бўлиб туриш ёки у ёки бу мамлакатга қонуний кириб, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда у мамлакат ҳудудидан чиқиб кетмаслик ноқонуний миграциянинг элементларидир.

-
5. **Таълим миграцияси** – бу турли даражаларда ва турли муддатлардагитаълимни олиш учун одамларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб ўтиши.
 6. **Меҳнат миграцияси** – бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида маъмурий-ҳудудий тузилмалар орасида ҳаракатланиши.
 7. **Экологик миграция** – бу атроф-муҳит омиллари, жумладан, табиий ва техноген офатлар билан боғлиқ бўлган аҳоли миграцияси жараёни. Ҳозирги вақтда экологик миграция муаммосига эътибор кам қаратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриги. . [Электрон ресурс] URL: <https://e-cis.info/news/566/96805/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи [Электрон ресурс] URL: <https://e-cis.info/news/566/94827/>

Халқаро шартномалар

1. Хавфсиз, тартибли ва мунтазам миграция бўйича Глобал келишув (A/RES/73/195). Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N18/452/02/PDF/N1845202.pdf?OpenElement>
2. Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1990 й.) Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant.shtml
3. 2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган Қочқинлар ва мигрантлар тўғрисидаги Нью Йорк декларацияси. Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://refugeesmigrants.un.org/ru/declaration>
4. ХМТнинг 1949 йилдаги Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 97-сонли конвенция (қайта кўриб чиқилган), Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://docs.cntd.ru/document/1901043>
5. ХМТнинг 1975 йилдаги Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 143-сонли конвенция (қўшимча қоидалар). Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-ed_norm/--normes/documents/normativeinstrument/wcms_c143_ru.htm
6. Меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги Европа конвенцияси (1977 й). Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://rm.coe.int/168007733d>
7. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларидаги меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги конвенция, 2008 йил 14 ноябрь Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://docs.cntd.ru/document/902305481>
8. Меҳнат мигрантлари масаласи бўйича 26-сонли умумий тавсиянома. Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://>

-
- tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=r
u&TreatyID=3&DocTypeID=11
9. Глобал миграция шароитида хотин-қизлар савдоси бўйича 38-умумий тавсия (2020 й.). Бу ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N20/324/47/PDF/N2032447.pdf?OpenElement>
 10. БМТ Бош Ассамблеяси. Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича миллий институтларнинг мақоми билан боғлиқ тамойиллар [Париж тамойиллари]. Бош Ассамблеянинг 1993 йил 20 декабрдаги 48/134-сонли резолюциясига илова. Бу ҳужжат билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/TreatyBodyExternal/Download.aspx?symbolno=CAT/OP/12/5&Lang=en. Охириги кирилган сана: 02.07.2023 й.
 11. Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси. Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг аъзо давлатларга мухторлик жиҳатлари, шаклланиш усуллари, шунингдек, кўп тармоқлилиқ ва мақбул инсон ва молиявий ресурслари борасида самарали, кўпёқламаликка асосланган ва мустақил миллий инсон ҳуқуқлари институтларини яратиш ва мустаҳкамлаш борасидаги CM/Rec(2021)1-сонли тавсияси; (Вазирлар қўмитаси томонидан 2021 йил 31-мартда вазир ўринбосарлари даражасидаги 1400-йиғилишда қабул қилинган). Бу ҳужжат билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: https://search.coe.int/cm/pages/result_details.aspx?objectid=0900001680a1f4da. Охириги кирилган сана: 02.07.2023 й.
 12. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. БМТ Қийноқларга қарши қўмитасининг Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларининг олдини олиш қўйи қўмитаси. Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларининг олдини олиш қўйи қўмитасининг миллий превентив механизмлари бўйича йўриқномаси, CAT/OP/12/5, Ҳн иккинчи сессия, Женева, 2010 йил 15-19 ноябрь. Бу ҳужжат билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <http://docstore.ohchr.org/SelfServices/FilesHandler.ashx?enc=6QkG1d%2FPPRiCAqhKb7yhsquBIBC PFD%2BXLNadyD9hiZ4SGqsp7QTyjY12aNwfi3Cc9yU1hb9DYFy84P2F8ab ZAmNyWupt03X3cbTr9u3vsY854aq5UYsvMrbzykPIRvo>. Охириги кирилган сана: 02.07.2023 й.

Миллий қонунчилик

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-149-сонли “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини

қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5893253>

2. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси // СҚ-297-IV-сон 28.05.2021. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида (lex.uz).

Халқаро тузилмалар маърузалари

1. Гендерга нисбатан сезгир меҳнат миграцияси сиёсатини амалга ошириш бўйича қўлланма. ЕХХТ, 2009.
2. БМТ Бош котибининг миграция масалалари бўйича махсус вакили маърузаси. 2017. <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N17/002/22/PDF/N1700222.pdf?OpenElement>
3. Гендер ва миграция тўғрисидаги маълумотлар: Ҳақиқий маълумотлар асосида ва гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда миграцияни бошқариш бўйича қўлланма. ХМГТ, Женева, 2021 йил.// <https://publications.iom.int/system/files/pdf/Gender-and-Migration-Data-RU.pdf>
4. Марказий Осиё мамлакатларида ёшларнинг ташқи миграцияси: хавф таҳлили ва салбий оқибатларини минималлаштириш. – Астана: ХМГТ, 2019.
5. Women & girls on the move: a snapshot of available evidence. IOM, Thematic brief, ISSUE NR 2 | March 2023. Қуйидаги ҳаволада: https://www.migrationdataportal.org/sites/g/files/tmzbd1251/files/2023-03/GDI%20Briefs_Gender_Issue_09-03.pdf
6. Strengthening migration programming from a gender perspective: Lessons learned. UN- Women, 2023. Қуйидаги ҳаволада: <https://www.unwomen.org/en/digital-library/publications/2023/06/strengthening-migration-programming-from-a-gender-perspective-lessons-learned>
7. Clement, Viviane; Rigaud, Kanta Kumari; de Sherbinin, Alex; Jones, Bryan; Adamo, Susana; Schewe, Jacob; Sadiq, Nian; Shabahat, Elham. 2021. Groundswell Part 2: Acting on Internal Climate Migration. © World Bank, Washington, DC. <http://hdl.handle.net/10986/36248> License: CC BY 3.0 IGO

Илмий адабиётлар

1. Алексеев Д. Цифровизация миграционной политики ЕС в контексте секьюритизации миграции [Миграцияни хавфсиз қилиш бўйича Европа Иттифоқининг миграция сиёсатини рақамлаштириш] // Томск давлат университети ахборотномаси. 2022. № 480. 63–72-бетлар.
2. Базелева С. Современные миграционные процессы в контексте региональных противоречий на примере Узбекистана [Ўзбекистон

-
- мисолида минтақавий қарама-қаршилиқлар шароитида замонавий миграция жараёнлари]// RUDN Journal of Public Administration, 2018, 5 (1), 103–111. [Электрон ресурс] URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnye-akty-i-zarubezhnyy-opyt-po-voprosam-regulirovaniya-truda-inostrannyh-grazhdan>
3. Илимбетова А. Глобальный процесс феминизации миграции [Миграцияни феминизация қилишнинг глобал жараёни]// Век глобализации 1/2013 79–91.
 4. Куприна Т.М. Халқаро миграция оқимлари: гендер бўйича чалгашлиқлар //Modern Research of Social Problems, №8(40), 2014
 5. Леденева В.Ю., Мишчук С.Н. Семья и деловая активность женщин, иммигрировавших в Россию // Уровень жизни населения регионов России. [Россияга кўчиб келган хотин-қизларнинг оилавий ва тадбиркорлик фаолияти //Россия ҳудудлари аҳолисининг турмуш даражаси] 2023. 19-жилд. № 1. 25–35-бетлар. DOI 10.52180/1999-9836_2023_19_1_2_25_35
 6. Маркова Е.Ю. Международно-правовая защита экологических мигрантов: реалии и перспективы [Экологик мигрантларни халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш: воқелик ва истиқболлар]// Актуальные проблемы российского права. 2018. № 7 (92) июль
 7. Осадчая Г. И., Киселева Е. Е., Киреев Е. Ю., Черникова А. А. Основные векторы женской миграции на евразийском пространстве [Евросиё ҳудудида аёллар миграциясининг асосий йўналишлари] // Женщина в российском обществе 2021. № 2. 129-148-бетлар.
 8. Попова С.М. – Цифровизация миграционной сферы в России: состояние и перспективы [Россиядаги миграция соҳасини рақамлаштириш: жорий ҳолати ва истиқболлари] // Право и политика. – 2021. – № 9. DOI: 10.7256/2454-0706.2021.9.36488 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=36488
 9. Женщины-мигранты из стран СНГ в России [МДҲ мамлакатларидан келган Россиядаги мигрант хотин-қизлар] / Е.В. Тюрюканова (муҳаррир), Ж.А. Зайончковская, Л.Б. Карачурина, Н.В. Мкртчян, Д.В. Полетаев, Ю.Ф. Флоринская / Е.В.Тюрюканова таҳрири остида – М.: МАКС Пресс, 2011. – 119 б.
 10. Социальная и культурная интеграция мигрантов Опыт Дании, Финляндии, Эстонии, Литвы и России [Мигрантларнинг ижтимоий ва маданий интеграцияси: Дания, Финляндия, Эстония, Литва ва Россия тажрибаси]. Санкт Петербург, 2019 йил.
 11. Obire, O. (2020). «Chapter 14 Educational Migration». In Migrants and Comparative Education. Leiden, The Netherlands: Brill. doi: https://doi.org/10.1163/9789004417014_014

Бошқа манбалар

1. Иқлим ўзгаришига қарши кураш жаҳондаги можароларни ҳал қилишнинг калитидир. <https://www.unep.org/ru/novosti-i-istorii/istoriya/borba-s-izmeneniem-klimata-klyuch-k-razresheniyu-mirovogo-konflikta>
2. БМТ экспертлари “иқлим қочқинлари”нинг бошпана сўраш ҳуқуқини тан олдилар. URL: <https://news.un.org/ru/story/2020/01/1370971>
3. Миграция иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ўсишни ошириши мумкин. <https://www.imf.org/ru/Blogs/Articles/2020/06/19/blog-weo-chapter4-migration-to-advanced-economies-can-l-raise-growth>
4. Меҳнат миграцияси: Ўзбекистонни Япония ёки Жанубий Кореянинг келажаги кутяптими? URL: <https://uz.sputniknews.ru/20201117/Trudovaya-migratsiya-zhdt-li-Uzbekistan-buduschee-Yaponii-ili-Yuzhnoy-Korei-15423658.html>
5. “БМТ Аёллар ташкилоти”: Миграцияни хотин-қизлар учун қандай хавфсиз қилиш мумкин // <https://media-mig.ru/indicators/oon-zhensshiny-kak-sdelat-migraciyu-bezopasnoi-dly/>
6. Дунёда қарийб 281 миллионта халқаро мигрант бор.: <https://news.un.org/ru/story/2022/02/1418252>
7. Мигрантлар: маргиналлашув эмас, ҳимоя.: <https://www.un.org/ru/fight-racism/vulnerable-groups/migrants>
8. Изимов Р. Марказий осиелик мигрантларни нималар кутмоқда? 2022 йил 31 май: <https://www.caa-network.org/archives/23956/chto-zhdet-czentralnoaziatskih-migrantov>
9. Польшада Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё минтақаларида миграция жараёнлари динамикаси масалалари муҳокама қилинди. 2022 йил 11 июнь. [Электрон ресурс] URL:
10. https://dunyo.info/ru/site/inner/v_polyshe_obsuzhdeni_voprosi_dinamiki_migratsionnih_protsesov_v_regionah_tsentralnoy_i_vostochnoy_evropi_i_tsentralnoy_azii-0Bn
11. Ўзбекистон ХМГТга аъзо бўлди. 2018 йил 27 ноябрь.: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/11/27/iom/>
12. Экспертлар ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари учун истиқболли бозорларни айтиб ўтдилар. ИА Красная Весна. <https://rossaprimavera.ru/news/7aa97421>
13. Мирзиёев меҳнат мигрантлари ҳақидаги фикрини айтди. 31.05.2023 й. // <https://kun.uz/ru/news/2023/06/01/mirziyoyev-vyskazal-svoyo-mneniye-o-trudovyx-migrantax>
14. Хориждаги ўзбекистонликларга \$200 млн ажратилади// <https://www.spot.uz/ru/2023/06/23/migrants-assistance/>

-
15. Ўзбекистон иқлим ўзгариши оқибатларига Миллий мослашув режасини ишлаб чиқишга киришди: <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/presscenter/pressreleases/2020/12/uzbekistan-advances-its-climate-change-adaptation-planning-with-.html>
 16. КС-26. Марказий Осиё – иқлимга юқори даражада эътибор қаратилиши керак бўлган ҳудуд. <http://uzdaily.uz/ru/post/65187>

Вебсайтлар

1. <https://stat.uz/uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий веб-сайти
2. <https://www.migrationdataportal.org> – 2017 йилда ХМГТ ташаббуси билан ташкил қилинган, миграция бўйича глобал маълумотлар портали.



ИЛОВАЛАР

1-илова. Миграция сиёсатида гендер жиҳатларни ҳисобга олиш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси

Қонунчилик ва институционал асослар/механизмлар соҳасида			
Чора-тадбир	Амалга ошириш механизми	Ижрочилар	Муддатлар
<p>1. Миграция қонунчилигини кодификация қилиш ва Миграция кодексини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш;</p> <p>2. Миграцияга оид барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга гендер тенглиги тўғрисидаги қоидаларни киритиш;</p> <p>3. Таълим ва экологик миграцияда гендер жиҳатларини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратиш.</p>	<p>1. Хорижий тажрибани ўрганиш;</p> <p>2. Ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>3. Муҳокама.</p>	Парламент	
<p>Миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар ва хориждаги бандлик агентликлари учун гендерга сезгир ахлоқ кодексини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш.</p>			
<p>2030 йилгача миграция сиёсатини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқиш.</p>			
<p>Миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар ва хориждаги бандлик агентликлари учун гендер стратегияларини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш.</p>			

Миграция сиёсати механизмларини такомиллаштириш ва уларнинг гендер сезгирлигини таъминлаш соҳасида			
Чора-тадбир	Амалга ошириш механизми	Ижрочилар	Муддатлар
<p>Миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар ва хориждаги бандлик агентликларида гендер мувозанатини таъминлаш.</p>		Миграция масалалари билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва ННТ	
<p>Миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар ва хориждаги бандлик агентликлари ходимлари учун гендер тенглик масалалари бўйича мажбурий курсларни жорий этиш.</p>			
<p>Мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда консуллик хизматлари ролини кучайтириш</p>			
Халқаро ҳамкорлик соҳасида			
Чора-тадбир	Амалга ошириш механизми	Ижрочилар	Муддатлар
<p>Мигрантларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминловчи давлатлар билан миграция масалалари бўйича икки томонлама ҳамкорлик шартномаларини тузиш масаласи устида ишлаш. Шартномаларга гендер жиҳатларни ҳисобга олувчи қоидаларни киритиш. Гендер тенглик масалаларига, айниқса, мигрант хотин-қизларни иш жойида зўравонликдан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш</p>		МИД	

Халқаро ҳамкорлик соҳасида

Чора-тадбир	Амалга ошириш механизми	Ижрочилар	Муддатлар
<p>ХМТнинг 1949 йилдаги Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 97-сонли конвенцияси (қайта кўриб чиқилган) ва 1975 йилдаги Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 143-сонли конвенциясини (қўшимча қоидалар) ратификация қилиш масалаларини кўриб чиқиш.</p>			
<p>Миграция соҳасидаги аксарият халқаро ҳужжатларда қабул қилувчи давлатларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилганлиги сабабли, ХМТнинг Мигрантлар келиб чиқиш мамлакатлари мажбуриятлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш ташаббусини илгари суриш, мигрантлар келиб чиқувчи бошқа мамлакатларининг тажрибасини ўрганиш</p>			
<p>Тажриба алмашиш учун мигрантлар келиб чиқиш мамлакатлари иттифоқи/форуми/мулоқотини яратиш ташаббусини илгари суриш.</p>			
<p>Миграция масалалари билан шуғулланувчи барча идоралар ва хориждаги бандлик агентликлар ходимлари учун миграция сиёсатини амалга оширишда гендер жиҳатларини ҳисобга олиш бўйича услубий қўлланма тайёрлаш;</p>			

Мигрантларнинг хабардорлигини ошириш соҳасида			
Чора-тадбир	Амалга ошириш механизми	Ижрочилар	Муддатлар
Хорижий давлатлар, айниқса, мигрантлар оқими энг фаол бўлган чет мамлакатларнинг миграция қонунчилиги бўйича маълумотнома тайёрлаш. Мигрант аёллар муаммолари ва миграциянинг гендер жиҳатларига алоҳида боб ажратиш. Ушбу ахборотномадан электрон шаклда фойдаланиш имкониятини таъминлаш.		Госструктуры и ННО, занимающиеся вопросами миграции	
Мигрантлар фойдаланиши учун қулай бўлган рақамли платформалар ва мобил иловалар ишлаб чиқиш. Шу билан бирга, уларда гендер жиҳатларини ҳисобга олишни таъминлаш , муҳим.			
Саъй-ҳаракатларни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш соҳасида			
Чора-тадбир	Амалга ошириш механизми	Ижрочилар	Муддатлар
1. Миграция сиёсати бўйича гендер статистикаси тизимини ривожлантириш; 2. Таълим миграцияси бўйича жинслар бўйича ажратилган маълумотлар тўплаш 3. Экологик миграция бўйича жинслар бўйича ажратилган маълумотлар тўплаш.	1. Гендер кўрсаткичларини ишлаб чиқиш 2. Таълим миграцияси бўйича маълумотлар тўплаш 3. Гендер таҳлили	Миграция масалалари билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва ННТ	
Миграция сиёсатини мустақил мониторинг қилишда ННТнинг фаол иштирок этишини таъминлаш.	1. Миграция масалалари билан шуғулланувчи ННТ рўйхатини тайёрлаш;		

Саъй-ҳаракатларни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш соҳасида

Чора-тадбир	Амалга ошириш механизми	Ижрочилар	Муддатлар
Миграция сиёсатини мустақил мониторинг қилишда ННТнинг фаол иштирок этишини таъминлаш.	<p>2. Мониторинг режасини ишлаб чиқиш, унда ННТлар иштирокидаги чора тадбирларни аниқ кўрсатиб ўтиш</p> <p>3. Ишчи учрашувлар ўтказиш</p> <p>4. Қўшма ҳисоботлар тайёрлаш</p>		
Миграция сиёсатининг гендер сезгирлигини баҳолаш учун гендер кўрсаткичларининг таклиф этилаётган рўйхатини тасдиқлаш;	<p>1. Гендер кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.</p>		
Миграция оқимлари ва уларнинг самарали мониторинги бўйича тўлиқ маълумот олиш учун, гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, миграция сиёсатининг рақамли интерактив харитасини ишлаб чиқиш. Бундай харита нафақат мониторинг ва кузатиш, балки миграция жараёнларини бошқариш учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.	<p>1. Интерактив харита яратиш концепциясини ишлаб чиқиш</p> <p>2. Харитани яратиш ва уни амалда синаб кўриш/тест режимда ишлатиш</p>		

2-илова. Ижтимоий сўровлар натижалари

Ушбу тадқиқотни ўтказиш учун биз бир нечта усуллардан фойдаландик. Биринчидан, биз миллий қонунчиликни миграция масалаларига кўра таҳлил қилдик. Иккинчидан, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларини ўргандик. Учинчидан, миграциянинг баъзи турлари бўйича очиқ статистик маълумотларни таҳлил қилдик. Тўртинчидан, миграция сиёсатида гендер жиҳатларни ҳисобга олиш бўйича халқаро амалиётни ўргандик. Ниҳоят, миграция масалалари билан шуғулланувчи ННТ, шунингдек, мамлакатдан кетаётган ва қайтиб кетган шахслар орасида ижтимоий сўров ўтказдик.

Сўровлар ўтказиш учун Халқаро мигрантлар ташкилотининг *“Handbook on Protection and Assistance for Migrants”*¹²³. [“Мигрантларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича қўлланма”] қўлланмаси асосида сўровномалар тузилди. Жами 3 та сўровнома тузилди:

1. Миграция соҳасида ишловчи ННТ учун;
2. Хорижга кетаётган шахслар учун;
3. Мамлакатга қайтиб келган шахслар учун.

Сўровномалар ННТлар ёрдамида, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ҳавола орқали электрон кўринишда тарқатилди.

ННТ ўртасида миграция масалалари бўйича сўров яқунлари

ННТ учун мўлжалланган сўровномадаги саволларга мамлакатнинг 12 та ҳудудидаги фуқаролик жамияти ташкилотларининг 20 нафар вакили жавоб берди ва уларнинг жавобларини кейинги ўринларда таҳлил қиламиз. Сўровнома саволлари бир нечта блокдан иборат бўлди:


- ташкилот ҳақида маълумот;
- миграция масалалари бўйича ташкилотнинг фаолияти ;
- қонунчиликни такомиллаштириш;
- салоҳиятни ошириш ва хабардорлик.

Ташкилот ҳақида маълумот қисмида ҳудуд, ўша ташкилотда жами ишлаётганлар сони, жумладан эркаклар ва аёллар бўйича саволлар берилган.


Маълумотлар ННТнинг ҳудудий белгиси бўйича қуйидагича тақсимланган (диаграммага қаранг):

- Самарқанд вилояти – 20%
- Андижон вилояти – 15%
- Наманган вилояти – 15%
- Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари – 10% дан
- Қолган бошқа вилоятлар – 5% дан


¹²³ The IOM Handbook on Protection and Assistance for Migrants. – IOM, 2019.



Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотларида ишловчи ходимларнинг сони ва таркиби турлича. Уларнинг 30 фоизида (6 та ташкилотда) 90 дан ортиқ киши (бутун республика бўйича), 25 фоизида (5 та ташкилотда) 5 тадан 10 кишигача, 15 фоизида (3 та ташкилотда) 5 нафаргача, 10 фоизида (2 та ташкилот) 10 дан 15 кишигача ишлайди. Қолган 5%, мос равишда, 15 нафардан 20 гача, 20 дан ортиқ ва 50 дан ортиқ ходимлар ишловчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади (қуйидаги диаграммага қаранг).




20 та ННТда жами 414 киши ишлайди. Шу билан бирга, ННТ ходимларининг умумий сони ҳамда уларда фаолият кўрсатувчи эркеклар ва аёлларни ҳисоблаб, биз қуйидаги нисбатга эга бўлдик: 18% аёллар (75 киши) ва 82% эркеклар (339 киши).



Кейинги бўлим “Мигрантлар билан ишлаш амалиёти” бўлиб, у 17 саволдан иборат. Улардаги аксарият саволларга жавоблар вариантлари берилган, аммо уларнинг баъзиларига изоҳ ёзиш талаб қилинади.

Ушбу саволни бунга мисол қилиш мумкин: “Миграция масалалари бўйича ташкилотингиз томонидан қандай хизматлар кўрсатилади” (бир нечта жавоб танлашингиз мумкин), жавоблар қуйидагича кўринишда бўлди (қуйидаги диаграммага қаранг).



Биринчи навбатда 19 та ташкилот (95%) ҳуқуқий/юримдик ёрдам кўрсатишини кўрсатиб ўтган. Юқоридаги ташкилотларнинг 8 таси (40%) психологик ёрдам кўрсатади, 7 таси (35%) мигрантларнинг хабардорлигини ошириш хизматини, 5 таси (25%) реинтеграция ёки ижтимоий мослашув бўйича ёрдам хизматини, 3 таси (15%) ҳужжатларни тиклаш хизматини, 1 таси (5%) тиббий маслаҳат ва ходимларнинг малакасини ошириш хизматларини кўрсатадилар.


Бу ташкилотларнинг аксарияти (75%) мигрантлар мамлакатга қайтгандан кейин, 65% – мигрантлар четга чиқишдан олдин, 45% – чет элда бўлиб туриш вақтида ёрдам кўрсатади.

Бунда, “Ким кўпроқ ёрдам сўраб мурожаат қилади?” деган саволнинг жавоблари қуйидагича бўлди. 75% ҳолларда мигрантларнинг оила аъзолари ёрдам сўрашса, 60% вазиятларда мигрантларнинг ўзлари, 25% ҳолатларда – дўстлари ва танишлари, 15% – бегоналар ва халқаро ташкилотлар, 10% ҳолларда миллий ҳамкорлар ва 5% вазиятларда маҳаллалар ёрдам сўраб мурожаат қиладилар.

Охириги уч йил ичида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳар бирига қилинган мурожаатлар сони 100 тадан 60 мингтагача бўлган. Охириги 3 йилда жами мурожаатлар сони 131 508 тани ташкил этган бўлиб, шундан ўтган йил давомида миграция масалалари бўйича – 8 508 нафар шахс, шундан 841 таси (қарийб 10%) аёллар мурожаат қилганлар.


Афсуски, ҳамма ташкилотлар ҳам мурожаатлар бўйича статистика ва мониторинг олиб боравермайди, шунинг учун биз сўровда қатнашган ННТ орасида ижобий ечимга эга мурожаатлар бўйича маълумотларни тақдим эта олмаймиз.

Аёллар ва эркалар ўртасидаги миграция масалалари бўйича мурожаатлар орасидаги фарққа келсак, ушбу масала бўйича қуйидаги жавоб вариантлари тақдим этилди. Респондентларнинг 40% бу масалада фарқ бор деб ҳисоблайди, аммо респондентларнинг 25 фоизи бунда фарқ бор деб ҳисоблайди, чунки аёллар кўпроқ муаммоларга дуч келадилар. Аксинча, респондентларнинг 15% эркалар муаммоларга аёлларга қараганда кўпроқ дуч келишларини таъкидлаган бўлсалар, фақат 20% сўралганлар деярли бир хил масалалар кўтарилганлиги сабабли улар орасида фарқ йўқ деб жавоб беришган.




Кейинги саволда биз респондентлардан уларнинг ташкилотларига миграция билан боғлиқ қайси масала билан кўпроқ мурожаат қилинишини сўрадик. Жавоблар қуйидаги тартибда бўлди. Респондентларнинг 80 фоизи ҳуқуқий маслаҳат олиш, 45 фоизи эса уларнинг оила аъзолари учун ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган экан. Психологик ёрдам кўрсатиш, ҳужжатларни тиклаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича, мос равишда, респондентларнинг 35 фоизи уларга мурожаат қилганлар.

Уларнинг 25% молиявий ёрдам масаласи бўйича, 20% эса мамлакатда қонуний булиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилганлар. Респондентларнинг 15 фоизи тиббий ёрдам сўраб, атиги 5 фоизи эса ўз ватанига қайтиш ёки бедарак йўқолган оила аъзоларини қидириш масалалари бўйича мурожаат қилган эканлар.




Респондентлар бу саволга бир нечта жавоб танлашлари мумкин эди

Бундан ташқари, респондентларнинг 70 фоизи республиканинг бошқа ҳудудлари аҳолиси уларга мурожаат қилганликларини таъкидлаган бўлсалар, қолган 30 фоизига бундай мурожаатлар бўлмаганини айтишган. Мурожаатлар қўшни вилоятлар аҳолисидан шахсан ёки телефон орқали, шунингдек, агар бир ташкилотнинг мамлакат бўйлаб бошқа филиалларини ҳам ҳисобга оладиган бўлса, ННТнинг бошқа бўлимларидан ҳам келиб туриши мумкин. Шунингдек, Тожикистон ва Қирғизистон каби қўшни республикалар аҳолиси ҳам ёрдам ва маслаҳат сўрашган ҳолатлар бўлган.




Деярли барча ННТ мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари ва муассасалари билан ҳамкорлик қилади. Уларнинг аксарияти, яъни 50 фоизи Бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан ҳамкорлик қилади, 45 фоизи Ички ишлар вазирлиги ва

Ташқи ишлар вазирлиги, 40 фоизи – Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, 20 фоизи – Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси, 5 фоизи эса, Соғлиқни сақлаш ва Адлия бошқармалари билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб борадилар.



Респондентлар бу саволга бир нечта жавоб танлашлари мумкин эди

“Ташкилотингиз миграция соҳасидаги давлат стратегиялари, йўл хариталари, режа ва иш ва бошқа ҳужжатларни амалга оширишда иштирок этадими?” деган саволга респондентларнинг 30 фоизи “ҳа”, 45 фоизи “йўқ” деб жавоб берган бўлса, уларнинг 25 фоизи бунга жавоб беришга қийналган.



ННТ ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, фуқароларимиз чет элга чиқишда қандай муаммоларга дуч келишлари, ватанидан узоқда бўлганларида кўпроқ қайси масалаларда ёрдам сўрашлари ёки уларнинг оила аъзолари қандай қийинчиликларни бошидан кечиришларини тушуниш мумкин. Шунингдек, бунда миграция соҳасида фаолият юритувчи ННТ ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳақида ҳам хулоса чиқариш мумкин. Фуқаролик жамияти институтларининг миграциядаги ҳаётга тайёрлашда аҳоли билан ишлашга жалб этилиши эса ижобий натижалар бериши табиий, албатта. Аммо амалиётнинг еўрсатишича, бу чоралар ҳамон етарли эмас ва бу муаммо алоҳида эътибор талаб қилади.

2.2. Чет элга чиқаётганлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижаларига кўра сўровномалар таҳлили


Бизнингча, хорижга кетаётганлар ва юртга қайтганлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари жуда қизиқарли бўлди. Сўровномаларга жами 448 киши жавоб берди. Сўровда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига грант дастури бўйича бепул юридик ёрдам кўрсатувчи ННТ жумладан, миграция масалалари бўйича катта ёрдам кўрсатди, бу///

Хорижга кетаётганлар учун сўровномага жами 213 киши жавоб берди.

Сўровнома саволлари 4 қисмдан иборат бўлди:


1. жинс, оилавий аҳвол ва маълумотга оид умумий саволлар.
2. Миграция: мақоми, тарихи, мақсадлари ва унга тайёрлик
3. Шахсий ва оилавий шароитлар.
4. Огоҳлик ва хабардорлик

Сўровноманинг биринчи қисмидаги саволларга берилган жавобларни таҳлил қилайлик. Бунда, эркаклар ва аёллар нисбати мос равишда 68,1% ва 31,9% ни ташкил этди, яъни мамлакатдан кетишни режалаштираётган эркаклар аёлларга қараганда 2,5 баравар кўп (қуйидаги диаграммага қаранг).



Респондентларнинг ёш тоифаларига келадиган бўлсак, улар ушбу кўринишда бўлди:

- 37,2% – 31 ёшдан 40 ёшгача;
- 25,5% – 21 ёшдан 30 ёшгача;
- 17,0% – 20 ёшгача;
- 14,9% – 41 ёшдан 50 ёшгача.
- 5,3% – 51 ва ундан юқори.



Умуман олганда, агар биз миграциянинг гендер жиҳатларини аниқламоқчи бўлсак, у ҳолда ҳар бир саволга эркаклар ва аёлларнинг

жавобларини алоҳида таҳлил қилиш, уларни солиштириш ва ҳар иккаласи учун хос тенденцияларни аниқлаш керак бўлади.

Респондентларнинг ёш бўйича эркаклар учун алоҳида ва аёллар учун алоҳида маълумотларни кўриб чиқайлик. Шунда вазият умумий ҳолатдан фарқ қилади.



Масалан,

эркак респондентларнинг ёши бўйича улушлари қуйидагича тақсимланган:

42,8% – 31 ёшдан 40 ёшгача,
26,2% – 21 ёшдан 30 ёшгача,
16,6% – 41 ёшдан 50 ёшгача,
11,0% – 20 ёшгача
3,4% – 51 ёшдан юқори

Аёлларда бироз бошқача вазият кузатилди:

45,6% – 21 ёшдан 30 ёшгача;
32,4% – 31 ёшдан 40 ёшгача;
11,8% – 41 ёшдан 50 ёшгача,
5,9% – 20 ёшгача
4,4% – 51 ва ундан юқори




Бу маълумотларни битта солиштирама жадвалда ифодалаш мумкин.

Ёш	Барча сўралганлар	Аёллар	Эркаклар
20 ёшгача	17,0%	5,9%	11,0%
21 дан 30 ёшгача	25,5%	45,6%	26,2%
31 дан 40 ёшгача	37,2%	32,4%	42,8%
41 дан 50 ёшгача	14,9%	11,8%	16,6%
51 ёшдан катталар	5,3%	4,4%	3,4%


Жадвалдан кўриниб турибдики, умумий маълумотлар амалдаги ҳақиқий ҳолатни акс эттирмайди, улар фақат ўртача қиймат бўлиб, ажратилган маълумотлар каби катта аҳамият касб этмайди.

Бу солиштирма жадвалда биз нималарни кузатишимиз мумкин? 20 ёшгага бўлган шахслар орасида эркаклар аёллардан кўра кўпроқ чнт элга кетишади ва буни мамлакатимизда қизлар асосан шу ёшда турмушга чиқиши билан изоҳлаш мумкин. Эркаклар эса, кўп ҳолларда 21 ёшдан 30 ёшгача оила қуради. 21 ёшдан 30 ёшгача бўлган аёлларнинг аксарияти эса (45,6%) иш излаб хорижга кетадилар. Ушбу даврда эркаклар учун оилавий ҳаёт эндигина изига тушаётган бўлади, шунинг учун уларнинг камроқ қисми (26,2%) мамлакатни тарк этишни режалаштиради. Аммо 31 ёшдан 40 ёшгача бўлган эркакларнинг аксарияти (42,8 фоиз), оиласи ва фарзандлари бўлганидан сўнг даромад излаб қўшни ҳудудларга кетадилар. Ҳар икки жинс вакиллари ҳам 41 ёшдан 50 ёшгача бўлган пайтларида (кўпроқ аёллар) камроқ чет элга чиқсалар, 51 ёшдан кейин уларнинг сони янада камайд.

Ҳудудий белгиси ёки яшаш жойи бўйича эркаклар қуйидагича кўринишда келтирилади (диаграммага қаранг):




Хотин-қизлар яшаш жойига кўра қуйидагича тақсимланган:




Бу маълумотларга кўра, республикамиздан кетишни режалаштираётган эркекларнинг энг кўп қисми Наманган вилояти вакиллари бўлса, аёлларнинг энг кўпи пойтахтдан кетмоқдалар. Навоий ва Хоразм вилоятларидан эркеклар ҳам, аёллар ҳам бошқа вилоятларга қараганда энг кам сонни ташкил қилади.

Маълумотига кўра, эркеклар қуйидагича тақсимланган (қуйидаги диаграммага қаранг):



По уровню образования у женщин (см. диаграмму ниже):



Маълумот	Барча респондентлар	Аёллар	Эркеклар
Бошланғич	0,4%		1,5
Тугаланмаган ўрта	1,9%	2,9	1,4
Ўрта	30,5%	29,4	31,0
Ўрта махсус	42,7%	32,4	47,6
Тугаланмаган олий	6,6%	8,8	5,5

Маълумот	Барча респондентлар	Аёллар	Эркаклар
Олий	16,9%	26,5	12,4
Илмий даража	0,7%		1,2
Жами:			

Бу ҳолатда умумий ва ажратилган маълумотлар бир-биридан унчалик фарқ қилмайди.


Эркакларнинг асосий қисми (47,6 фоизи) ўрта махсус маълумотга эга бўлса, 31,0 фоизи ўрта маълумотли, атиги 12,4 фоизи диплом ва олий маълумотга эга экан. Жами респондентлар орасида тугаланмаган олий маълумотлилар 5,5%, бошланғич таълим 1,5%, тугалланмаган ўрта маълумотлилар 1,4% ни ташкил этади. Эркакларнинг 12 фоизи илмий даражага эга. Ҳақиқатан ҳам, инфратузилмаси сушт ривожланган ва муносиб маошли иш ўринлари етарли бўлмаган ҳудудларда (Наманган вилояти каби) етарли даражада маълумот ва турмуш даражасига эга бўлмаган, эркаклар ўз оиласини боқиш учун республикани тарк этишга мажбур бўлаётгани ажабланарли ҳолат эмас.

Аёлларда ҳам деярли шунга ўхшаш ҳолат: Уларнинг 32,4 фоизи ўрта махсус, 29,4 фоизи ўрта, 26,5 фоизи олий маълумотли бўлсалар, 8,8 фоизи тугаланмаган олий маълумотли, 2,9 фоизи тугалланмаган ўрта маълумотга эга.

Оилавий ҳолатига келсак, сўралган эркакларнинг аксарияти (65,5%) турмуш қурган ва оилали, 28,3 фоизи турмуш қурмаган, 4,1 фоизи фуқаролик никоҳида ва 2,1 фоизи ажрашганларни ташкил қилади (диаграммага қаранг).

Бироқ турмуш қурган аёлларнинг улуши, гарчи уларнинг кўпчилигини ташкил этса ҳам, бу кўрсаткич бўйича эркакларга қараганда сезиларли даражада паст (қуйидаги диаграммага қаранг).


- 48,5% – турмуш қурган;
- 27,9% – турмуш қурмаган;
- 11,8% – ажрашган,
- 8,8% – фуқаролик никоҳида яшайди;
- 2,9% – бевалар.



Энди солиштираётган жадвал тузиб чиқайлик. Четга кетишни режалаштираётган эркакларнинг аксарияти уйланган эркаклардир. Аёлларнинг эса 48,5% турмуш қурган, бунда турмуш қурмаган аёллар ва эркаклар кўрсаткичи мос равишда 27,9% ва 28,3%ни ташкил қилади. Миграцияни режалаштирган ажрашган аёлларнинг улуши эркакларникига қараганда анча юқори бўлиб, 11,8% ни ташкил қилади. Фуқаролик никоҳида бўлган аёллар эркакларга (4,1%) қараганда 2 баравар кўп (8,8%).

Оилавий аҳволи	Барча респондентлар	Аёллар	Эркаклар
Турмуш қурган	60,1%	48,5%	65,5%
Фуқаролик никоҳи	5,6%	8,8%	4,1%
Турмуш қурмаган	28,2%	27,9%	28,3%
Ажрашган	5,2%	11,8%	2,1%
Бева	0,9%	2,9%	

Тил билиш. Сўров натижалари шуни кўрсатадики, респондентларнинг 97,7 фоизи ўзбек тилида, 75,1 фоизи рус тилида, 10,8 фоизи инглиз тилида, 7,5 фоизи турк тилида, 6,1 фоизи корейс ва 3 фоизи бошқа тилларда гаплаша олади.




Респондентлар бу саволга бир нечта жавоб танлаши мумкин эди

Сўровномаларнинг кейинги қисми миграцияга тааллуқли, яъни улар миграция тарихи, мақоми, мақсадлари ва унга тайёрлигини аниқлаш учун бўлиб, улар 16 та саволдан иборат.


Миграция мақоми. Сўров натижалари шуни кўрсатадики, респондентларнинг 71,4 фоизи меҳнат мигранти сифатида, 12,2 фоизи сайёҳ сифатида, 4,2 фоизи доимий яшовчи сифатида ва яна шунча қисми жавоб

беришга қийналаётганларни ташкил қилса, 2,8 фоизи ноқонуний мигрант сифатида, 2,3 фоизи талаба, 0,5 фоизи малака ошириш учун мамлакатни тарк этганлардан иборат бўлган.



Шу билан бирга, аёллар орасида меҳнат мигрантлари 60,3%, сайёҳлар 19,1%, доимий яшовчилар 7,4%, чет эл фуқаролари 4,4%, чет эллик талабалар, ноқонуний мигрантлар ва жавоб беришга қийналаётганларнинг ҳар бири 2,9%ни ташкил этади.

Миграция тарихи. Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг аксарияти, хусусан 83,1 фоизи бошқа давлатлар ёки республиканинг бошқа минтақаларига кўчиб ўтиш тажрибасига эга бўлмаган, 15 фоизи бундай тажрибага эга ва 1,9% жавоб беришга қийналган. Хорижга чиқиш тажрибасига эга бўлганларнинг аксарияти Россияга борганлигини, кам сонлиси Кореяга борганлигини таъкидлаган бўлса, Ўзбекистон вилоятларидан бошқа вилоятларга бориш тажрибасида асосан Тошкентга шаҳри таъкидлаб ўтилган.




Кўзланган бориш жойи. Респондентларнинг аксарияти, яъни 53,1 фоизи – Россияга, 11,3 фоизи – Кореяга, 8,9 фоизи Туркия, 5,6 фоизи Қозоғистон, 3,8 фоизи АҚШ, 2,3 фоизи Исроил, 0,9 фоизига Хитойга боришни режалаштирган бўлсалар, уларнинг 2 фоизи кетиш мамлакати бўйича аниқ тўхтама келганича йўқ. Қолган жавоблар БАА, Англия, Португалия, Франция, Бельгия, Канада ва бошқа мамлакатлар ўртасида тахминан тенг тақсимланган.

Аёлларнинг жавоблари таҳлил қилинадиган бўлса, уларнинг 45,6 фоизи Россия, 17,6 фоизи Туркия, 8,8 фоизи Корея, 5,9 фоизи Қозоғистон ёки АҚШ,

4,4 фоизи Исроил, 1,5 фоизи Озарбайжон ва 1,1 фоизи Хитойга боришни маъқул кўради, уларнинг 3,6 фоизи эса бу борада аниқ тўхтамга келмаган.


Эркакларнинг бу борадаги жавоблари қуйидагича: респондентларнинг 56,6 фоизи Россия, 12,4 фоизи Корея, 5,5 фоизи Қозоғистон, 4,8 фоизи Туркия, 2,8 фоизи АҚШни, 2,1 фоизи Исроил ва Хитойга боришни афзал кўрган бўлсалар, 3,4 фоизи эса ҳали бу ҳақда аниқ режага эга эмас.



Кўриниб турибдики, аёллар ва эркаклар ўртасидаги умумий тенденциялар ва афзалликлар бироз фарқ қилади, бироқ ҳар иккаласи учун асосий бориладиган мамлакат бир хил.



Борилаётган мамлакат	Умумий	Аёллар	Эркаклар
Россия	53,1%	45,6%	56,6%
Корея	11,3%	8,8%	12,4%
Туркия	8,9%	17,6%	4,8%
Қозоғистон	5,6%	5,9%	5,5%
АҚШ	3,8%	5,9%	2,8%
Исроил	2,8%	4,4%	2,1%
Хитой	1,4%	0,7%	2,1%
Аниқ тўхтамга келмаган	3,6%	3,8%	3,4%

Миграциянинг тахминий муддати. Республикамиздан қанча муддатга чиқиб кетилаётганлиги ҳақидаги саволга респондентларнинг 29,6 фоизи 6 ойдан 12 ойгача, 24,4 фоизи 1 йилдан 3 йилгача, 12,7 фоизи 3 йилдан 5 йилгача, 10,3 фоизи 3 ойдан 6 ойгача, 4,2 фоизи 5 йилдан 10 йилгача муддатни таъкидлаган бўлсалар, уларнинг 1,4 фоизи қайтишни режалаштирмаётганлиги, 16,9 фоизи эса, жавоб беришга қийналаётганлигини айтганлар.



Аёллар орасида миграция муддати умумий тенденциядан бироз фарқ қилади. Шу тарзда, хотин-қизларнинг 30,9 фоизи 1 йилдан 3 йилгача, 19,1 фоизи 6 ойдан 1 йилгача, 13,2 фоизи 3 ойдан 6 ойгача, 11,8 фоизи 3 йилдан 5 йилгача, 5,9 фоизи 5 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга кетишни режалаштираётган бўлсалар, уларнинг 1,5 фоизи қайтишни хоҳламасликларини, 17,6 фоизи жавоб беришга қийналаётганини таъкидлаганлар.

Сўровда иштирок этган жами эркекларнинг 34,5 фоизи 6 ойдан 1 йилгача, 21,4 фоизи 1 йилдан 3 йилгача, 13,1 фоизи 3 йилдан 5 йилгача, 9 фоизи 3 ойдан 6 ойгача, 3,4 фоизи 5-10 йилга хорижга чиқиб кетишни мақсад қилаётган бўлсалар, уларнинг 1,4 фоизи умуман қайтишни истамасликлари, 16,6 фоизи эса “жавоб беришга қийналаман” вариантини танлашган (қуйидаги жадвалга қаранг).



Энди бу қийматларни солиштирамиз.

Миграция муддатлари	Умумий	Аёллар	Эркеклар
3 – 6 ой	10,3%	13,2%	9,0%
6 ой – 1 йил	29,6%	19,1%	34,5%


Миграция муддатлари	Умумий	Аёллар	Эркаклар
1 – 3 йил	24,4%	30,9%	21,4%
3 – 5 йил	12,7%	11,8%	13,1%
5 – 10 йил	4,2%	5,9%	3,4%
Қайтмоқчи эмас	1,4%	1,5%	1,4%
Жавоб беришга қийналади	16,9%	17,6%	16,6%

Миграция сабаблари. Респондентларнинг аксарияти, хусусан 63,4 фоизи пул ишлаш учун кетётганини таъкидлаган бўлсалар, уларнинг 25,4 фоизи мамлакатда пул ишлаш имконияти йўқлиги, 11,3 фоизи ўқишга кетаётганлиги, 6,6 фоизи оилавий шароити оғирлиги, 3,8% оиласи билан бирлашиш учун кетаётганлигини чет элга кетиш важи сифатида кўрсатганлар, респондентларнинг 5,6 фоизи эса, жавоб беришга қийналганларни ташкил қилади.

Хотин-қизлар орасида юртдан кетишнинг асосий сабаби пул топиш имконияти деб кўрсатганлар 54,5 фоизни ташкил қилган бўлса, уларнинг 16,2 фоизи мамлакатда пул ишлаш имконияти йўқлиги, 14,7 фоизи ўқишга кетаётганлиги, 5,9% оиласи билан бирлашиш учун кетаётганлигини, 4,5 фоизи оилавий шароити оғирлигини чет элга кетиш сабаби қилиб кўрсатганлар, 1,3 фоизи бунинг сабаби бошқалигини таъкидлаган бўлсалар, 2,9 фоизи жавоб беришга қийналган.

Жами респондент эркакларнинг 53,1 фоизи пул топиш учун кетаётганлигини эътироф этган бўлсалар, уларнинг 26,9 фоизи яшаш жойида ишга жойлашиш имконияти йўқлигини сабаб қилиб кўрсатган, 4,1 фоизи таълим олиш учун сафарни режалаштиргани, 1,4 фоизи оиласи билан бирлашишни айтган ва қолган 7,6 фоиз респондентлар жавоб беришга қийналганлигини таъкидлаган.

Миграция тўғрисидаги қарор. Респондентларнинг салмоқли қисми, яъни 85,9 фоизи хорижга кетиш қарорини мустақил равишда қабул қилган бўлса, 8,9 фоизи бундай эмаслигини айтган, 5,2 фоизи эса жавоб беришга қийналган.



Эркакларнинг ўзлари бўйича олинган жавоблар фоизи ҳам деярли умумий кўрсаткич билан бир хил: 87,6% – мустақил қарор қилшган, 7,6% – қарори мустақил бўлмаган, 4,8% эса жавоб беришга қийналган.

Аёллар орасида мустақил қарор чиқармаганлар фоизи юқорироқ – 11,8%, мустақил қарор қилганлар – 82,4% ва жавоб беришга қийналганлар – 5,9%.


Чет элга кетаётганлар таркиби. Респондентларнинг 70 фоизи яъни кўпчилик қисми ёлғиз ўзи кетаётганлиги, 14,6 фоизи – оиласи ёки қариндошлари билан, 7 фоизи – дўстлари ёки танишлари билан, 3,8 фоизи – иш берувчи билан, 1,4 фоизи – рекрутер орқали, 1,3% – бола билан кетаётганлигини таъкидлаган, “унча таниш бўлмаган шахс билан кетаяпсизми?” деган саволга ҳеч ким жавоб бермаган бўлса, 1,9% респондентлар жавоб беришга қийналаётганини белгиллаган.

Аёллар асосан (66,2%) ўзлари кетаётгани, 20,6 фоизи оиласи ёки қариндошлари билан, 7,4 фоизи дўстлари ёки танишлари билан, 2,9 фоизи иш берувчи билан, 1,5 фоизи боласи билан кетишаётганлигини таъкидлаган.


Эркаклар орасида ёлғиз ўзи кетаётганлар 71,1%ни ташкил қилган бўлса, 10,3% – оиласи ёки қариндошлари билан, 7,6% – дўстлари ёки танишлари билан, 4,1% – иш берувчи билан, 1,4% – рекрутер билан кетаётганлигини эътироф этган, уларнинг 5,5 фоизи жавоб беришга қийналган.

Таркиби	Умумий	Аёллар	Эркаклар
Мустақил тарзда	70,0%	66,2%	71,1%
Қариндошлар билан	14,6%	20,6%	10,3%
Дўстлар/танишлар билан	7,0%	7,4%	7,6%
Иш берувчи билан	3,8%	2,9%	4,1%
Рекрутер билан	1,4%	-	1,4%
Бола билан	1,5%	1,5%	-
Жавоб беришга қийналади	1,9%	-	5,5%

Йўналиш. Респондентларнинг салмоқли қисми (86,9%) манзилига самолётда, 10,8 фоизи поездда, 1,4 фоизи автобусда, 1,4 фоизи автомобилда боришни режалаштираётган бўлсалар, 1,9 фоизи жавоб беришга қийналаётганини айтган.



Борилаётган мамлакатнинг тилларини тушуниш. Респондентларнинг 45,1 фоизи ўзи бораётган мамлакат тилини яхши билади, 33,8% – у тилдан биров хабардор, 12,2% – жуда яхши билади, 4,2% – тушунади, лекин гапиролмайди, 4,7 фоизи эса, у мамлакат тилини тушунмайди.




Аёллар орасида тилни етарлича яхши биладиганлар 39,7%, озроқ тушунадиганлар 36,8%, жуда яхши биладиганлар 10,3%, тушунади, лекин гапира олмайдиганлар 7,4%, умуман тушунмайдиганлар эса 5,9%ни ташкил қилади.

Эркаклар орасида бораётган мамлакат тилини яхши тушунадиганлар 47,6%, тилни биров тушунадиганлар 32,4%, жуда яхши биладиганлар 13,1%, тушунмайдиганлар 4,1%, тушунади, лекин гапира олмайдиганлар 2,8% қисмини ташкил этади.

Ишга кириш учун зарур бўлган кўникмалар. Сўралганларнинг яримдан кўпи (54,5%) ўзларини зарурий кўникмаларга эга деб ҳисобласалар, 28,6 фоизи – бундай кўникмаси йўқлиги, 13,6 фоизи жавоб беришга қийналиши, қолган 3,3 фоизи бу кўникмаларни иш жойида эгаллашга ҳаракат қилишларини таъкидлаганлар.


Аёллар орасида респондентларнинг 42,6 фоизи зарур кўникмаларга эгалиги, 36,8 фоизи – эга эмаслиги, 17,6 фоизи – жавоб беришга қийналиши, 3,0 фоизи жуда кам зарурий кўникмага эгаман, деб жавоб берганлар.

Аёллардан фарқли ўлароқ, зарур меҳнат кўникмаларига эга бўлган эркаклар 60,0%, кўникмаси йўқлар 24,8%, жавоб беришга қийналадиганлар 11,7%, кўникмалар жуда оз ва уларни эгаллашга ҳаракат қиладиганлар 3,5% ни ташкил этган.




Ишга кириш учун кўникмалар	Умумий	Аёллар	Эркаклар
Ҳа, бор	54,5%	42,6%	60,0%
Озроқ	3,3%	3,0%	3,5%
Йўқ	28,6%	36,8%	24,8%
Жавоб беришга қийналаман	13,6%	17,6%	11,7%

Махсус таълим. Хорижга кетишдан олдин махсус тайёрлов курсида ўқиганлик ҳақида сўралганда, респондентларнинг ярмидан кўпи, яъни 63,4% – “йўқ”, 35,7% – “ҳа” деб жавоб берди.




Хотин-қизларнинг атиги 19,1 фоизи ихтисослаштирилган курсларга қатнаган, қолган 80,9 фоизи эса қатнашмаган.

Курсларда таҳсил олган эркаклар аёллардан қарийб 2 баравар кўп – 43,4%, аммо бундай курсларда ўқимаганлар жами эркакларнинг ярмидан ҳам кўп – 56,6%.



Мослашув. Борилаётган мамлакатда миграция ва мослашув билан боғлиқ қийинчиликлар бўйича қуйидаги жавоблар олинди: 28,6% бу жараён қийин ҳам, осон ҳам бўлмайди, деб ҳисоблайди; 21,6% – жавоб беришга қийналади; 19,7% бу жараён қийинроқ бўлса керак, деб ҳисоблайди; 15,5% – бунга илиқ муносабатда бўлиб, жуда қийин бўлмаса керак, деб ўйлайди; 8% респондентлар бу жараён осон бўлишига амин ва респондентларнинг 6,6 фоизи буни жуда қийин деб ҳисоблайдилар.




Жавоблар аёллар ва эркеклар ўртасида деярли бир хил нисбатда тақсимланган.

Борилаётган мамлакатда мигрантларга муносабат. Борилаётган давлатда мигрантлар ва хорижликларга бўлган муносабат борасида, респондентларнинг 40,8% дўстона муносабатни кутмоқда, 17,8% жавоб беришга қийналади, 17,4% уларга нейтрал муносабатда бўлишларига ишонади, 15,5% – бироз самимий муносабатни кутаётган бўлса, 7,5% – жуда илиқ кутиб олинишни кўзламоқда ва атиги 0,9% кишилар муносабат умуман дўстона бўлмайди, деб ишонади.


Сўровноманинг кейинги қисми респондентларнинг **шахсий ва оилавий шароитлари** ҳақида бўлди.

Яшаётган мамлакатда зўравонлик, эксплуатация ёки шафқатсиз муносабатда бўлиш. Респондентларнинг 94,8 фоизи ўзи яшаётган мамлакатда бундай ҳодисаларга дуч келмаган, 3,3 фоизи дуч келганини айтган, 1,9 фоизи эса жавоб беришга қийналган. Бундай муносабатга дуч келган 3,3% респондентларнинг ярмидан кўпи (54,5%) иқтисодий зўравонликка дуч келган, қолганлари тенг улушда руҳий ва жисмоний зўравонлик, шунингдек, шафқатсиз муносабатга дуч келганлар.

Миграция сабаблари. Миграция қилиш қарорига таъсир қилган сабаблар ҳақида сўралганда, респондентларнинг 39 фоизи иш ёки даромад манбасини йўқотганлигини, 33,8 фоизи бошқа сабабларни, 12,2 фоизи ишга муносиб ҳақ тўланмаслиги, 8,9 фоизи жавоб беришга қийналгани, 2,8 фоизи – таълим олиш, 0,9% – оғир касаллик ёки ногиронлик, 0,5% – оиласи билан бирлашиш, 0,5% турмуш ўртоғининг иши туфайли саёҳат қилаётганини таъкидлаган.




Алоҳида эҳтиёжлар. Шу билан бирга, респондентларнинг 8 фоизи алоҳида тиббий эҳтиёжлари ёки жароҳатлари борлигини қайд этган бўлса, 3,8 фоизи жавоб беришга қийналган, 88,3 фоизи эса бундай эҳтиёжлари йўқлигини айтган.





Даромад манбаи. Респондентларнинг аксарияти (53,5%) ҳозирда даромад манбаи йўқлигини айтган, 39,3 фоизи борлигини, 5,2 фоизи жавоб беришга қийналишини, 2 фоизи кичик даромадга эгалиги, аммо бу етарли эмаслигини эътироф этган.

Аёлларнинг ҳам, эркекларнинг ҳам жавобларини таҳлил қилишда деярли бир хил рақамлар кузатилган.



Жорий бандлик. Сўров ўтказилганда 27,2% – респондентлар ўзини ўзи банд қилган шахслар эканлигини, 16% – уй ишларида бандлиги, 13,1% – норасмий секторда эканлиги, 9,4% – ёлланма ишчи эканлиги, 4,2% – ишлаб чиқаришда банд, 3,8% – хусусий тадбиркор, 2,3% – ишсиз, 1,9% – давлатдан ижтимоий ёрдам олишини таъкидлаган бўлса, 19,2% респондентлар жавоб беришга қийналган.






Хотин-қизларнинг 26,5% – ўзини ўзи банд қилганлар, 22,1% – уй ишларида бандлиги, 13,2% – норасмий секторда эканлиги, 5,9% – ёлланма ишчи эканлиги, 2,9% – ишлаб чиқаришда банд ва озроқ қўшимча даромадга эгалиги, 2,9% – нафақа олишини таъкидлаган бўлса, 22,1% аёллар жавоб беришга қийналган.

Эркакларга келсак, уларнинг 27,6 фоизи ўзини ўзи банд қилган шахслар, 17,9 фоизи жавоб беришга қийналиши, 13,1 фоизи уй хўжалигида бандлиги, 13,1 фоизи ёлланма ишчи ва яна шунчаси норасмий ишлаши, 4,8 фоизи ишлаб чиқаришда, 4,1 фоизи хусусий тадбиркорликда банд эканлиги, 3,4% ишсиз, 2,1% тоғ-кон саноатида фаолият кўрсатиши, 1,4% эса, ижтимоий нафақа олувчи эканлигини таъкидлаган


Ушбу маълумотларни битта жадвалда таққослаб, вазиятни таҳлил қилиш имкониятига эга бўламиз. Унга кўра, ўзини ўзи банд қилган аёллар ва эркаклар деярли тенг нисбатда эканлиги, жавоб беришга қийналаётганлар биров фарқланиши, уй хўжалигида банд аёллар эркаклардан 10% га кўплиги, норасмий секторда эса деярли бир хил нисбатда эканлиги, ёлланма ишчилар сифатида ишловчи эркаклар шундай аёллардан икки баробарга кўплиги, аёллар орасида ишсизлар йўқлиги, ижтимоий ёрдам ёки нафақа олувчи хотин-қизлар шундай эркакларга қараганда икки баробарга ортиқлигини кўришимиз мумкин (қуйидаги жадвалга қаранг).

Жорий бандлик/даромад манбаи	Умумий	Аёллар	Эркаклар
Ўзини ўзи банд қилган	27,2%	26,5%	27,6%
Жавоб беришга қийналаман	19,2%	22,1%	17,9%
Уй хўжалигида	16,0%	22,1%	13,1%
Норасмий иш	13,1%	13,2%	13,1%
Ёлланма иш	9,4%	5,9%	11,0%
Ишлаб чиқаришда	4,2%	2,9%	4,8%
Хусусий сектор	3,8%	2,9%	4,1%
Ишсизлар	2,3%	-	3,4%
Ижтимоий нафақа	1,9%	2,9%	1,4%
бошқа	2,9%	1,5%	2,1%

Жорий қарзлар. Сўров ўтказилиш вақтида респондентларнинг 78,9 фоизи қарзи йўқлигини қайд этган, 20,2 фоизи қарзи борлигини, 0,9 фоизи жавоб беришга қийналишини таъкидлаган. Шу билан бирга, барча респондентларнинг 12,7 фоизи ушбу **қарзларни тўлаш учун** уларга босим ўтказилгани ёки **мажбурланганликларини** қайд этдилар.




Оила таркиби ва турмуш шароити. Респондентлар ким билан яшаши ҳақидаги саволга қуйидаги жавоблар олинди: 36,2% – ота-онаси ва бошқа оила аъзолари билан, 24,4% – турмуш ўртоғи ва болалари билан, 21,6% – ота-онаси билан, 7,5% – мустақил яшаши, 5,2% – турмуш ўртоғи ёки шериги билан, 4,2% – фақат болалари билан яшашларини, 0,5% – бошқалар билан бирга уй-жой ижарага олганликларини таъкидлаганлар.



Аёллар орасида вазият қуйидагича: 27,9 фоизи турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан, 20,6 фоизи ота-онаси билан, 20,6 фоизи ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан, 11,8 фоизи фақат болалари билан, 8,8 фоизи мустақил, 8,8 фоизи бошқалар билан бирга ижарада яшашини эътироф этганлар.

Эркакларнинг асосий қисми, яъни 43,4 фоизи ота-онаси ва бошқа оила аъзолари билан яшашини, 22,8 фоизи турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан, 22,1 фоизи ота-онаси билан, 6,9 фоизи мустақил тарзда, 4,1 фоизи турмуш ўртоғи билан, 0,7 фоизи фақат болалари билан истиқомат қилишини билдирган.




Энди олинган маълумотларни битта жадвалда умумлаштирамиз.

Яшаш шароитлари	Умумий	Аёллар	Эркаклар
Ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари билан	36,2%	20,6%	43,4%
Ота-она билан	21,6%	20,6%	22,1%
Турмуш ўртоғи ва болалар билан	24,4%	27,9%	22,8%
Мустақил тарзда	7,5%	8,8%	6,9%
Турмуш ўртоғи билан	5,2%	7,4%	4,1%
Фақат болалари билан	4,2%	11,8%	0,7%
Бошқалар билан бирга ижарада туради	0,5%	1,5%	-

Аёлларнинг аксарияти турмуш ўртоғи ва болалари билан, эркаклар эса ота-оналари ва бошқа оила аъзолари билан яшайдилар, мустақил яшаётганлар улуши ота-оналари билан яшайдиганлардан унчалик фарқ

қилмайди. Турмуш ўртоғи билан яшовчи аёлларнинг улуши эркекларникига қараганда бир оз юқори, лекин фақат болалар билан яшовчи аёллар 11,8%, эркеклар эса 0,47% ни ташкил қилади. Сўровда бошқалар билан бирга уй-жой ижарага олган аёлларнинг улуши 1,5% ни ташкил қилса, эркекларда бу кўрсаткич 0 га тенг.


Оила боқувчиси. Мазкур “Сиз оилангиз учун ягона ёки асосий боқувчимисиз?” деган саволга қуйидаги жавоблар олинди: 62,9% респондентлар бунга “йўқ” деб, 34,3% – “ҳа” деб жавоб берган, 2,8% қисми эса жавоб беришга қийналган.



Шунингдек, хотин-қизлар орасида респондентларнинг 76,5 фоизи ёлғиз боқувчи эмаслигини, 17,6 фоизи эса, ёлғиз боқувчи эканлигини, 5,9 фоизи жавоб беришга қийналганлигини айтган.


Эркеклар орасида 42,1% шахслар оилада ёлғиз боқувчи, 56,6 фоизи ёлғиз боқувчи эмаслигини эътироф этган бўлса, уларнинг 1,4 фоизи жавоб беришга қийналган.

Оила даромади. Оила таъминоти учун даромад ҳақида сўралганда респондентларнинг 42,7 фоизи даромадлари етарли эмаслиги, 36,2 фоизи қисман етарлилиги, 16 фоизи оилани боқиш учун етарлича даромадга эгаллигини билдирган, 5,2 фоизи эса “жавоб беришга қийналаман”, деган жавобни танлаган.




Эркеклар учун бу саволнинг жавоби умумий кўрсаткичдан унчалик фарқ қилмайди: 43,4% – даромади етарли эмас, 34,5 % – даромади оила харажатларини қисман қоплайди, 17,9% – оила харажатларини тўлиқ қоплайди, 4,1 % – жавоб беришга қийналади.

Таълим олиш имконияти. Респондентларнинг катта қисми – 36,6 фоизи таълим олиш имконияти қисман борлигини, 30,0 фоизи – йўқлигини, 29,1 фоизи – тўлиқ борлигини таъкидлаган бўлсалар, 4,2 фоизи бу борада жавоб беришга қийналган.




Эркаклар ва аёллар учун бу саволга жавоб умумий тенденциялардан унчалик фарқ қилмайди (фарқ 1-2% орасида).

Тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти. Респондентларнинг 40,8 фоизи тиббий хизматлардан қисман фойдалана олиши, 28,6 фоизи фойдалана олмаслиги, 28,2 фоизи тиббий эҳтиёжларни тўлиқ қоплашини эътироф этган бўлсалар, уларнинг 2,3 фоизи эса жавоб беришга қийналганлар бўлган.



Фуқароликни ўзгартириш. Фуқароликни ўзгартириш режалари ҳақида сўралганда, респондентларнинг 93,4 фоизи “йўқ” деб жавоб берган, 3,8 фоизи эса ўзгартиришни режалаштираётганини айтган, 2,8 фоизига эса жавоб бериш қийин бўлган.




Сўровномаларнинг кейинги қисми **огоҳлик ва хабардорликка** тааллуқли бўлди.

Респондентлардан уларнинг борилаётган мамлакатдаги меҳнат, уй-жой, таълим, шахсий хавфсизлик, ҳуқуқий мақоми, ҳужжатлар ва бошқаларга оид ҳуқуқлари ҳақида қай даражада хабардор эканлиги сўралганда, қуйидаги жавоблар олинди: 48,4% – қисман хабардор, 28,6% – тўлиқ билади, 20,2% – унчалик кўп маълумотга эга эмаслиги ҳақида билдирган бўлсалар, 2,8% – жавоб беришга қийналган.


Аёлларнинг 40,9 фоизи етарлича маълумотга эга эмас, 39,4 фоизи қисман хабардор, 12,1 фоизи тўлиқ маълумотга эга, 7,6 фоизи эса жавоб беришга қийналади.

Шу билан бирга, эркакларнинг аксарияти, яъни 43,4 фоизи ўзларини бу ҳақда етарли даражада маълумотга эга эмас деб ҳисоблайди, 34,5 фоизи – қисман, 17,9 фоизи – тўлиқ хабардорман деб санайди, 4,1 фоизи эса, жавоб беришга қийналади.

